ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«БАНК ИШИ» ВА «ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИННОВАЦИЯЛАР» КАФЕДРАЛАРИ

«Ўзбекистон банк соҳасидаги инновациялар: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани

МАТЕРИАЛЛАРИ

2022 йил 9-10 апрель
(II-қисм)



САМАРҚАНД-2022

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

“БАНК ИШИ” ВА “ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИННОВАЦИЯЛАР” КАФЕДРАЛАРИ

“Ўзбекистон банк соҳасидаги инновациялар: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари

2022 йил 9-10 апрель
(II-қисм)

САМАРҚАНД 2022

МИНИСТЕРТСВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ И СЕРВИСА

КАФЕДРЫ “БАНКОВСКОЕ ДЕЛО” И “ИНВЕСТИЦИИ И ИННОВАЦИИ”

“Инновации в банковской сфере Узбекистана: проблемы и решения” Материалы Республиканской научно-практической конференции

9-10 апреля 2022 г.
(II-часть)

САМАРКАНД – 2022



Халқимиз дунёқарашида инновация муҳитини яратиш энг муҳим вазифамиздир. Инновация бўлмас экан, ҳеч бир соҳада рақобат, ривожланиш бўлмайди. Бу соҳадаги ўзгаришларни халқимизга кенг тарғиб қилмасак, одамларда кўникма пайдо қилмасак, бугунги давр шиддати, фан-техниканинг мислсиз ютуқлари билан ҳамқадам бўлолмаймиз.

Ш.М. Мирзиёев

UO'K: 33.1
KBK: 65.01

"Ўзбекистон банк соҳасидаги инновациялар: муаммо ва ечимлар". 2022 йил 9-10 апрель. Республика миқёсидаги илмий-амалий анжумани материаллари (II қисм). – Самарқанд: СамИСИ, 2022.- 168 бет.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи: катта ўқитувчи Ф.М.Даминов

Нашр учун масъуллар:
А.Б.Бектемиров – иқтисод фанлари доктори, проф.в.б.,
А.Я.Абдуллаев – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Д.М.Маликова – ассистент.

Саҳифаловчи: Шоҳиста Бойқобилова

"Ўзбекистон банк соҳасидаги инновациялар: муаммо ва ечимлар" мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материалларида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим ўрин тутган банк соҳасини инновацион ривожлантиришнинг назарий, услубий ва амалий муаммоларга оид масалалар ёритилган. Унда рақамли иқтисодиёт шароитида банк соҳасидаги муаммолар, инвестицион ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолари, банк соҳасини ривожлантиришнинг умумиқтисодий - ижтимоий муаммолари, рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида банк соҳасини инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, шунингдек банк соҳасидаги инновацияларнинг хорижий тажрибаларини ўрганиш ва жорий этиш каби масалалар, банк хизматларининг оммабоплигини ошириш муаммолари ва уларнинг ечимларини таъминлаш юзасидан илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақола ва маъруза тезислари ўрин олган.

Илмий тўплам Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрлар, таянч докторантура, докторантура, мустақил изланувчилар ва соҳа мутахассисларига мўлжалланган.

Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган, рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2022

I ШЎЪБА. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА МОЛИВИЙ БАРҚАРОРЛИГИ ТАЪМИНЛАШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ

Абдуллаев Алтинбек Янгибаевич –
СамИСИ профессори, и.ф.д.,
Маликова Дилрабо Муминовна –
СамИСИ «Банк иши» кафедраси ассистенти

ЭВОЛЮЦИЯ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИХ ВЗГЛЯДОВ НА ЭКОНОМИЧЕСКУЮ БЕЗОПАСНОСТЬ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

Аннотация: Мақолада хорижий ва маҳаллий олимларнингиқтисодий хавфсизлик тушунчасини умумий ва тижорат банклари миқёсидаги талқини, иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг аҳамияти, шунингдек, тижорат банклари иқтисодий хавфсизлиги тушунчасининг такомиллаштирилган таърификелтирилган.

Аннотация: В статье представлена трактовказарубежных и отечественных ученых понятия экономической безопасности в целом, и на уровне коммерческих банков, рассматривается значение обеспечения экономической безопасности, а также в статье приводится усовершенствованное определение понятия экономической безопасности коммерческих банков.

Abstract: The article presents the interpretation of foreign and domestic scientists of the concept of economic security in general, and at the level of commercial banks, considers the importance of ensuring economic security, and also the article provides an improved definition of the concept of economic security of commercial banks.

Калит сўзлар: иқтисодий хавфсизлик, тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги, тижорат банкларининг иқтисодий хавфсизлиги

Ключевые слова: экономическая безопасность, финансовая устойчивость коммерческих банков, экономическая безопасность коммерческих банков

Keywords: economic security, financial stability of commercial banks, economic security of commercial banks

Для коммерческих банков важнейшими условиями эффективной и безопасной работы являются повышение прибыльности, обеспечение возврата кредитов, снижение банковских рисков и поддержание ликвидности.

“Устойчивое финансовое состояние банка – состояние банка, характеризующее сбалансированность финансовых потоков, достаточность средств для поддержания платежеспособности, ликвидности и рентабельной деятельности, а также выполнение банком всех пруденциальных нормативов”[1].

Экономическая безопасность банковской системы, которая запускает механизм перераспределения финансовых ресурсов, является одной из ключевых предпосылок безопасности экономической системы государства.

Экономическая безопасность коммерческого банка – это отсутствие угроз в деятельности банков. Так как, при возникновении угроз банки испытывают кризисное состояние и чем более продолжительными являются эти процессы, тем большей является вероятность финансовой нестабильности банка, что в свою очередь по способствует отзыву у банков лицензий на осуществление банковской деятельности.

Впервые понятие «экономическая безопасность» было использовано президентом США Ф.Рузвельтом при поиске путей решения для выхода из экономического кризиса в США в 30х гг. XX века.

При этом единая концепция механизма обеспечения систем безопасности научно до сих пор не обоснована и не сформирована.

По мнению Л.И.Абалкина, экономическая безопасность – это совокупность условий и факторов, обеспечивающих независимость национальной экономики, ее стабильность и устойчивость, способность к постоянному обновлению и совершенствованию[2].

Согласно интерпретации Е.В.Илинич, экономическая безопасность банков – «это такое состояние банка, которое при наиболее рациональном использовании ресурсов обуславливает предотвращение возможных угроз деятельности банка и осуществление эффективного управления рисками, создает благоприятную среду для полной реализации задач и функций банка, его стабильного, устойчивого, прогрессивного, независимого развития и максимизации прибыли[3].

Экономическая безопасность является одним из основных компонентов национальной безопасности государства и представляет собой совокупность

---

[1]Закон Республики Узбекистан от 5 ноября 2019 года №ЗРУ-580 “О банках и банковской деятельности”

[2]Абалкин Л.И. Экономическая безопасность России: угрозы и их отражение // Вопросы экономики. 1994. № 12. – С.4-13.

[3]Илинич, Е.В. Экономическая безопасность в сфере банковской деятельности специальность / Автореф. канд. экон. наук. – М.,2004. – 13 с.

основополагающих взглядов на пути, средства и способы гарантированного обеспечения экономических потребностей страны[4].

При этом Р.А.Гриценко утверждает, что «безопасность банковской системы играет особую роль в обеспечении экономической безопасности государства, что обусловлено проникновением банковской системы во все сферы общественной жизни»[5].

По толкованию Х.П.Абулкосимова экономическая безопасность – это состояние защищенности от внутренних и внешних угроз, агрессий, угрожающих жизненно важным интересам субъекта, в результате принимаемых администрацией и персоналом мер правового, организационного, экономического, инженерно-технического характера[6].

В.В.Аленин считает, что экономическая безопасность банковского сектора региона – это комплексная характеристика основных параметров процесса развития регионального банковского сектора, при котором обеспечивается предупреждение возникновения или ликвидация угроз эффективному воспроизводству и использованию основных элементов ее потенциала как составных частей банковской системы страны[7].

В научных трудах Е.А.Андреевой указано, что “под обеспечением экономической безопасности банков стоит воспринимать мероприятия в рамках анализа системы показателей, характеризующих устойчивое и защищенное от вызовов внешней среды состояние и мер, ориентированных на преодоление экономических угроз»[8].

В заключение следует отметить, трактовки понятий «экономической безопасности» в целом, и «экономической безопасности коммерческого банка» зарубежными и отечественными учеными можно обобщить, т.е. под экономической безопасностью понимаетсяэкономическая защищенность субъекта от различных внешних и внутренних угроз. Итак, экономическая безопасность банков – это состояние защищенности деятельности банка от различных внешних и внутренних угроз, обеспечение которой осуществляется в целях организации стабильного и эффективного функционирования коммерческого банка.

---

[4]Ишмухаммедов А.Э. Экономическая безопасность. Учебное пособие. – Т.: ТГЭУ, 2004. – С. 7

[5]Гриценко Р.А. Определение экономической безопасности банковской системы / Р.А.Гриценко // Банковский вестник. – 2005. -№2. – С. 99-103.

[6]Абулкосимов Х.П. Иқтисодий хавфсизлик. Учебное пособие. – Т.: Академия, 2006. – С. 207.

[7] Аленин В.В. Стратегия обеспечения экономической безопасности регионального банковского сектора: методология, методы и практика. Автореф. дис. … канд. экон. наук: 08.00.10; [Место защиты: Ивановский государственный университет].-Иваново., 2007. –С.11-12.

[8] Андреева Е.А. Обеспечение экономической безопасности российского многопрофильного банка с иностранным участием: дис. ... канд. экон. наук. М., 2014. 184 с.

Бектемиров А. *– СамИСИ «Инвестиция ва нновациялар» кафедраси мудири, проф. в.б.,и.ф.д.,*
Маликова Д.М. *– СамИСИ «Банк иши» кафедраси ассистенти,*
Аҳмедов Ҳ.Ф. *– СамИСИ магистранти*

ТИЖОРАТ БАНКИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: Мақолада тижорат банкларининг фаолияти моҳияти, даромадлари ва ҳаражатлари таркибий тузилиши, Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг даромадлилик кўрсаткичлари таҳлили, шунингдек, банкларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифларкелтирилган.

Аннотация: В статье рассматривается сущность деятельности коммерческих банков, структура доходов и расходов банков, анализ показателей доходности банковского сектора Республики Узбекистан, а также представлены предложения по повышению эффективности деятельности банков.

Abstract: The article deals with the essence of the activities of commercial banks, the structure of income and expenses of banks, the analysis of profitability indicators of the banking sector of the Republic of Uzbekistan, and also presents proposals for improving the efficiency of banks.

Калит сўзлар: банк тизими, самарадорлик, даромад, ҳаражат, фойда

Ключевые слова: банковский сектор, рентабельность, доходы, расходы, прибыль

Keywords: banking sector, profitability, income, expenses, profit

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг таянадиган асосий устунларидан бири бўлиб молиявий жиҳатдан мустаҳкам ва барқарор фаолият кўрсатувчи банк тизими ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида банк тизими зарур жамоатчилик муассасалари тизими экан, ҳар қандай банкнинг бутун банк тизимига ишончни сусайтирувчи муваффақиятсизлиги бутун жамият миқёсида пул таклифининг қисқариши, тўлов тизимининг бузилиши ҳамда ҳукуматнинг жуда йирик ва кутилмаган мажбуриятларининг вужудга келиши каби салбий макроиқтисодий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Банк тизими самарадорлигини ошириш тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг арзон ва сифатли молиявий хизматларга ўсиб бораётган

эҳтиёжларини таъминлаш учун иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим омили ҳисобланади.

2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида банк тизимининг самарадорлигини ошириш устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган[9].

Тижорат банки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар сингари якуний мақсади фойда олишга қаратилган ташкилот ҳисобланади. Тижорат банклари банк ҳисобварақларини очиш ва юритиш, тўловларни амалга ошириш, омонатларга (депозитларга) пул маблағларини жалб этиш, ўз номидан кредитлар бериш бўйича банк фаолияти сифатида аниқланган операциялар мажмуини амалга оширади.

Тижорат банкларининг барча кўринишлардаги даромадларини қуйидаги икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- фоизли даромад;
- фоизсиз даромад.

Тижорат банклари ҳар хил турдаги фаолиятининг натижасида ҳисобланадиган ва ундириладиган фоизлар унинг даромади манбаси ҳисобланади.

Тижорат банкларининг даромади банк фаолиятининг кредит бериш, дисконт фаолияти, траст (ишонч) хизмати кўрсатиш, банкларнинг кафолатлар бериш фаолияти, қимматли қоғозлар билан операциялар, бошқа банклар билан вакиллик муносабатларига асосланган фаолият, ноанъанавий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ фаолият ва бошқа фаолият турлари натижасида шаклланади.

Тижорат банклари фаолият давомида турли хил ҳаражатларни амалга оширади. Бу ҳаражатларни иқтисодий мазмунига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- фоизли ҳаражатлар;
- фоизсиз ҳаражатлар;
- операцион ҳаражатлар.

2022 йил 31 март ҳолатига кўра, республикада 33 та тижорат банки фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан 12 таси давлат улушига эга ва 21 таси бошқа (акциядорлик, хусусий, чет эл капитали иштирокидаги) банклар

[9] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” ги ПФ-5992-сонли Фармони

ҳисобланади. Республика ҳудудларида 905 та банк муассасалари (бош офис, филиал) лари фаолият кўрсатмоқда[10].

2018-2021 йиллар кесимида юртимиздаги банк тизимининг фаолияти самарадорлигини 1-диаграмма маълумотларидан кўришимиз мумкин.



1-диаграмма. 2018-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси банкларининг даромадлилиги кўрсаткичлари (млрд. сўмда)[11]

2018-2020 йиллар мобайнида банкларнинг молиявий натижаси якуни соф фойданинг ўсиш динамикаси кузатилмоқда. 2020 йилда банкларнинг соф фойдаси миқдори 5 642 млрд. сўмни ташкил этган. 2018 йил якуни натижаларига кўра соф фойда миқдори қарийб 1,8 бараварга ошган. 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси банк тизими фойдаси 2020 йилга нисбатан 1 757 млрд. сўмга камайган ва 3 885 млрд. сўмни ташкил этган. Бундай ўзгаришга банкларда кредит ва лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун яратилган заҳиралар миқдорининг 2020 йилдагига нисбатан 149 фоизга ошганлиги ва 2022 йил 1 январ ҳолатига 4 339 млрд. сўмни ташкил этганлиги сабаб бўлган.

Хулоса сифатида, банк тизими фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги вазифаларни амалга оширилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: банк балансида кам даромадли инвестицияларни, банк фаолияти учун зарур бўлмаган ва ҳаракатсиз активларни сотиш, шунингдек ҳисобланган даромадларни ўз вақтида ундирилишини таъминлаш; операцион ва бошқа харажатларни мақбул даражада бўлишини таъминлаш орқали фойда миқдорини

[10] https://cbu.uz/ru/statistics/bankstats - Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди

[11] https://cbu.uz/ru/statistics/bankstats - Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди

ошириш; банк активлари сифатини яхшилаш мақсадида мижозларнинг кредитга лаёқатлилигин аниқлаш ва баҳолаш усулларини такомиллаштириш; кредитлар қайтарилишининг белгиланган муддатлардан ўтиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида сўндириш графиги ижросини қатъий назоратга олиш; мижозларга кўрсатиладиган хизмат турларини кенгайтириш.

Бу тадбирларни тизимли тарзда амалга ошириш тижорат банклари фаолияти самарадорлигини таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди.

Абдуллаев Алтинбек Янгибаевич – *СамИСИ,*
“Банк иши” кфедраси мудири, и.ф.д., профессор
Хужамуратов Аббос Мардонович - *ТДИУ*
илмий тадқиқотчиси

БАНК ТИЗИМИДА МОЛИЯВИЙ ФУНКЦИЯЛАРИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Дунёдаги ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши банк тизимидаги молиявий функцияларнинг трансформацияси билан ўзаро чамбарчас боғлиқ. Чунки, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, уни замонавий технологиялар билан таъминлаш, янги корхоналарни шакллантириш, иқтисодиёт тармоқларининг таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришда банк тизими молиявий функцияларининг трансформацияси муҳим ўрин тутади. Ҳозирги кунда банк тизими тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, мижозларни кредитлаш учун инновацион банк хизмат турларини кўрсатиш, банк маҳсулотларини таклиф этиш борасида қатор ишлар олиб борилмоқда.

Маълумки, банк тизими бозор инфраструктурасининг устувор таркибий қисми сифатида иқтисодиёт соҳаларини молиявий маблағлар билан таъминлаш, ташқи иқтисодий муносабатларни ташкил этиш, ҳисоб-китоблар ва тўловларни амалга оширишда молиявий воситачилик функциясини бажаради. Трансформация шароитида банк тизимида бизнес жараёнларни самарали ташкил этишдан асосий мақсад - паст даражадаги рискли ва юқори даражадаги молиявий наф даражасига эришишдан иборат.

Статистик маълумотларга кўра, сўнгги йилларда Ўзбекистон банк тизимининг молиявий кўрсаткичлари ўтган йилнинг молиявий кўрсаткичларга

нисбатан сезиларли даражада камайганлигини қуйидаги 1-жадвалдаги маълумотларда кўриш мумкин.

1-жадвал

Ўзбекистонда банк тизимининг асосий молиявий кўрсаткичлар динамикаси, млрд. сўмда

№	Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019	2020	2021
1.	Активлар	84,1	106,7	207,6	301,7	273,0	366,0
2.	Кредитлар	52,6	110,6	161,0	243,4	277,0	326,0
3.	Депозитлар	37,2	59,6	69,1	91,3	115,0	156,0
4.	Капитал	8,9	20,7	26,0	41,8	51,0	58,0
5.	Соф фойда	1,2	1,9	2,2	3,8	5,6	3,8
6.	Муаммоли кредитларга яратилган заҳира маблағлари	0,4	1,6	1,7	3,9	6,3	12,2
7.	Актилар рентабеллиги (ROA), фоизда	2,0	1,9	1,7	2,0	2,2	1,3
8.	Капитал рентабеллиги (ROE, фоизда	17,9	17,1	13,0	16,9	10,3	6,1

Маълумотларга кўра, миллий банк тизимида 2021 йилда активлар ҳажми ўтган йилга нисбатан 134 фоизга, кредитлар миқдори 117 фоизга кўпайган бўлса-да, соф фойда миқдори 33 фоизга камайган. Банк активларининг рентабеллиги ўтган йилга нисбатан 0,9 фоизга, банк капиталининг рентабеллиги эса 4,2 фоизга камайган. Бу ҳолатни банк тизимида муддати ўтган муаммоли кредитлар учун шакллантирилган заҳира маблағларининг кескин даражада кўпайганлиги билан изоҳлаш мумкин. Фикримизча, банк тизимида мазкур иқтисодий кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлашда уларни халқаро молиявий стандартлар асосида фаолият кўрсатадиган тузилмага айлантириш бўйича трансформация жараёнларини амалга ошириш тезлаштирилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармонида давлат улушига эга бўлган банкларни корпоратив трансформация қилиш жараёнининг корпоратив бошқарувини такомиллаштириш, банк хизматлари турлари сифатини ошириш ва улар кўламини кенгайтириш, замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш, кадрлар салоҳиятини

мустаҳкамлаш каби устувор йўналишларда амалга ошириш мақсад қилиб белгиланган.

Мазкур вазифаларни амалга оширишда миллий банк тизимини доимий, узлуксиз равишда ислоҳ қилиб бориш, халқаро банк амалиётида синовдан ўтган молиявий моделларни республикамиз банклари фаолиятига жорий этиш орқали банкларнинг молиявий функцияларини трансформация қилиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Тадқиқот натижаларига кўра, бугунги кунда банк тизимини ислоҳ қилишнинг асосий унсурлари банкларни трансформация қилиш жараёнида намоён бўлиб қолмоқда. Трансформациянинг асосий мақсади – банкнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш билан бирга мижозлар билан боғлиқ бўлган тизимни самарали ташкил этишдан иборат. Ўз навбатида, банк тизимига янги ахборот технологиялари билан молиявий технологияларни кенг миқёсда жорий этиш, банкни ахборот хавфсизлиги билан талаб даражада таъминлаш, молиявий хизматлар кўрсатишда инсонлар таъсирини камайтириш, банклар фаолиятини трансформация қилиш жараёнини жадаллаштириш зарур.

Таҳлил натижалари кўра, банк тизимининг молиявий функциялари трансформациясининг жиҳатлари бўйича қуйидагича хулоса қилиш мумкин, хусусан:

1. Иқтисодий трансформация ҳар қандай ҳолатда ҳам банклар фаолиятида янги туб, сифат ўзгаришларини амалга ошириш жараёнини ифодалайди.

2. Бизнес жараёнларни такомиллаштириш орқали банк хизмат турларини кўрсатишда инсон омилларини чеклашни назарда тутади.

3. Банкларнинг молия бозоридаги ички ва ташқи омиллар таъсирига мослашувчанлигига керакли талабларни қўяди.

Банк трансформациясига кўра, бу жараёнлар анъанавий банк тизимида босқичма-босқич ривожланиб боради ва рақамли иқтисодиёт дастакларини банклар фаолиятига жорий этишни тақозо этадиган бир бутун яхлит концепцияни ўзида мужассамлаштиради.

Банк тизимида давлат улушини хусусийлаштириш уларнинг корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиради, банк хизматлари сифатини оширади ва кўламини кенгайтиради, замонавий ахборот технологияларини жорий қилади, кадрлар салоҳиятини оширишга имконият яратади. Бу ерда асосий эътибор банк кузатув кенгашлари таркибига банк тизимида етук халқаро тажрибага эга бўлган мустақил аъзоларни киритган ҳолда мижозларга кенг кўламли хизматларни (инвестицион банкинг, факторинг, лойиҳавий молиялаштириш) жорий киритишга, янги концепция ва технологияларни жорий қилиш (финтех,

маркетплейс, рақамли банк)га, кадрлар малакасини оширишга ва уларни қайта тайёрлашга қаратилиши лозим бўлади.

Ҳақиқатдан ҳам, айни пайтда республикамиз тижорат банкларининг трансформация жараёнини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бир қатор муаммолар юзага келмоқда. Олиб борилган тадқиқотимиз натижасида биз мазкур муаммоларни умумий тарзда гуруҳларга ажратган ҳолда мақолда эътироф этишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисобладик:

1.Банкларда бизнес жараёнларни оптималлаштириш, янги молиявий технологияларни амалиётга жорий этиш билан боғлиқ тадбирларнинг паст даражада натижалар бераётганлигибилан ифодалаш мумкин. Фикримизча, ушбу муаммоларнинг мавжудги қуйидаги жиҳатлар билан изоҳланади, яъни давлат иштирокидаги банкларда менежмент ва таваккалчиликларни бошқариш сифатининг етарли эмаслиги; тижорат банкларини диагностика қилишда хорижий консультантлар томонидан таклиф этилган бизнес моделларни банклар амалиётида синовдан ўтказишдаги ишларнинг тўғри ташкил этилмаганлиги; хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича бизнес жараёнларни талаб даражасида ишлаб чиқилмаганлиги.

2.Тижорат банкларида бизнесни рақамлаштириш жараёнларининг суст амалга оширилаётганлигини эътироф этиш зарур. Амалиётда мазкур муаммоларни юзага келтираётган қуйидаги жиҳатлар учрайди, хусусан, банк бизнесини рақамлаштиришга қўйиладиган янги техник-иқтисодий талаблар архитектурасини ишлаб чиқиш малакасига эга ходимларнинг етишмаслиги; банкларда ахборотлаштириш воситаларининг таркибини замонавий технологиялар билан янгилаш зарурияти; янги ахборот технологияларини кўп миқдорда маблағларнинг талаб этиши, банк эҳтиёжи учун зарур бўлган янги технологияларга боғлиқ техник талабларни ишлаб чиқишда малака муаммосининг мавжуд эмаслиги; янги технологияларни техник синовдан ўтказишда муайян вақтнинг талаб этилиши ва бошқалар.

Мазкур муаммоларнинг ечимини топиш учун қуйидагиларни амалга оширишни тавсия этилади:

– “мижозларга йўналтирилганлик тамойили” асосида бизнес жараёнларига банклар фаолиятини ташкил этишнинг замонавий усулларини жорий этиш;

– банк тизимида бизнес жараёнларини янги ахборот технологияларини жорий этиш ва масофавий банк хизматлари турини кенгайтириш;

– юридик ва жисмоний шахсларни кредитлашни “инсон омиллари”ни чеклаган ҳолда кредит конвейери механизми бўйича бозор шартларига асосланган ҳолда амалга ошириш.

Хулосада шуни айтиш мумкинки, банк тизимининг молиявий функцияларини трансформациялаш муаммоларнинг ечимлари Ўзбекистонда банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим дастак бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бектемиров А.,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
«Инвестиция ва инновациялар» кафедраси
мудири, проф. в.б. и.ф.д. (DcS)

Маликова Д.М.,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
«Банк иши» кафедраси ассистенти

Каримов М.А.,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
магистранти

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МУАММОЛИ КРЕДИТЛАР ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Мақолада банк кредит портфелида муаммоли кредитлар тушунчаси, кредит портфели сифати, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг муаммоли кредитлари таҳлили, банкларда муаммоли кредитларни бошқаришни такомиллаштириш бўйича таклифлар келтирилган.

Аннотация: В статье представлены понятие проблемных кредитов в кредитном портфеле банков, качество кредитного портфеля, анализ проблемных кредитов коммерческих банков Республики Узбекистан, предложения по совершенствованию управления проблемными кредитами в банках.

Abstract: The paper presents the concept of problem loans in the loan portfolio of banks, the quality of the loan portfolio, analysis of problem loans of commercial banks of the Republic of Uzbekistan, proposals for improving the management of problem loans in banks.

Калит сўзлар: тижорат банки, кредит портфели, муаммоли кредитлар (NPL)
Ключевые слова: коммерческий банк, кредитный портфель, проблемные кредиты (NPL)
Keywords: commercial bank, loan portfolio, problem loans (NPL)

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг самарадорлигини ошириш иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашда банкларнинг фаол иштирок этиши билан боғлиқдир. Бироқ, мамлакатимиз тижорат банклари кредитлаш фаолиятини олиб боришда бир қанча қийинчилик ва муаммоларга дуч келмоқда. Айниқса, бугунги кунда тижорат банкларининг даромад келтирувчи активларининг асосий қисмини ташкил этувчи кредитлар орасида муаммоли активларнинг мавжудлиги сезиларли бўлмоқда.

Банклар жалб қилинган маблағлардан асосан кредит бериш сифатида фойдаланар экан, бунда нафақат даромад олиш, балки маблағларни “кредит олувчи” дан тўлалигича ундириб олиш масаласини олдиндан белгилаб олиши зарур. Чунки, банк сармоя эгаси сифатида сармояни эмас, балки сармоядан фойдаланиш ҳуқуқини маълум бир шарт ва устама фоизлар билан сотади.

Айни пайтда бизнинг мамлакатимизда ҳам илмий-назарий ҳамда амалиётчилар доираларида “муаммоли актив” тушунчаси аввалига нисбатан анча кўпроқ қўлланилмоқда ва баҳс мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бу албатта, бежиз эмас, чунки бугунги кунда республикамиз банк тизимининг кредит портфелида муаммоли активларнинг улуши анча юқори фоизни ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “муаммоли кредитларни қайтариш банкларнинг имкониятларини янада кенгайтиришини, уларни ундириш бўйича банклар, қарздор корхоналар, компания ва уюшмалар, ҳудудлар раҳбарлари биргаликда иш олиб бориши зарурлиги лозим”[12].

Илмий адабиётларда муаммоли активларга бир қанча таърифлар берилган. Айрим адабиётларда, тижорат банклари фаолиятида хавфли бўлган кредит қўйилмалар – бу муаммоли активлар шаклига кирган қўйилмалардир деб таърифланса, айрим адабиётларда муаммоли активлар деганда, объекти, субъекти ва таъминотига нисбатан банк томонидан шубҳа пайдо бўлган кредит дея таъриф берилган. Шунингдек, агар берилган кредит муаммоли таъминотга эга бўлса ва ушбу таъминотнинг қиймати қайтарилмаган қарз миқдоридан кам бўлса, бу ҳолда ушбу кредит муаммоли актив ҳисобланади.

Муаммоли активлар – сифати “қониқарсиз”, “шубҳали” ва “умидсиз” деб таснифланган активлар [13] га айтилади. Ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра, муаммоли активлар кредит рискларининг амалда яққол намоён бўлишининг натижасидир, яъни кредит рискларини тўғри бошқара олмаслик оқибати бўлиб ҳисобланади.

Муаммоли активлар бирданига содир бўлмасдан унинг элементлари кредитлаш жараёнида аста-секин юзага кела бошлайди. Муаммоли активлар доимий мониторинг олиб борилмаслиги натижасида ҳам содир бўлади.

Муаммоли активларнинг келиб чиқиш сабаблари турлича бўлиши мумкин. Жаҳон банки маълумотларига кўра, банкларнинг муаммоли активларини юзага келишида ички омиллари бўйича 67% йўқотишларга сабаб бўлади. Бу кўрсаткич ташқи омиллар бўйича бор-йўғи 33% ни ташкил этади.

---

[12] Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 22 ноябрь куни ўтказилган банк тизимини ислоҳ қилиш ва банкларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, ҳудудлар ва тадбиркорликни ривожлантиришда тижорат банклари ролини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши

[13] “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун заҳиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида” ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори, 14.07.2015 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 2696

1-жадвал

Муаммоли активларни келиб чиқишига таъсир этувчи омиллар

Таъсир этувчи омиллар	Таъсир этиш даражаси (%)
Ички омиллар	67 %
Таъминот етишмаслиги	22 %
Кредит буюртмасини ўрганишда ахборотни нотўғри баҳолаш	21 %
Операция назоратининг заифлиги, ҳамда дастлабки огоҳлантирувчи белгиларни ўз вақтида аниқланмаслик ва улар юзасидан тегишли чоралар кўрмаслик	18 %
Гаров таъминоти сифатининг пастлиги	5 %
Шартномада кўрсатилган таъминотни олиш имконияти йўқлиги	1 %
Ташқи омиллар	33 %
Компаниянинг банкрот бўлиши	12 %
Кредиторларни қарзни қайтаришни талаб қилиши	11 %
Компаниянинг бозорда ўз ўрнини йўқотиши ва ички ижтимоий муаммолар	6 %
Ўғирлик, фирибгарлик	4 %

Уларнинг баъзилари қарздор мижознинг фаолияти билан, бошқалари эса банк фаолияти билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Муаммоли активлар одатда, қарз олувчининг кредитни тўлаши учун етарли пул маблағлари бўлмаган ҳолларда юзага келади. Баъзи ҳолларда улар мижознинг ҳисобида маблағлар бўла туриб кредитни тўлашни хоҳламаганда ҳам юзага келиши мумкин. Муаммоли активлар юзага келиш эҳтимоли пайдо бўлганда банклар эҳтимолий йўқотишларни қоплашга мўлжалланган мажбурий заҳиралар шакллантирадилар.

Банклар фаолиятида муддати ўтган қарздорликларнинг умумий миқдори NPL (инг. “Non-performing loan” сўзидан олинган бўлиб, “ишламайдиган кредит” маъносини англатади) кўрсаткичи билан ўлчанади.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг кредит портфелида муаммоли кредитлар динамикасини кўриб чиқамиз.







1-диаграмма. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг 2020-2021 йиллар кесимида муаммоли кредитлари (млрд. сўмда)

1-диаграмма маълумотларидан кўринадики, муаммоли кредитларнинг тижорат банкларининг кредит портфелидаги улуши 2021 йил 1 январь ҳолатига 2,09 % ни ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич 3,11 бандга ошиб, 5,2% ни ташкил этди. Маҳаллий тижорат банкларимизнинг кредит портфели 2021 йилда 117,84% га 2020 йилга нисбатан ошган. 2021 йил 1 январь ҳолатига тижорат банкларининг кредит портфелида муаммоли кредитлар (NPL) миқдори 5 784,83 млрд. сўмдан иборат бўлиб, 2022 йил 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич 16 974,03 млрд. сўмга етган.

Маълумки, банк кредитларининг сифати банк тизими ва бутун иқтисодиётнинг ҳолатини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Халқаро экспертларнинг фикрича, ялпи кредит портфелида муаммоли активлар улушининг 10-15% дан ортиши банк секторида тизимли инқироздан дарак беради.

Хулоса сифатида тижорат банклари кредит портфели сифатига алоҳида эътибор қаратишлари, муаммоли кредитларни бошқаришда қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишларини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- кредит сўраб мурожаат қилган шахсларнинг кредит тарихини ўрганиш асосида кредитлаш ишларини янада такомиллаштириш зарур. Бунда ижобий

кредит тарихи мавжуд бўлган шахсларга кредит тарихи салбий бўлган ва кредит тарихи бўлмаган шахсларга нисбатан пастроқ фоиз ставкасида кредитлар бериш ёки таъминот қўйилган талабни камайтириш амалиётини йўлга қўйиш лозим;

- кредит рискини, муаммоли активларни олдиндан аниқлаш ва унинг замонавий усулларини ўрганиш, ўзлаштириш механизмини йўлга қўйиш ҳамда тажрибали мутахассисларни тайёрлаш даркор;
- ўрнатилган молиявий индикатор кўрсаткичларни холислилигини таъминлаш мақсадида тижорат банклари тақдим этган маълумотларини тўғрилигини доимий равишда мониторинг қилиш;
- илғор мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, молия бозорини ривожлантириш орқали муаммоли активлар бўйича қарз мажбуриятларини ифодаловчи қимматли қоғозларнинг эмиссиясини ташкил қилиш;
- ходимларнинг меҳнати ва малакасига яраша ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш лозим.

Гайбуллаев Рахим Муродович *– СамИСИ*
кафедра профессори в.б., и.ф.д.

ИСЛОМ БАНКЛАРИ МОЛИЯСИ ХИЗМАТЛАРИ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ УСТУНЛИГИ ДЕБОЧАСИ БЎЛА ОЛАДИМИ?

Аннотация: Мақолада исломий банк қоидаларини мамлакатимизда жорий этилиши бу исломий молия хизматларидан фойдаланувчилар кенг аудиториясига эга бўлишининг хусусиятлари ўрганиб чиқилган. Ислом банк амалиётининг мамлакатлар бозорларидаги муаффақиятлари ва уларнинг анънавий банк хизматларидан қатор устунлик даражалари таҳлил қилган. Аҳолини исломий банкинг тизимининг адолатли молиявий хизматларидан баҳраманд бўлиш ва унинг тамойиллари тўғрисида хабардор этиш қадриятларимиз устунлиги дебочаси бўла олишда муҳим қадамлар бўла олиши мумкинлиги тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: исломий молия хизматлари;қадриятлар; сўдхурлик; анъанавий банклар; фоизсиз тўловлар.

Аннотация: В статье рассматриваются особенности внедрения правил исламского банкинга в нашей стране, имеющей широкую аудиторию пользователей исламских финансовых услуг. Он проанализировал успешность практики исламского банкинга на рынках стран и уровень их превосходства над традиционными банковскими услугами. Было исследовано, что доступ к честным финансовым услугам исламской банковской системы и

информирование населения о ее принципах могут стать важными шагами в прелюдии к верховенству наших ценностей.

Ключевые слова: исламские финансовые услуги, ценности; ростовщичество; традиционные банки; беспроцентные платежи.

Annotation: The article examines the features of the introduction of Islamic banking rules in our country, which has a wide audience of users of Islamic financial services. He analyzed the success of Islamic banking practices in the markets of the countries and their level of superiority over traditional banking services. It has been researched that access to fair financial services of the Islamic banking system and informing the population about its principles can be important steps in becoming a prelude to the supremacy of our values.

Keywords: Islamic financial services; values; usury; traditional banks; interest-free payments.

Сўнгги йилларда исломий молия жаҳон иқтисодиётида муҳим ўринни эгаллади. Ислом иқтисодий модели талабларига тўлиқ жавоб берадиган ислом банклари сони сезиларли даражада ошди. Шу билан бирга , жаҳон иқтисодиётидаги глобаллашув жараёнлари муносабати билан шариат қонунларига асосланган молиявий маҳсулотлар нафақат ислом, балки анъанавий Европа банклари томонидан ҳам тақдим этилмоқда. Янги ислом банклари катта миқдордаги капитал билан ташкил этилмоқда. Анъанавий банклар исломий банк операцияларини амалга ошириш учун “исломий дарчалар” ёки исломий филиаллар очмоқдалар. Ҳаттоки, ислом динида бўлмаган давлатлар молия институтлари ҳам бу соҳага кириб, иложи борича кўпроқ мусулмон мижозларни жалб қилиш учун бир-бири билан рақобатлашишга ҳаракат қилишади. Ислом банклари иш фаолиятининг кенгайиши ва ўсиш суръатларига кўра, келгуси йиллар мобайнида ислом банкининг кўлами кўпаяди ва ислом банки фаолияти жаҳон молиявий операцияларининг катта қисмини қамраб олиши кутилмоқда. Ислом банк амалиёти аллақачон 70 дан ортиқ мамлакатлар бозорларида мавжуд бўлиб**,** исломий молия муассасалари ялпи активлари миқдори 2,5 трлн. доллардан ошган ва бугунги кундаанъанавий банк хизматлари йилига 5 фоизга ўсиб бориш амалиёти кузатилаётган бир пайтда, жаҳонда ислом банкларининг ўсиш суръатийилига 15-20 фоизни ташкил этаётганлиги бунинг яққол далилидир.Islamic Finance Development Report прогнозларига кўра, молия ривожланиш ҳисоботида кўрсатилганидек, 2024 йилга бориб ислом молия институтларининг активлари 3,69 трлн. долларга етади.

Жаҳон молиявий активларида исломий молиянинг қиймати 2 фоиздан ошмаганига қарамай, бу институтлар бир қатор номусулмон давлатларнинг

молиявий бозорларида мустаҳкам ўрнашиб олган. Ғарбдаги биринчи ислом банки "Ислом банк тизими" 1978 йилда Люксембургда пайдо бўлган. Айни пайтда Буюк Британияда исломий банк хизматларини кўрсатувчи 20 дан ортиқ банклар мавжуд бўлиб, улардан 5 таси ислом банклари ва 16 таси анъанавий банклар доирасидаги “ислом дарчалар”идир. АҚШда 20 дан ортиқ исломий молия институтлари фаолият юритади. Шу билан бирга, исломий молия бўйича курслар ва семинарларда қатнашиш имконини берувчи таълим муассасалари мавжуд. Масалан, Гарвард университетида ҳар йили исломий молия бўйича форумлар ўтказилади. 1987 йилда ташкил этилган Америка молия уйи ЛАРИБА АҚШдаги энг фаол исломий молия институтига айланди ва ҳозирда 35 штатда фаолият юритмоқда. Дунёнинг HSBC, Deutsche Bank, Calyon, Citibank, Standard Chartered, BNP Paribas, ING Bank, Goldman Sachs, The Nomura Securities, JP Morgan Chaseкаби йирик банклари ўз тузилмаларида исломий бўлимларни очганлар. Ғарб ва Шарқ чегарасида жойлашган кўп конфессияли давлат сифатида Россия учун бу масала жуда долзарб кўринади. Турли ҳисоб-китобларга кўра, Россия Федерациясида 14 миллиондан 20 миллионгача мусулмон истиқомат қилади, бу эса мамлакатда исломий молия институтларининг ривожланиши учун кенг истиқболларни очади. Ҳозирги геосиёсий вазиятда Ғарб томонидан Россияга қарши санкциялар жорий этилиши шароитида Шарқ мамлакатлари билан ҳамкорлик Россия Федерацияси учун алоҳида аҳамиятга эга. Россияда исломий молия институтларининг ташкил этилиши Яқин Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиё давлатларидан қўшимча сармояларни жалб қилиш имконини беради.

Исломий банкинг хизматларига оид жаҳон мамлакатларида олиб борилаётган қизиқишлар асносида Марказий Осиё мамлакатлари ҳам ушбу моделни фаол қўллашга киришдилар. Шу ўринда таъкидлашимиз жоизки, республикамиз ён қўшниси, яъни, Қозоғистон Республикаси Марказий Осиё мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб исломий банк хизматларини ўз банк тизимида муқобил тарзда фаол синовдан ўтказмоқда. Бу ўринда Қозоғистон Республикасининг (молиявий инновациялар борасида Марказий Осиё мамлакатлари ичида анчагина илғор) 2009 йилда "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунига Ислом банклари тўғрисидаги алоҳида боб киритилган эди ва шу билан бирга мамлакатда Ал-Ҳилол Ислом банкининг шўъба ташкилоти иш бошлади. Кейинчалик бу жараёнга маҳаллий илдизларга эга бўлган "Заман-банк" ислом банки қўшилди.

2014-йилнинг май ойида Тожикистонда “Ислом банки фаолияти тўғрисида”ги қонун қабул қилинди ва роппа-роса бир йилдан сўнг биринчи ислом банки ишга тушгани эълон қилинди. 2018-йилда “Соҳибкорбонк” банки

“Тавҳидбанк”га айлантирилди ва у Тожикистондаги биринчи исломий молия ташкилотига айланди.

Марказий Осиёнинг яна бир давлати, қўшни Қирғизистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ҳам ислом молиявий шартномаларига оид ҳуқуқий нормаларни киритди.

Баён қилинганлардан кўриниб турибдики, бутун жаҳон мамлакатларида, ҳаттоки, ғарб давлатлари, жумладан, ён қўшниларимиз Марказий Осиё давлатларида ҳам исломий молия хизматлари ўз иш амалиётини олиб бораётган бир вақтда Ўзбекистонда ислом банк тузилмалари тугул, ҳатто унинг “исломий дарчаси” ҳам ўз иш амалиётини бошламаган ёки қонунчилик меъёрлари тасдиқланмаган. Ваҳоланки, юртимиз фуқаролари ва тадбиркорларида исломий банк хизматларига, яъни, фоизларсиз банк ва молиявий хизматларга бўлган қизиқиш жуда юқоридир. Биз ҳам исломий банкнинг анъанавий банкдан асосий фарқи сифатида ислом молиявий хизматларида фоизнинг йўқлиги, яъни судхўрликнинг йўқлигини унинг энг афзалликларидан биридир деб биламиз.

Республикамизда қадриятлар устунлиги сифатида 2021 йил 1 январ ҳолатига жаъми аҳолининг 89 фоизи ислом динига мансублигини ҳисобга олганда, бизнинг фикримизча, исломий банк қоидаларини мамлакатимизда жорий этилиши бу исломий молия хизматларидан фойдаланувчилар кенг аудиториясига эга бўлади деб ишонч билан айтиш мумкин.

Республикамиз иқтисодий ҳаётидаги трансформацион жараёнларнинг мунтазамлиги ва бугунги кундаги глобализация даврида ислом банклари молиявий хизматларини республикамиз банк тизимига фаол жалб қилиш ва бу борада аҳолини исломий банкинг тизимининг адолатли молиявий хизматларидан баҳраманд бўлиш ва унинг тамойиллари тўғрисида хабардор этиш қадриятларимиз устунлиги дебочаси бўла олишда муҳим қадамлар бўла олади деб ишонч билан айтиш мумкин.

Бунинг учун эса, мамлакат миқёсида илм-фан ва инновацион ривожлантириш соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- мамлакат аҳолисининг ислом иқтисодиёти ва молияси соҳасидаги саводхонлигини ошириш;

-банк-молия муассасалари ва корхоналарни ислом иқтисодиёти ва молияси соҳасида малакали кадрлар билан таъминлаш;

- ислом иқтисодиёти ва молияси бўйича илмий негизни шакллантириш;

- Ўзбекистон молия тизимига, шу жумладан, хорижий ва халқаро ташкилотлар билан биргаликда амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида илғор ислом банк хизматлари ва технологияларини жорий этиш;

- ислом иқтисодиёти ва молияси соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва нашр этиш;

- ислом иқтисодиёти ва молияси бўйича конференциялар, семинарлар, симпозиумлар ва бошқа интеллектуал тадбирларни мунтазам ташкиллаштириш;

– таълим жараёнида ислом иқтисодиёти ва молиясини ўрганиш бўйича илмий-услубий таъминлаш ҳамда ўқув режалари ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш.

Шунга кўра, мамлакатдаги мавжуд анъанавий банк хизматларига бўлган кўникмаларни қанчалик инкор этмаганимиз ҳолда, биз шунчалик анъанавий банк хизматларига муқобил сифатда ислом банк-молия хизматларини жорий этиш тарафдоримиз.

Умид қиламизки, Ўзбекистонда ислом молиявий хизматларининг жорий этилишихорижий инвестициялар ҳажмининг ошиши ҳамда банк ва молия тармоғида шаффоф рақобат муҳитини яратиш имкониятини беради. Молиявий натижаларни тақсимлашда кўпроқ адолатлилик тамойили ўрин олади. Натижада аҳолининг молия бозоридаги фаоллиги ошади, аҳоли ва тадбиркорлар ихтиёрида бўлган бўш пул маблағлари мамлакат иқтисодиёти ривожланишида устун даражада иштирок эта олиши имконияти яратилади, капитал бозорининг ривожланишига туртки бўлади ва янги молиявий муассасалар ташкил қилиш имконияти яратилади.

Собиров Илхом Хусанович – *СамИСИ "Банк иши" кафедраси катта ўқитувчиси, и.ф.н.,*
Турсунов Фаридун – *СамИСИ магистранти*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ТЎЛОВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: Мақолада рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёнида тижорат банкларида тўлов тизимини такомиллаштиришнинг моҳияти, мамлакатимизда тўлов тизимини ривожланиш даражаси бўйича маълумотлар келтирилиб, ҳозирги глобаллашув шароитида мамлакатимиз барча соҳаларини, жумладан банк тизимини ҳам рақамли иқтисодиётга ўтишининг обьектив зарурият эканлигини ёритиб беришга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлари: рақамли иқтисодиёт, тўлов тизими, интернет, мобил тармоқ алоқалари, бизнес, "ахборотлашган жамият"

Аннотация: В статье делается попытка раскрыт сущности совершенствование платёжной системыпри развитии цифровой экономики, приводя материалы на примере развитию платежной системы страныи освещается объективнаянеобходимости перехода нашей страны к цифровой экономике.

Ключевые слова: цифровая экономика, платёжная система, интернет, мобильные сети, бизнес, “информированное общество”

Annotation: The purpose of this article is to reveal the importance of the digital economy, the definitions which is given to it in the existing scientific and methodological literature, the needs of countries around the world, including our republic, in the current globalization of the transition to the digital economy.

Keywords: digital economy, Internet, mobile networks, business, “informed society”

Рақамли иқтисодиётга ўтиш барча давлатлар ва албатта хўжалик юритувчи субъектлар учун кечиктириб бўлмайдиган, ўта долзарб масала бўлиб қолмоқда. Илмий адабиётларда ва матбуот саҳифаларида рақамли иқтисодиётга кўплаб таърифлар берилган, жумладан, хорижий манбаларда рақамли иқтисодиётга рақамли ахбороттехнологиялари ва иқтисодий агентлар ўртасидаги ўзаро боғланиш деб, бошқаларида эса уни хўжалик субъектларининг интернет билан боғланган ҳолдаги иқтисодий ривожланиш натижаси деб, айримларида рақамли технологиялар ва тегишли маҳсулотлар ва хизматларни яратиш, тарқатиш ва улардан фойдаланиш бўйича фаолият, деган, таърифлар мавжуд.

Рақамли иқтисодиётга берилган бошқа таърифларни ҳам келтириш мумкин. Дарҳақиқат, рақамли иқтисодиётга берилган бу каби таърифлар унинг моҳиятини тўғри ифодалаб беради, чунки рақамли иқтисодиётга технологиялар ва иқтисодий агентлар ёки интернет билан боғланган ривожланиш жараёни сифатида қарашўринли, аммоунч аликетарлиэмас, чунки рақамли иқтисодиёт, аввало рақамли ахборот технологияларининг ривожланиши ва барча давлатлар ижтимоий-иқтисодий йўналишлари тараққиётини таъминлаш билан боғланган. Шу сабабдан рақамли иқтисодиётга ҳар бир мамлакат миллий иқтисодиётининг барча тармоқларига ва ижтимоий ҳаётининг турли жабҳаларига замонавий ахборот технологиялари ютуқларини жорий қилиш ва ундан унумли фойдаланиш натижасида иқтисодий-ижтимоий тараққиётни таъминлаш, деб таъриф берилса янада тўлароқ бўларэди, дебҳисоблаймиз.

Рақамли иқтисодиёт ахбороттехнологиялари билан боғланган электрон тижорат, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳалари билангина чекланиб қолмасдан, шу билан бирга, миллий иқтисодиётнинг соғликни

сақлаш, фан ва таълим, қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сувхўжалиги, транспорт, геология, кадастр, архив, интернет банкинг каби тармоқларига, ижтимоий ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаларига ҳам жадал кириб бормоқда ва уларнинг ҳар бирида юқори самара бериши таъминланмоқда.

Рақамли иқтисодиётнинг дастлабки пойдевори ахборот технологиялари ҳисобланади. Уни рақамли ахборот технологиялари, деб аташса тўғрироқ бўлар эди, чунки ахборот технологиялари асосида тегишли рақамлар ётади. Уларнинг эволюцияси бир неча босқичларга бўлинади ва ўзига хос хусусиятларга эга. Шубҳасиз, рақамли ахборот технологияларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши жамият тараққиётининг талабидан келиб чиққан обьектив жараёндир. Бугунги кунда рақамли ахборот технологияларини тарғиб қилишнинг асосий мақсади ҳар қандай стратегик вазифаларни ҳалэтишга, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни оптимал бошқаришни амалга ошириш бўйича қарорлар қабул қилишга имкон берадиган даражадаги ахборот технологиялари тизимини яратишдир. Бу эса рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шахсий компьютерларнинг пайдо бўлиши рақамли ахборот технологияларини ривожлантиришда муҳим босқич бўлди.

Янги ахборот технологиялари тизимларини яратиш ва ундан фойдаланиш – бу мавжуд эҳтиёжларни қондириш имкониятидир. Бундай ҳолатда барча фойдаланувчилар рақамли ахборот технологияларини илгари суришда фаол иштирок этадилар.

Бугунга келиб рақамли ахборот технологиялари ахборотларни оммавий ва тезкор ишлов беришга йўналтирилган. Улар раҳбарларнинг оқилона қарорлар қабул қилишига, ўзгарувчан бозорнинг мумкин бўлган кутилмаган ҳодисаларидан ҳимояланишига, рақобатбардошликни таъминлаш учун керакли шарт-шароитлар яратиб, натижада муваффақиятга эришишларига ёрдам беришлари керак. Ҳозирги даврда рақамли ахборот технологияларини ривожлантиришнинг энг машҳур ва кенг тарқалган технологик воситалари “Интернет” ҳисобланади.

Жаҳонда ахборот технологияларининг узоқ вақт давомида тарқалиши мамлакатлар миллий иқтисодиётининг ривожланиш йўлларини белгилаб берди, инсонлар ҳаётидаги туб ўзгаришларга сабаб бўлди ва фанда рақамли иқтисодиёт терминининг пайдо бўлишига тамал тошини қўйди. Бу ҳар бир мамлакат миллий иқтисодиётини оптимал даражада ривожлантириш ва шу орқали халқнинг моддий фаровонлигини таъминлашдан иборатдир.

Миллий иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳанинг барча жабҳаларида рақамли ахборот технологияларини жадал суръатлар билан жорий этиш барча мамлакатлар учун устувор масаладир. Материаллар ва усуллар.

Бугун жадаллик билан кечаётган рақамлашув жараёни «янги иқтисодиёт»ни, яъни рақамли иқтисодиётни вужудга келтирди. Кам ўрганилган ва кун сайин чуқур томир отиб бораётган бу иқтисодиёт ишлаб чиқарувчиларга тадбиркорликда ва ижтимоий соҳаларда самарали маркетинг фаолиятини уюштириш, харажатларни минимал миқдорда камайтириб, максимал фойда олиш, товарларни сотиш ва хизматлар кўрсатишни муваффакиятли амалга оширишга катта имкониятлар яратиб бермоқда.

Кейинги йилларда дунё миқиёсида тадбиркорлик ва бошқа ижтимоий-иқтисодий фаолиятда рақамли ахборот технологияларининг янги авлоди пайдо бўлиб, уларнинг ривожланиш кўлами туфайли фанда “сунъий интеллект”, “робототехника”, “нарсаларнинг интернети”, “симсиз технологиялар” ва бошқа терминлар пайдо бўлди. Буларнинг барчаси рақамли иқтисодиётнинг элементларидир.

Ҳисоб-китобларга кўра рақамли иқтисодиётга ўтиш мамлакат миллий иқтисодиётида фаолият олиб бораётган фирмалардаги меҳнат унумдорлигини, уларнинг иш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришда ўсиш, фаолият шаффофлигини таъминлаш, маҳсулот мутлоқ миқдорининг ўсиши ва унинг таннархини кескин камайтириш имконини беради. Бу унинг энг катта устунлик томонидир.

Рақамли иқтисодиёт воситасида истеъмолчи, харидор ва мижозларга сифатли хизмат кўрсатилади ва бошқа бир қатор қўлайликлар яратилади. Бу вактингиз тиғиз пайтида тушликка буюртма бериш, такси чақиртириш, узокдаги якинингизга пул жўнатиш, трансчегаравий бизнес ҳамкорлик, электрон тижорат майдони, масофавий офис кабиларни ҳам қамраб олмоқда.

Рақамли технологияларни жорий қилиш ва уни жадал суръатларда ривожлантириш қатор давлатлар учун устувор йўналишларнинг энг асосийсига айланиб улгурди. Улар рақамли ривожланишни амалга ошириш даврининг узоқ давом этиши, устуворликларнинг узлуксизлиги, асосий ахборот-коммуникация технологияларини яратишдан бошлаб, ушбу соҳада мақбул сиёсатни шакллантиришга ва рақамли технологияларни кенг жорий этиш дастурларини қўллаб-қувватлаши билан ажралиб туради.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек, иқтисодий ўсишни юқори даражада таъминлаган ҳолда коррупция иллатининг олдини олади ва унга барҳам беради. Иқтисодчи олимлар томонидан 2025 йилга келиб дунё ялпи ички маҳсўлотининг қарийб ярми рақамли иқтисодиёт ҳиссасига тўғри келиши башорат қилинаётган бир шароитда янги иқтисодиётни ривожлантириш зарурияти янада долзарб тус олади.

Айрим манбаларда иқтисодий ривожлантиришда дунёда етакчилик қилиб келаётган давлатлардан бири Англияда рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички

маҳсулотдаги улуши 12 фоизни ташкил қилгани ҳолда, мамлакатимизда бу кўрсаткич 2020 йилда 8 фоизни ташкил қилган, холос. Юртимизда 2025 йилга келиб, бу кўрсаткични 3 мартага ошириш кўзда тутилган. Дунёнинг кўпчилик тараққий этган давлатлари рақамли иқтисодиёт асосида ривожланаётган бир пайтда мамлакатимиз миллий иқтисодиёти барча тармоқ ва соҳаларини рақамлаштириш - жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув, дунё бозорида ўз ўрнига эга бўлиш, иқтисодий баркарорликни таъминлаш, самарадорликка эришиш ва фуқароларимизга етарли қулайликлар яратиб беришнинг асосий шартидир.

Мамлакатимизда 2020 йилни «Илм - фан, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб эълон қилиниши натижасида банкларни рақамлаштиришда катта ютуқларга эришилди. Шу йилнинг ўзида банк тизимини тўлиқ рақамлаштириш белгиланди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўриб чиқиш, электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда келишиш (виза қўйиш) учун ягона электрон тизим- «project.gov.uz» жороий этилди. Бугунги кунда интернет тизимини кенг жорий қилиш негизида рақамли иқтисодиётга ўтишда жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари билан алоқа қилиш шаклларини янада ривожлантириш юзасидан «Ягона интерактив давлат хизматлари» портали янги версиясининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чикиши учун виртуал қабулхонаси – «business.gov.uz» порталининг ишга тушурилиши муҳим тадбирларнинг бошланиши, деб қаралиши мумкин.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги ахборот хизмати берган маълумотларга кўра, телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш йўналишида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилган, жумладан, республика бўйича 237 та объектда магистрал телекоммуникация тармоқлари кенгайтирилиб, уларнинг ускуналари модернизация қилиниб, магистрал телекоммуникация тармоқлари ўтказувчанлик қобилияти вилоятлараро даражада 200 Г бит с.га, туманлараро даражада эса 40 Гбит с.га етказилди. Бироқ буларнинг барчаси етарли, деган хулосани бермайди. Демак, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётга ўтиш борасида айрим ижобий силжишлар билан бирга ечимини кутаётган масалалар ҳам етарлича.

Президентимиз таъкидлаганидек, «Юртимиз халқаро ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси бўйича 2019 йилда 8 поғонага кўтарилган бўлсада, ҳали жуда ҳам орқадамиз. Аксарият вазирлик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқ десак, бу ҳам

ҳақиқат». Эътиборлиси, мамлакатимизда терминал орқали тўловлар сонини ошириб боришга кенг имкониятлар яратилмокда. Бу борада шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон интернет тезлиги бўйича Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги ўртача кўрсаткичдан икки баробар пастдир.

Хулосалар. Тадбиркорлар мана шу жиҳатни инобатга олган ҳолда дунёга машҳур «бизнес бизнес учун» эмас, «бизнес истеъмолчи учун тамойили асосида ўз фаолиятини ташкил этиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, узоқ вақт давомида бюджет ташкилотларида техник ходим ҳисобланган ахборот технологиялари мутахассисларига юқори маош берилмагани ҳам рақамли иқтисодиётни жорий этишдаги муаммо бўлган. Сабаби, малакали дастурчилар бу лавозимда узоқ қолмаган. Улар халқаро ташкилотлар, қўшма корхоналар, чет эллик буюртмачилар учун ишлашни маъқул кўрган. Эндиликда уларга устама бериш механизми жорий этилган. Демак, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни кенг жорий қилишдаги муаммолар етарли. Буларнинг ечимида шу йилнинг октябр ойида Президент Фармони билан тасдиқланган “Рақамли Ўзбекистон – 2030” Дастурининг қабул қилиниши дастурил амал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Гайбуллаев Рахим Мурадович –
СамИСИ профессори в.б., и.ф.д,

ИСЛОМ ЭЪТИҚОДЛАРИГА АСОСЛАНГАН ОДИЛЛИК ВА ХАҚҚОНИЙЛИК ИСЛОМ БАНКЛАРИ ИШ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ МЕЪЗОНИ СИФАТИДА

Аннотация: Мақолада ислом эътиқодларига асосланган одиллик ва хаққонийлик тамойилларининг ислом банклари иш фаолиятида қўлланилиши ва уларнинг асосий меъзони сифатида қаралиши ва баҳоланиши ўрганилиб чиқилган. Шу билан биргаликда жаҳон мамлакатлакатларида қўлланилаётган исломий молия хизматлари иш амалиётининг асосий ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Ислом банк амалиётининг мамлакатлар бозорларидаги муаффақиятлари ва уларнинг анънавий банк хизматларидан қатор устунлик даражалари ва бугунги кунда жаҳондаги исломий молияга қизиқиш ва фойдаланиш нега кўпайиб бораётгани асосан бизнес ҳамкорлик ва хаққонийлик ва адолатлиликка йўғрилганлиги кўрсатилган.

Калит сўзлар: ислом банклари, одиллик, хаққонийлик, исломий молия хизматлари, анъанавий банклар, ислом банклари.

Аннотация: В статье рассматривается применение принципов справедливости и честности, основанных на исламских верованиях, в деятельности исламских банков и их рассмотрение и оценка в качестве основного критерия. При этом анализируются основные особенности практики исламских финансовых услуг в странах мира. Успех исламских банковских практик на внутренних рынках и их ряд преимуществ по сравнению с традиционными банковскими услугами, а также то, почему интерес и использование исламских финансов в мире сегодня растут, в значительной степени обусловлены деловым сотрудничеством и справедливостью.

Ключевые слова: исламские банки; справедливость; честность; исламские финансовые услуги; традиционные банки; исламские банки.

Abstract: The article examines the application of the principles of justice and fairness based on Islamic beliefs in the activities of Islamic banks and their consideration and evaluation as the main criterion. At the same time, the main peculiarities of the practice of Islamic financial services in the countries of the world are analyzed. The success of Islamic banking practices in domestic markets and their range of advantages over traditional banking services, and why interest and use of Islamic finance in the world today is increasing, are largely driven by business cooperation and fairness.

Keywords: Islamic banks; justice; honesty; Islamic financial services; traditional banks; Islamic banks.

Ислом банкларининг молиявий хизматлар кўлами бугунги кунда инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатга айланди. Ислом банклари ва хос молия институтлари сони тобора ортиб бормоқда. Янги ислом банклари катта миқдордаги капитал билан ташкил этилмоқда. Анъанавий банклар исломий банк операцияларини амалга ошириш учун “исломий дарчалар” ёки исломий филиаллар очмоқдалар. Ҳаттоки, ислом динида бўлмаган давлатлар молия институтлари ҳам бу соҳага кириб, иложи борича кўпроқ мусулмон мижозларни жалб қилиш учун бир-бири билан рақобатлашишга ҳаракат қилишади. Ислом банклари иш фаолиятининг кенгайиши ва ўсиш суръатларига кўра, келгуси йиллар мобайнида ислом банкининг кўлами кўпаяди ва ислом банки фаолияти жаҳон молиявий операцияларининг катта қисмини қамраб олиши кутилмоқда.

Бунга сабаб шуки, ислом банклари мусулмон дунёси мамлакатларида кенг тарқалган молиявий институтларнинг бир туридир. Уларнинг фаолиятининг ўзига хос хусусияти шундаки, пул маблағларидан фойдаланганлик учун мижозлардан фоизлар олиш ва судхўрлик билан қарз бериш тақиқланади. Шундай қилиб, ушбу банкларнинг кредитлари фоизсиз

бўлиб, улар фақат қарз олувчи - юридик шахс фойда олган тақдирдагина банк маржасига эга, чунки у фойдасини кредитлаш шартларида белгиланган нисбатга мувофиқ банк билан бўлишиши лозим бўлади. Агар фойда олиниши йўқотилган тақдирда, мижоз шунчаки қарз миқдорини банкга қайтаради. Ислом банки фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари яна шундаки, ислом банклари операциялари жараёнида анъанавий депозит операцияларининг йўқлигини ҳам таъкидлаш зарур. Шу билан бирга, ислом банкларида умидсиз кредитларнинг улуши жуда кичик, чунки ислом тамойилларига кўра, қарзни тўламаслик диний қадриятларда ҳам қабул қилинмайди ва мумкин эмас .

Ислом ақидаларига кўра ҳам фоизсиз тўловлар асосида маблағларга эга бўлиш мусулмон умматининг аслий эзгу орзуси бўлиб келган. Ислом банклари ташкил этилганга қадар, ислом банки тушунчаси амалиётдан холи равишда илмий мақолалардагина муҳокама қилиниб келинган назария эди холос. Айнан, ислом банклари ва унга хос молия институтлари ҳеч қандай молия институти фоизсиз асосда ишлай олмайди деган фикр юритилган муҳитда бу мавжуд назарияларни амалиётга айлантира олдилар. Ҳақиқатан ҳам бундай шароитда ислом банкларининг барча операциялари шариатга мувофиқ бўлиши ва барча фаолияти фоизсиз бўлиши ҳақида қатъий амалиётлари билан чиқишлари дадил қадам эди.

Ана шундай амалиётларга кўра, ислом банки хизматларининг энг бош хусусияти сифатида судхўрлик фоизидан воз кечиш ҳисобланади. Ваҳоланки, барча ғарб банк тизими молиявий хизматлари умум қабул қилинган фоизлар асосида иш юритадилар. Исломий банкларни бу борадаги молиялаштириш хизматини, яъни бераётган тижорат қарзларини умум хайр-соҳоватга берилаётган деб тушунмаслик зарур. Бундай ҳолатда қарз маблағини олаётган мижознинг ҳақ олиши олдиндан белгиланган суммани тўлаш шаклини олмаслиги керак. Анъанавий банк тизимига кўра, қарз берувчи томонидан фоиз олинган тақдирда ана шундай ҳолат содир бўлади. Бу ўринда ислом эътиқодларига асосланган одиллик ва хаққонийлик шунда кўринадики, бойликнинг манбаси энг аввало банданинг меҳнати ва эгасининг ишбилармонлик ҳаракатига боғлиқ бўлади.

Исломий молиялаштириш тарафдорлари судхўрлик фоизини тақиқлаш учун хаққоний кўринишдаги ва асосланган далиллар келтирадилар, яъни фоиз ундириш усули орқали ўзга инсонни эксплуатация қилишга имкон берилиши ва охир-оқибат банк тизимида молиявий инқирозларни келиб чиқишига сабаб бўлишини уқтирадилар. Охир оқибатда судхўрлик фоизидан воз кечиш ислом динида васият қилинган чақириқ сифатида ҳам қаралади. Бу оламда ислом динига эътиқод қилувчи мусулмонларнинг ҳаёт тарзи ҳам, шу жумладан

молиявий фаолияти ҳам муқаддас Қурони каримда қайд этилган ҳамда шариатни йиғма ҳуқуқий ва диний оятларида келтирилган.

Муқаддас Қурони карим шуни тарғиб этадики ҳар қандай мусулмон бандаси ўзининг молиявий амалиётида “рибо” (судхўрлик) ва “ғарор” (ноаниқлик) дан қочиши керак. “Рибо”нинг ҳаромлиги ислом иқтисодининг асосий унсурларидан биридир; "рибо" атамасининг сўзма-сўз таржимаси "ўсиш" деган маънони англатади ўз маъноси ва таржимасига кўра, маблағни хоҳлаган шаклда қарзга берибми ёки савдо келишуви биланми асоссиз кўпайтиришни англатади. Ислом рибо мавжуд бўлган ҳар қандай савдони ҳаром қилган. Аксарият мусулмон мутафаккирлари рибо амалиёти ахлоқсиз хатти-ҳаракатгина эмас, балки жамият тараққиётига ҳам тўсқинлик қилишини уқтирадилар. Бу амалиёт ҳам худди “ғарор” сингари жуда оғир гуноҳдир, яъни, рискни билган ҳолда, мижознинг ҳар хил тасодифлардан қоча олмаслигини ҳис қилиб келишувдан фойдаланишдир. Кўпгина ислом олимлари “рибо” тушунчасини нафақат судхўрликнинг юқори кўриниши дейдилар, балки бошқа кўринишдаги судхўрлик фоизларини ҳам бу тушунчага қўшишади ва “ғарор” аниқланган тақдирда ҳам барча спекулятив операцияларни ҳам уни таркибига қўшишади.

“Ғарор” арабчадан сўзма-сўз таржима қилинганда “хавф” деган маънони англатади. Ғарорнинг ҳаромлиги ҳақида жуда кўп ҳадислар борки, улардан бирини келтирамиз: Пайғамбаримиз сотувчини олди-сотди вақтида мавжуд бўлмаган нарсани сотишдан қайтардилар: яна айтадиларки, “Денгиздан балиқ сотиб олманглар, чунки у ердаги бундай битим ноаниқликдир". Амалий маънода, ғарор - бу шартнома предмети, унинг нархи ёки аниқ хусусиятлари тўғрисида бир томоннинг иккинчи томоннинг бехабарлигидан фойдаланиш натижасида алданиш ёки алдаш элементини ўз ичига олган шартномани тақиқлашдир. Бинобарин, ғарорни таъқиқлаш мусулмонлар жамоасининг иқтисодий қарашларининг асоси бўлган адолат тамойилига кўра бир томоннинг иккинчи тарафдан ноҳақ устун бўлишининг олдини олишдир.

Умумқадрият тамойилларига кўра, мусулмон бандаси ҳеч қачон унутмаслиги шартки, барча ер юзидаги неъматлар Оллоҳнинг инъомидир ва фақат угина унинг мулкдоридир. Ақидаларга асосан, инсонга ишониб топширилган ишлаб чиқариш ва молиявий ресурслар бутун жамият эҳтиёжини қондириш йўлида ишлатилмоғи лозим. Яна шуки, шариат меъёрларига кўра, қайсидир бир ишга ёки фаолиятга сарфланмаган пулдан хайр эҳсон солиғи олиниб фақирлар ва қамбағалларга сарфланиши керак. Мусулмон бандаси ўзи топган пулини ўзи ишлатишга қодир бўлмаса, уни бошқа фаолиятга тикиб, унинг даромадидан улушини олиши жоиз ҳисобланади.

Ислом молиявий хизматларини кўрсатишда муносабат бевосита реал иқтисодий активларга йўналтирилади, тарафлар ўртасида **фойда ва зарарни бўлишиш ёки савдо амалиётлари асосида аниқ иқтисодий натижага боғланади.** Ислом молиявий хизматларида молиялаштирувчи (банк, кредит ташкилоти) ва молия маблағларини қабул қилувчи лойиҳа муваффақияти ва самарадорлигида тенг ҳуқуқли ва биргаликда манфаатдор хамкорларга айланади. **Ушбу белгилар билан ислом молиявий хизматларини кўрсатиш жараёнидаги муносабатлар анъанавий молиявий тизимлардаги муносабатлардан фарқланади.**

Таъкидлаш жоизки, айнан мана шу масалада исломий банкингнинг афзаллиги намоён бўлади. Чунки бу фақат банк билан мижознинг ўртасидаги муносабат эмас. Исломий банк билан мижоз тенг ҳуқуқли шерикка айланадилар. Кредит маблағларидан энг юқори даражада самарали фойдаланишдан банк ҳам манфаатдор, унинг мижози ҳам. Чунки уларнинг иккиси ҳам келадиган даромаддаги шериклар бўладилар. Олинган даромаднинг нақадар катта бўлиши жалб қилинган пуллардан қанчалар самарали фойдаланилганига боғлиқ бўлади. Чунки, улар тенг ҳуқуқли шериклардир. Ва аксинча, даромад ўрнига зарар кўрилган ҳолатида ҳам ёндашув шундай бўлади: агар исломий банкда лойиҳа касодга учраса, зиён ҳам банк ва унинг мижози ўртасида кенг тақсимланади. Бу энг муҳими. Яъни, икки томон ҳам инвестициявий лойиҳадан имкони борича кўп фойда топишдан манфаатдор бўлади. Ислом банки молиявий хизматларининг афзаллиги яна шунда кўринадики, агар тадбиркорларга кредитлар исломий банкинг шартлари асосида берилган тақдирда банклар ҳам тадбиркорларга, оила бизнесини йўлга қўйганларга ажратилган кредит ресурсларидан самаралироқ фойдаланишда ёрдамлашадилар ва тегишли маслаҳатлар бериб борадилар. 2008-2011 йиллардаги глобал молиявий инқироздан исломий банклар жабр кўрмади, бу инқироз уларнинг самарали ва мустаҳкамлигини исботлади.

Юқоридагиларда баён қилинганидек, ислом эътиқодларига асосланган одиллик ва хаққонийлик тамойиллари ислом банклари иш фаолиятининг асосий меъзони сифатида баҳоланар экан жаҳон мамлакатлакатларида қўлланилаётган исломий молия хизматлари иш амалиётини тадқиқ этиш билан хулоса қилишимиз мумкинки, ислом молия институтларини шаклланишининг устун даражадаги афзалликлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- молия тизимининг диверсификацияси;
- ислом молия институтларининг пайдо бўлиши билан бозорга янги молиявий хизматлар ва янги воситаларни олиб келади;
- исломий молия ва ўзгаришларнинг кириб келиши иқтисодиётни янада жозибадор қилади;

- янги молиявий хизматлар мижозларга ўзлари танлаган хизматлар кўламини кенгайтиради, ресурслар учун масъулиятни оширади, бойликни оширади, янги иш ўринлари яратади, даромадларни оширади ва иқтисодиётга катта фойда келтиради;

- исломий молиявий хизматлар миллий иқтисодиётга хусусий сармояларни жалб қилиш ва иқтисодий очиқликни рағбатлантиришда муҳим ўрин тутади;

- ислом дунёси давлатларидан сармояларни жалб қилиш имконияти;
- ахлоқий йўналтирилган молиявий инновацияларни ривожлантириш;
- молиявий натижаларни тақсимлашда кўпроқ адолатлилик.

Хайдаров З.Ш. *– СамИСИ "Банк иши" кафедра доценти в.б., и.ф.н.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА БАЗЕЛЬ III ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЖАРАЁНИНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Аннотация. Ушбў мақолада тижорат банклари активлари ва пассивларини бошқаришда халқаро талаблар ва стандартларни амалга оширишга таъсир қилувчи омиллар ва ўзига хос хусусиятларни аниқлаш ва банк ва молиявий хизматларни ривожлантириш истиқболлари. Ўз аксчини топган.

Калит сўзлар: тижорат банки, таваккалчилик, Базел қўмитасининг халқаро талаблари ва стандартлари, консервация буфер капитали, контрциклик буфер капитали.

Аннотация. В данной статье открыти специфические особенности и факторы, влияющих на процесс внедрения международных требований и стандартов в области управления активами и пассивами коммерческих банков и перспектив развития банковских и финансовых услуг.

Ключевые слова: коммерческий банк, риск, международные требования и стандарты Базельского комитета, консервационный буферный капитал, контрциклический буферный капитал.

Abstract. Identification of specific features and factors affecting the implementation of international requirements and standards in the management of assets and liabilities of commercial banks and the prospects for the development of banking and financial services.

Keywords: commercial bank, risk, international requirements and standards of the Basel Committee, conservation buffer capital, countercyclical buffer capital.

Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида халқаро талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда тижорат банкларининг активлари ва пассивларини бошқариш муаммолари ортиб бормоқда. Ушбу халқаро кўрсаткичларни самарали жорий этиши банк фаолияти ҳолатининг ўзига хос хусусиятларини ва ушбу жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва ҳисобга олишни тақозо этади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида, умуман ва шу жумладан, банк секторида либераллаштириш жараёни босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ушбу муаммонинг долзарблиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Миллий банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг активлари ва пассивларини бошқариш муаммолари Амонов А.А. ва Абдуллаева С.А. монографияларида ўрганилди.

Бир томондан, ушбу тадқиқотлар Ўзбекистон иқтисодиётининг либераллаштиришга ўтишидан олдин амалга оширилди.(сентябр 2017 г). Шу боис, ушбу тадқиқотларда мамлакат иқтисодиётини, айниқса, банк секторини ривожлантиришжараёнидаги янги ҳодисалар ва тенденсиялар ҳисобга олинмаган, яъни Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг активлари ва пассивларини бошқаришда халқаро талаблар ва стандартларни жорий этиш жараёнига таъсир этувчи ўзига хос хусусиятлар ва омиллар ҳамда банк ва молия хизматларини ривожлантириш истиқболлари ҳисобга олинмаган.

Бозор муносабатлари субъектларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма тизимларини қуйидаги гуруҳларга бўлиниши мумкин: ишлаб чиқариш инфратузилмаси; савдо ва хизматлар инфратузилмаси; банк ва молиявий инфратузилмалар томонидан кўрсатиладиган хизматлар; ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун инфратузилма; ахборот - технологик ва коммуникация инфратузилмаларини хизматлари.

Ўзбекистон Республикаси молия хизматлари инфратузилмаси, шунингдек, банк сектори сўнгги беш йилда халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ сезиларли даражада ўзгарди ва уларнинг иқтисодиётдаги роли сезиларли даражада ошди. Ўзбекистон банк секторида Хукумат халқаро рейтингнинг инновацион усулларини босқичма-босқич жорий этмоқда ва бу жараён ўзига хос хусусиятларига ва ўзига хос таъсир этувчи омилларга эга. Тижорат банклари 1988 йилда Базел қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ва 1993 йилдан бошлаб то 1998 йилгача босқичма-босқич амалиётга жорий

этилганва активларни, мажбуриятларни бошқариш ва назорат қилиш бўйича ўзига хос хусусиятларга эга. (1974 йили Швейцария давлатини Базел шахрида банк назорати бўйича, “Халқаро ҳисоб-китоб банки "қошида Базел қўмитаси ташкил этилган.) Халқаро стандартларга мувофиқ (Базел I) тижорат банкларининг капиталлари икки қисмга бўлинади: I даражали капитал (асосий капитал) ва II даражали капитал (қўшимча капитал). Ушбу кўрсаткичларнинг вазифалари капиталнинг етарлилигини баҳолашдан иборат ва қуйидаги холатларда намоён бўлади: капиталнинг ҳақиқий даражасини акс эттириш; минимал капитал даражасидаги холатда кредит ҳажмининг ўсишини чеклайди; балансдан ташқари операцияларни риск даражасини ҳисобга олиш имконини беради.

Базел II томонидан капиталнинг етарлилиги кўрсаткичининг камлиги, у фақат кредит рискига қаратилганлиги, активларни риск даражаси бўйича етарлича туркумлашмаган (бозор риски ҳисобга олинмаган)ва рискли операцияларнинг муайян турлари учун захираларни яратиш талаблари етарли эмас.

1997 йил июл ойида Базел қўмитаси тижорат банкларининг активлари ва пасивларини бошқаришда капиталнинг етарлилиги ва бозор таваккалчиликларини баҳолаш учун тижорат банкларининг капиталининг етарлилиги талабларига 2004 йилда жорий этишни тугатган ўзгартиришлар киритди ва 2004 йилдан бошлаб мақсадли кўрсатмалар асосида янги битимни (Базел II) жорий қила бошлади ва 2010 йил сентябр ойида жорий этишни тугатди.

Базел II талаблари қуйидаги риск турларига нисбатан қўлланилади: % ставкалари билан боғлиқ рисклар, савдо операциялари портфели (қимматли қоғозлар) билан боғлиқ рисклар; валюта риски; қимматбаҳо металларни сотиб олиш ва сотишда юзага келадиган товар риски.

2008-йилда бошланган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида, банк капитали учун талабларни кучайтиришга Базел қўмитаси мажбур бўлди. Натижада, Базел III деб номланувчи янги келишув ишлаб чиқилди ва бу 2010 йил 15 сентябрдан кучга кирди.

Ушбу янги шартнома Базел IIталабларни бекор қилмайди, аксинча уни тўлдиради. Базел III нинг асосий талаблари ва хусусиятлардан тижорат банкларининг активлари ва пасивларини бошқаришда қуйидагилар қўлланилади: Қўмитанинг янги талабларига риоя қилмайдиган тижорат банклари мукофот тўловлари ва дивидендлар миқдорини камайтиришлари керак; акционер капиталини даражасига талаблар кучайтирилган, яни агар ушбу талаблар солиқлар тўлашдан олдин рискларни ҳисобга олган ҳолда ҳисобланган активлар суммасининг 2 фоизини ташкил этган бўлса, энди бу

кўрсаткич солиқлар тўланганидан кейин кўрсатилган активларнинг 4,5% даражасида белгиланади; I даражали капиталнинг етарлилиги учун минимал талаблар оширилади, бу 2013 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда амалдаги 4,5% дан 7% гача оширилди; биринчи даражали капитал даражасининг 2,5% га тенг қўшимча захирадан иборат бўлган капиталнинг ҳимоя "консервация буфери" жорий этилди, 2015-2019 йиллар давомида I даражали капиталга бўлган умумий талаб 6% (4,5%+1,5) ташкил этди; банк капиталига кўшимча 0-2,5% миқдори тенг ҳисобланадиган ва кредит ҳажмини кескин қисқартиришга ёрдам берадиган банк капиталининг "буфер контрцикли" кўрсаткичи жорий этилди; 2013-2017 йилларда ўз капиталининг жалб қилган капиталигпа нисбати бўйича кўрсатгичи I даражали капиталини 3 % даражасида ўрнатилган ва ушбў кўрсатгич риск даражасини аниқлаш мақсадида жорий этилди.

Қуйидаги омиллар Ўзбекистонда тижорат банкларининг активлари ва пасивларини бошқаришда Базел III нинг халқаро талаб ва стандартларини жорий этиш жараёнига таъсир қилиши мумкин.

Биринчи омил. Базел III нинг халқаро талаблари ва стандартларини жорий этишдан икки йил ўтгач, яъни аниқроғи 1-январ 2015-дан бошлаб Ўзбекистон банкларида (1-январ 2013-дан бошлаб, янги икки йил олдин Европа банкларига жорий этилган) жорий этиш бошланди. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори асос бўлади. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, 2011-2015 йилларда тижорат банкларини Базель III халқаро талабларига ўтиш учун тайёргарлик босқичидан ўтиш зарур.

Иккинчи омил. Ўзбекистон Ҳукумати қарорига мувофиқ тижорат банклари ўз устав капиталини ҳар йили 20 %га ошириши керак эди. Тижорат банклари ушбу вазифани қуйидаги манбалар ҳисобидан амалга оширдилар: банк аксиядорларининг девидентларини қайта капитализация қилиш орқали; тижорат банкларининг чиқарилган акцияларини Республика фонд биржасида сотиш орқали. Ушбу чиқарилган банк акцияларининг жозибадорлиги уларнинг дивиденд ставкаси (25-30%) банкларнинг қисқа муддатли депозитларининг ўртача фоизига (18-19%) нисбатан юқори. Ўзбекистон тижорат банкларида капиталнинг етарлилик даражаси белгиланган халқаро меъёрдан (8%) қарийб уч баробар юқори (23%) бўлиб, бу бошқа бир қатор омилларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонга 2018 йил декабр ойида барқарор суверен рейтинг олиш имконини берди.

Учинчи омил. Базел қўмитасининг тавсияларига асосан, регулятив капиталнинг етарлилик меъёрини ҳисоблаш 2004 йилда Базель I кўрсаткичига қўшимча бозор риски талабларини қўшилган ҳолда амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки капиталнинг етарлилик даража нормативини қўшимча равишда оширди (ушбу фоиз ставкаси ва

инвестициялар таваккалчиликлари ҳисобга олинмаган ҳолда) ва капиталнинг етарлилик коэффициентини белгиланган қийматдан, янги 8% ҳалқаро даража ўрнига 10% га тенг минимал коэффициентини ўрнатди ва босқичма-босқич бу кўрсаткич 14,5% га ошди (2019 йил 1 январ ҳолатига).)

Ушбу ёндашувнинг сабаби шундаки, банк рискини ошириш жараёнида етарли миқдорда капитал захираси мавжуд бўлса, барқарор банк молиявий ҳолатини сақлаб қолиш мумкин ва бу кўрсатгич банк риск омилини камайтиришга ёрдам беради.

Тўртинчи омил. Ўзбекистон Марказий банки тижорат банклари учун Базел III талабларига асосланиб, етарли капитал коэффициентига қўшимча равишда операцион риск ва кредит рискини ҳисоблаб чиқди, ҳисоб-китобларда эса бозор рискидан фақат валюта рискини (ҳисоб-китобларда фоиз ва инвестиция риски ҳисобга олинмаган) олиш керак эди.

Ўзбекистон тижорат банклари учун ҳисоб-китобларда ушбу риск коэффициентлари жорий этилмаган, чунки қимматли қоғозлар бозори ва Ўзбекистонда фоиз ставкалар бозори халқаро талабларга мувофиқ ривожланмаган. 2018 йилда Ўзбекистонда қимматли қоғозлар ҳажми ялпи ички маҳсулотнинг 1,3 фоизни ташкил этди. Европа учун бу кўрсаткич 50-60%. Ўзбекистон Республикасида 2018 йилда берилган 27 триллион кредитлар ҳажмидан фақат 21 фоизини тижорат банклар томонидан эркин берилди, қолган кредитлар ҳажмининг 79 фоизи Ўзбекистон Ҳукумати қарорларига мувофиқ берилди.

Базел IIIнинг талабларидан бири-акциядорлик капиталининг етарлилиги. Ушбу меъёрий нормативнинг мақсадли ўрнатилиши қуйидаги тарзда амалга оширилади. Тижорат банки % ставкаларини ошириш орқали эмас, балки ўз капиталини ошириш орқали ўз капиталини кўпайтирилиши керак. Базел қўмитаси юқоридаги ёндашув асосида 2 % дан то 4,5 гача аксиядорлик капиталининг етарлилик даражасини оширди ва ушбу коэффицентга қўшимча 2,5 % капиталнинг ҳимоя "консервацион буфер" захираси сифатида қўшди. Шундай қилиб, банк капиталининг етарлилик даражаси 7% даражасида ўрнатилди.

Бешинчи омил. Тижорат банклари учун Базел талабларига мувофиқ II даражали капиталнинг етарлилик даражаси рискларини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланган активлар даражасининг 4,5% даражасида белгиланади.

Ўзбекистон Марказий банки ушбу кўрсаткични тижорат банклари учун 5 % даражасида (4,5%+ 0,5 %) белгилаб қўйди. Капитални ҳимоя қилиш "консервацион буфери" I даражали капиталнинг 2,5% даражасида қўшимча захира сифатида белгиланди. Шундай қилиб, Ўзбекистон Марказий банки 2015-йил 1-январдан бошлаб тижорат банклари учун ушбу кўрсаткични 7,5 %

даражасида (5%+2,5%) ташкил этиб, уни 2019-йил 1-январ ҳолатига 11 % даражасида босқичма-босқич олиб чиқди.

2010 йил сентябр ойида Базел III талаблари қабул қилинди. 2013 йил январдан бошлаб, тижорат банклари ушбу талабларга босқичма-босқич ўтишни бошладилар. 2019-йил 1-январ холатида халқаро талабларга тўлиқ ўтиш таъминланди, ўтиш даври 6 йилни ташкил этди. Ўзбекистон Марказий банкига тижорат банкларининг ушбу талабларга тўлиқ ўтиш учун уч йил вақт берилди, яъни ўтиш 2015-йил 1-январдан бошланиб, 2019-йил 1-январ холатида Ўзбекистоннинг барча тижорат банклари ушбу халқаро талабларга тўлиқ ўтказилди.

Олтинчи омил. Банк капиталининг етарлилиги коэффициент даражаси банкнинг риск даражасини баҳолашга боғлиқ ва бу рисклар учун қўшимча захираларни яратиш керак. Ушбу ёндашув банкнинг капиталнинг етарлилик коэффициентига қўшимча захираларни киритиш учун сабаб бўлди, шунинг учун банк ўз мижозларидан кредит қобилиятининг пастлигидан фойдаланиб кўпроқ фойда олишни мақсад қилмаслиги учун ўшбу кўрсатгич жорий этилган.

Ўзбекистон Марказий банки томонидан регулятив капиталнинг етарлилик коэффициенти ва уларга тижорат банклари учун қўшимча захиралар 2015 йил 1 январдан бошлаб (8%+2,5% =) 10,5% даражаси белгиланди ва 2016 йил 1 январдан -11,5 %, 2017 йил 1 январдан 12,5 %, 2018 йил 1 январдан 13,5 % 2019 йил 1 январдан -14,5 % даражасида ўрнатилди.

Базел қўмитасига Аъзо давлатларнинг Марказий банклари ўзларининг тижорат банкларини 2019 йил 1 январдан бошлаб халқаро мейёр даражасида ўрнатилган қўшимча захираларни ҳисобга олган ҳолда капиталнинг етарлилик коэффициентини 10,5 % даражасида ўтказа бошладилар.

Еттинчи омил. Ўзбекистон Марказий банки 2016-йилдан бошлаб тижорат банклари учун ликвидлиликни қоплашни (ЛСР) босқичма-босқич амалга ошириб боришни бошлади ва 2018-йил 1-январдан бошлаб ликвидликни қоплашнинг базавий даражасини (LCR) 100% га, 2018-йил 1-январдан эса соф барқарор молиялаштириш коэффициенти (NFSR) 100% даражага жорий этди.

Тижорат банкларининг Базел III халқаро талаблари ва стандартларига ўтишининг сабаби шундаки, капиталнинг етарлилик даражаси тенг бўлган ҳолда, банклар ўз мижозларидан уларни кредит лаёқати паст бўлган шароитида катта фойда олишни мақсад қилиб қўймаганларини инобатга олганликдадир. Шунинг учун, капиталнинг етарлилик даражаси кредит риски, операцион ва бозор риски билан бир қаторда қўшимча захираларни қўшди. Шундай қилиб, тижорат банкларида юқори халқаро талаб ва стандартларни жорий этиш банк хизматларининг барқарор ўсишига, банк фаолиятида самарадорликга, рисксизликга ва жозибадорликга эришишга имкон беради.

Хулоса ва таклифлар.Ўзбекистонда % ставкалари ва қимматли қоғозлар бозори ривожланмаган, шунинг учун тижорат банкларининг тартибга солувчи капитали етарлилигини ҳисоблашдахалқаро кўрсаткичлари % ставкалар бозори ва қимматли қоғозлар бозори рисклар кўрсаткичларини ҳисобга олинмайди. 2017 йилнинг сентябр ойидан бошлаб Ўзбекистон иқтисодиётининг либераллаштирилиши муносабати билан тижорат банклари капиталининг етарлилигини ҳисоблашда % ставкалари ва қимматли қоғозлар бозори рискини ҳисобга олиш зарур, бу эса банк таваккалчиликларининг пасайишига ва банкларнинг молиявий барқарорлигига олиб келади, шунингдек, Ўзбекистон тижорат банкларининг халқаро молия бозорига чиқишига ва мамлакат иқтисодиётида инвестиция фаолиятини фаоллаштиришни шароитидаушбу банкларнинг ликвидлик муаммосини ҳал этишга имкон беради.

Гайбуллаев Рахим Мурадович *- СамИСИ кафедра профессори в.б., и.ф.д.,*
Нуриддинов Жаҳонгир *- СамИСИ магистранти*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КРЕДИТЛАР БЕРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Мақолада тижорат банкларида кредитлашни ташкил этишнинг долзарб муаммолари ўрганилиб, банк кредитлаш соҳасидаги анъанавий жараёнлар ва ундаги юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий муаммолар таҳлил қилинган ҳамда банкнинг кредитлаш самарадорлигини пасайтирадиган ва банк рискларини оширадиган омиллар тадқиқ қилинган. Банклар томонидан кредитлашни ташкил этиш амалиётини ўрганилар экан, мақолада нафақат энг долзарб муаммолар аниқланибгина қолмай, балки уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ҳам тақдим этилган.

Калит сўзлар: тижорат банклари, кредитлаш жараёни, кредит портфели, банк кредити, кредит риски, кредит шартномаси.

Аннотация: В статье рассматриваются актуальные проблемы кредитования в коммерческих банках, анализируются традиционные процессы в сфере банковского кредитования и возможные проблемы, а также факторы, снижающие эффективность кредитования и повышающие банковские риски. При изучении практики организации кредитования банками в статье не только обозначены наиболее острые проблемы, но и даны рекомендации по их решению.

Ключевые слова: коммерческие банки, кредитный процесс, ссудный портфель, банковский кредит, кредитный риск, кредитный договор.

Abstract: The article examines the current problems of lending in commercial banks, analyzes the traditional processes in the field of bank lending and possible problems, as well as factors that reduce the effectiveness of lending and increase banking risks. While studying the practice of organizing lending by banks, the article not only identifies the most pressing problems, but also provides recommendations for their solution.

Keywords: commercial banks, lending process, loan portfolio, bank loan, credit risk, loan agreement.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари банк операцияларини амалга оширишга доир қарорлар қабул қилишда мустақил бўлиб, ўрнатилган тартибда кредит сиёсатини ишлаб чиқади ва амалга оширади. Банк кредит сиёсатининг мақсади кредитлаш жараёнида амалдаги қонунчилик талаблари ва меъёрларига риоя этиш, кредит сиёсати ва кредитлаш тартибларининг бир хиллигини кафолатлаш, таваккалчиликларни мунтазам равишда диверсификациялаш, банк кредит портфели сифатини яхшилаш ва кредитлаш жараёнини тўғри амалга ошириш орқали банк фаолиятининг фойдалилиги ва самарадорлигини таъминлашдан иборат.

Тижорат банклари депозитларни қабул қилиш ва кредитлаш, мижозлар ҳисобини юритиш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш, депозитлар бўйича фоизларни тўлаш, қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш, валюта операциялари ва бошқа банк хизматларини кўрсатадилар. Банк хизматлари ривожланишининг ҳозирги босқичида тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган энг оммабоп хизмат бу кредитдир.

Кредит бериш банкларнинг асосий фаолияти бўлиб, уларга нафақат энг муҳим даромад даражасини таъминлайди, балки мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиши ва фуқаролар фаровонлигига тубдан таъсир кўрсатади. Банкнинг ўз кредит портфелини қанчалик самарали баҳоланиши унинг бозордаги ўрнига, демак мижозлар эҳтиёжи ва банк хизматларига бўлган талабга боғлиқ бўлади.

Кредит бериш ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар томонидан талабга эга бўлганлиги учун ҳам бу хизмат банклар томонидан кенг миқёсда олиб борилади. Ушбу банк хизматини кўрсатишдан банк олган фоизлар фойданинг катта қисмини ташкил қилади. Бироқ, тижорат банклари кредит операциясини амалга оширганда, улар юқори рискларга эга бўладилар. Шунинг учун, таъкидлаш жоизки, кредит портфелини ва кредит рискини бошқариш - банк фаолияти самарадорлигини белгиловчи асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредитлаш соҳасидаги ишларининг ҳозирги ҳолати қуйидаги маълумотларда кўрсатилган (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит портфели ҳажми, млрд.сўмда

Кўрсаткичлар номи	01.01.2018	01.01.2019	01.01.2020	01.01.2021	01.01.2022
Кредит портфели, жаъми	**110572.0**	**167391.0**	**211581.0**	**276975.0**	**326386.0**
Жисмоний шахсларга берилган кредитлар	**13600.0**	**24427.0**	**39934.0**	**54888.0**	**69496.0**
Юридик шахсларга берилган кредитлар	**96972.0**	**142964.0**	**171647.0**	**222087.0**	**256889.0**

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистонда тижорат банклари кредит портфелининг қолдиғи (банклар томонидан юридик ва жисмоний шахсларга берилган кредитлар бўйича қарзлар қолдиғи) 2022 йил 1 январ ҳолатига 326,4 трлн. сўмни ташкил этди. Таҳлил қилинаётган даврда ўсиш 1.95 баробардан ортиқ, ўтган йил (2020 йил) давомида бу кўрсаткич 49.4 трлн. сўмга ёки 17,8 фоизга ўсди.

Кредитларнинг асосий қисми юридик шахсларга тўғри келади ва 256,9 трлн.сўмни (78,7 фоиз) ташкил этди. Таҳлил қилинаётган даврда ўсиш 1,6 баробардан ортиқ, ўтган йил (2020 йил) давомида бу кўрсаткич 15,7 фоизга ўсди.

Жисмоний шахсларга берилган кредитлар ҳажми 69,5 трлн. сўмни ташкил этди, бу эса таҳлил қилинаётган даврда ўсиш 5.1 баробар бўлиб, ўтган йил (2020 йил) давомида бу кўрсаткич 26.6 фоизга кўпдир.

Шу билан бирга, банк кредитларининг ўсиши қарз олувчиларнинг муддати ўтган қарзлари ҳажмининг ошиши билан бирга келади, бу эса банк сектори рискларининг ошишига ва унинг молиявий барқарорлигининг заифлашишига олиб келади. Бу эса, банклар томонидан тақдим этилаётган кредитлар сифатининг ёмонлашувига олиб келади ва бу табиий равишда муаммоли кредитларнинг ўсишида намоён бўлади (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон тижорат банкларининг кредит портфели сифати тўғрисида маълумотлар, млрд.сўмда

Кўрсаткичлар номи	01.01.2021й.	01.01.2022 й.	Ўсиши, %
Жаъми кредит портфели	**276975.0**	**326386.0**	**17.8**
Муаммоли кредитлар (NPL)	**5785.0**	**16974.0**	**193.4**
Муаммоли кредитларнинг (NPL)	**2.1**	**5.2**	**147.6**

жаъми кредит портфелидаги улуши, %			
Жорий йил соф фойдаси	**5642.0**	**3885.0**	**- 31.1**

2-жадвал маълумотлари кредит портфелининг ҳолатини таҳлил қилишда муаммоли кредитларнинг умумпортфелдаги улуши 2022 йил 1 январ ҳолатига 16.97 трлн. сўмни ташкил этмоқда ёки жаъми кредитлардаги улуши 5,2 фоизга етган, ёки таҳлил қилинаётган даврда 1.93 баробарга ошганлиги кўринади. Таҳлилдан маълум бўлдики, шунга кўра, яъни муаммоли кредитларнинг ошиб борганлиги билан мувофиқ равишда тижорат банклари соф фойдаси ҳам бу даврда 31.1 фоизга камайган.

Шунга кўра, хулосо қилиш мумкинки, тижорат банклари амалиётида кредит портфелининг энг кенг тарқалган мезонлари сифатида кредит фаолиятининг хавфлилиги ва кредит портфелининг "муаммоли кредитлари" эканлиги аниқланди.

Ҳозирги иқтисодий трансформация даврида кредит портфелининг "муаммоли" мезонининг аҳамияти кўпинча биринчи ўринга чиқади, чунки кредит портфелининг "муаммоли қисми"ни ўз вақтида ташхислаш муддати ўтган кредитлар ва ёмон кредитлар сонини камайтиришга имкон беради ва бу билан портфелдаги кредитлар ва банкнинг мумкин бўлган йўқотишларини олдини олади.

Шундай қилиб, банклар ўз иш фаолиятида кредит бериш билан боғлиқ бир нечта кўрсаткичларни, яъни берилган кредитнинг ўзига хос хусусияти, унинг таъминланиши, фоизларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида даромад ҳисобварақларига олиниши, қайтарилиш муддатлари ва ҳоказоларни чуқур ўрганиши лозим. Банклар ўз активлари ва кредит портфели сифатини ошириш, банк фаолиятидаги таваккалчиликларни, жумладан кредит таваккалчилигини бошқаришни такомиллаштириш борасида кредитлар бўйича таваккалчиликларни ўз вақтида аниқлаш, сифатли баҳолаш ва бартараф этишга қаратилган замонавий ахборот технологияларига асосланган интеграциялашган риск менежмент тизимини қўллаш каби қатор илғор банк бошқаруви усулларини амалиётга кенгроқ жорий этишлари тақоза этилади.

Таҳлиллар кўрсатадики, юзага келадиган ва аниқланган муаммоларнинг аксарияти ҳар бир алоҳида банкда юзага келиши мумкин ва бу ҳолатларнинг мавжудлиги айнан банкларда кредит жараёнининг қандай ташкил этилиши билан боғлиқдир.

Маълумки, кредитлаш жараёни бир неча босқичларни ўз ичига олади: дастлабки, яъни қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш босқичи, кредит учун гаровни танлаш ва баҳолаш, кредит шартномасини

расмийлаштириш, кредит мониторинги ва таваккалчиликни баҳолаш, қарзни тўлаш босқичи.

Тақдим этилган ҳужжатлар асосида қарз олувчининг маблағларга эҳтиёжи банкнинг амалдаги кредит сиёсати билан таққосланади. Бунда кредит бериш мақсади, тури, кредит бериш усули, кредитни қайтариш манбалари ва фоизларни тўлаш ва ҳоказолар кўрсатилади.

Ушбу босқичда тўғридан-тўғри зарурий ҳужжатларни тўплаш муаммосига дуч келиниши мумкин, яъни, бир вақтнинг ўзида қарз олувчидан ҳужжатларнинг етарлича катта рўйхатини олиш қийин кечиши мумкин. Бундай ҳолда эса барча зарурий ҳужжатлар тўпланмагунча банклар мижознинг аризасини кўриб чиқишни бошламай турадилар. Шу сабабли, ушбу масалани тезроқ ҳал қилишда қарз олувчининг ўзи манфаатдор бўлиши, унинг барча керакли ҳужжатларни қисқа вақт ичида тақдим этишга бўлган қизиқиши ётади. Бу ҳолатга банк томонидан кредит аризасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек кредит маблағларининг тезроқ олинишига бевосита туртки беради.

Кредит бериш жараёнининг иккинчи босқичи – қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш, яъни, қарз олувчининг асосий қарз ва ҳисобланган фоизларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда қайтариш қобилияти ва тайёрлигини, шунингдек, қарз олувчининг обрўси ва тўлов қобилиятини ўрганишни ўз ичига олади.

Таҳлил натижаларига кўра, банклар шартнома шартларини аниқлайди ва ҳар бир шартномавий муносабатларга индивидуал тарзда ёндошади, бу эса қарз олувчининг йўқотишлари ва уларни бериладиган кредит маблағлари ҳисобидан қоплаш учун тўсиқ бўлиб хизмат қилади ва бу мижоз билан кейинги ҳамкорликнинг долзарб шарти бўлиб ҳисобланади. Кредит қобилиятини баҳолашнинг кўплаб усуллари мавжуд, аммо энг машҳурлари коэффициент усули ва рейтинг баҳолашдир. Кредитга лаёқатлиликни баҳолашда тақдим этилаётган гаров сифати ҳам текширилади.

Кредит жараёнининг айнан шу босқичида банкнинг кредит таваккалчилиги миқдорини ва юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар учун заҳиралар миқдорини кам баҳоламаслиги билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Бундан ташқари, қарз олувчининг кўзлаган мақсадига ва банкга тақдим этилаётган таъминотнинг гаров қийматидан келиб чиқиб, мижозга кредит бериш бўйича банкнинг реал имкониятларига мувофиқлиги масаласи ҳам пайдо бўлади. Баъзида мижозда мавжуд бўлган гаров талаб қилинанаётган кредитнинг тўлиқ миқдорини таъминлаш учун етарли эмаслиги ёки таклиф қилинган гаров паст ликвидликка эга бўлиши мумкин, бу эса келажакда гаров таъминотини амалга оширишнинг иложи йўқлиги хавфини келтириб чиқаради ва бунда табиийки, қарз олувчи ўз мажбуриятларини

бажара олмайди. Бундай ҳолда, банк қарз олувчининг молиявий аҳволини ва уларга берилган кредитларни қайтариш истиқболларини баҳолашда кўпроқ корхона ёки унинг эгаларининг кредит учун гаров бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган мулкига эътибор қаратиши лозим. Бу эса мамлакатдаги ҳозирги ўтиш давридаги беқарор иқтисодий вазият билан боғлиқ ва бунда қарз олувчининг фаолияти кўпроқ иккиламчи хусусиятга эга бўлади. Шу сабабли, банклар нафақат қарз олувчи томонидан тақдим этилган таъминотни ҳисобга олишлари, балки жорий кўрсаткичлар асосида ва қарз олувчига таъсир қилиши мумкин бўлган омилларни ҳисобга олган ҳолда бутун кредит даври учун корхона ёки ташкилотнинг келгусидаги фаолият ривожланишининг истиқбол режасини тузишлари керак. Бироқ, бу ҳолат бир вақтнинг ўзида гаров қийматини ортиқча баҳолаш муаммосини келтириб чиқариши мумкин.

Кредит мониторинги жараёнида банк, албатта, мумкин бўлган максимал йўқотишлар эҳтимолини аниқлаган ҳолда, унинг реал ва потенциал рискларини баҳолайди. Кредит рискини баҳолаш усулини танлаш банк томонидан мустақил равишда белгиланади. Шу билан бирга, эътибор қаратиш лозимки, фақат статистик усуллардан фойдаланиш етарли эмас, чунки бу ҳолда банк фақат субъектнинг ўтмишдаги фаолиятига таянади. Шунингдек, воқеаларнинг кейинги ривожланишидан келиб чиқиб, ички иқтисодий ўзгаришларни ҳам, ташқи иқтисодий шароитларни ҳам ҳисобга олиш керак.

Қарзни ундириш кредит жараёнининг якуний босқичи бўлиб, шартноманинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг ёки мижоз томонидан шартнома шартлари бузилган тақдирда амалга оширилади. Ушбу босқичда, эҳтимолки, бутун кредит жараёнида энг муҳим муаммо юзага келиши мумкин, яъни, қарз олувчи томонидан кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслик.

Агар қарз олувчи ўз мажбуриятларини бажармаган бўлса ва муддати ўтган қарз юзага келса, банк кафолат мажбуриятлари тўғрисидаги шартномага мувофиқ ўз талабларини қўллашга, шу жумладан кафил банкка кредит қарзи суммаси ва фоизларни тўлаш тўғрисида ёзма талаб тақдим этишга ҳақли. Бундан ташқари, банклар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида белгиланган кредитларни тўлашнинг бошқа усулларидан фойдаланиш имкониятига эга, масалан, талаб хуқуқини бошқага ўтказиш, компенсация, мажбуриятларни ҳисобга олиш ва бошқалар.

Ушбу ҳал қилиш имкониятлари кредит шартномасида олдиндан келишилган бўлиши керак. Агар кредит юқорида кўрсатилган усуллардан бири билан тўланмаган бўлса, у ҳолда кредит ундириб бўлмайдиган деб тан олинади ва тегишли муддат ўтгандан сўнг, кредитлар бўйича мумкин бўлган

йўқотишлар учун захира ҳисобига балансдан ҳисобдан чиқарилади ёки зарарлар ҳисобига ёзилади.

Шундай қилиб, тижорат банкида кредитлашнинг бутун жараёни давомида, умуман олганда, кредитлаш самарадорлигини пасайтирадиган ва банкнинг ўзининг молиявий ҳолатига таъсир қиладиган муайян муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун тижорат банклари кредитлаш жараёнида баъзи жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда ўз ёндошувларини қайта кўриб чиқишлари керак, яъни:

- кредитга лаёқатлиликни баҳолаш босқичида кредит таваккалчилигини кам баҳолаш ва гаров қийматини ошириб кўрсатиш муаммосига йўл қўймаслик учун юзага келиши мумкин бўлган ички ва ташқи омилларни ҳисобга олиб қарз олувчи томонидан таклиф қилинадиган гаровни ҳам, унинг молиявий аҳволини ҳам бир хилда таҳлил қилиш керак;

- қарз олувчиларнинг ички рейтинглари асосида самаралироқ бўлиши мумкин бўлган кредит рискларини баҳолашнинг ўз методологиясини ишлаб чиқиш.

Ушбу тавсияларни амалга ошириш учун зарурий шарт-шароитларни банк томонидан тўғри ишлаб чиқилган кредит сиёсати таъминлаши мумкин, бу бир томондан, кредит жараёнини ташкил этиш учун асос бўлиб хизмат қилса, иккинчи томондан, ҳозирги беқарор ташқи иқтисодий муҳитга мослаша оладиган омил сифатидаги ўзгарувчан ички сиёсатдир.

Собиров И.Х. *– СамИСИ, и.ф.н, доцент в.б.*
Самандаров Жалолиддин *– СамИСИ, магистрант*

РАҚАМЛИ БАНКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: в статье показаны проблемы развития цифровой банкв Узбекистане, а также предложены конкретные рекомендации.

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда рақамли банк ривожлантириш муаммолари ўрганилган ва аниқ таклифлар берилган.

Annotation: The article shows the problems of the development of digital banking in Uzbekistan, as well as specific recommendations

Калит сўзлар: рақамли банк, онлайн тахлил, масофавий банк махсулоти.

Ключевые слова:Цифровой банкинг, интерактивный анализ, дистанционный банковский продукт.

Keywords: Digital Bank, interactive analysis, remote banking product

Тараққиёт истеъмол бозорини ҳам кескин ўзгаришига сабаб бўлади. Истеъмолчиларнинг истак ва ҳохишлари ҳам замонда пайдо бўлаётган тенденцияларга хос бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, "...тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда. Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади.

Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради".

Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10-15 йил орқада қолмоқда. 2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг кўламли трансформация дастурлари амалга оширилмоқда.Буборадабанкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Хизмат кўрсатиш ва сотиш бозори ўзгариш билан биргаликда, банк сектори ҳам ўзгариб бормоқда.Умумий олиб қараганда – бозор виртуал оламга трансформация бўлиш жараёнида.

Банкларни ривожланиш тарихига эътибор берадиган бўлсак, дастлаб банклар фақат ўз филиаллари орқали хизмат кўрсатишни ташкил этган бўлса, кейинчалик:

• 1970 йилларда банкоматлар ихтиро қилинди.

• 1980 йилларда банкларда колл – центр орқали хизмат кўрсатиш жорий қилинди.

• 1990 йилларда интернет банкинг ва 2000 йилларга келиб эса банк тизимига интернет ва мобиль технологиялар кириб келди. Электрон тижорат ривожлана бошлади.

• 2010 йилдан бошлаб Европа ва АКШда анъанавий банкларни ракамли банкга транформацияси бошланди. Натижада банклар ўз филиалларини қисқартира бошлади.

Рақамли банк – Банк бизнесидаги янги модель. Интернет технологияларга асосланган холда масофадан банк хизматларини мижозларга етказиб бериш тушунилади.

Рақамли банкка ўтиш - банк бозорида рақобатдош бўлиш ва самарагаэришиш учун қуйдагилар талабэтилади:

Мижоз учун ишлаш

- Мижоз тўғрисида барча маълумотларга эга бўлиш (“золотая запись”);
- мижоз харакатларини ва тарихини тахлил қилиш;
- ўз фокусини юқори технологияларга йўналтириш.

Рақамли хизматларни кўрсатиш:

- “Қийин” махсулотлар бўйича ягона дарча;
- товар ва хизматлар учун Маркетплейс;
- роботизацияни жорий этиш

Офисларда хизмат кўрсатишдан рақамли каналларга ўтиш

- сайт ва мобил иловалар;
- талабларни олдиндан била олиш;
- бир нечта турли хил тизимларни, хизмат каналларини ёки коммуникацияларни ягона ойна (дарчада, хавола, тугмача) орқалитақдимэтиш(Омниканальность) принципларини жорий этиш.

Онлайн тахлил ва ўзини ўзи ўқитувчи технологияларни (искусственный интеллект) жорий этиш:

- нейрон тизимлардан фойдаланиш;
- очиқ маълумотлар базаларидан фойдаланиш;
- Big Data тахлили асосида прогнозлаштириш.

Ижтимоий тармоқларда актив позицияга эга бўлиш, рақамли маркетинг инструментларидан фаол фойдаланиш – рақамли банкнинг харакатлантирувчи воситаси ҳисобланади. Чунки рақамли банкнинг асосий истеъмолчилари интернет тармоғини фаол фойдаланувчиларидир.

Ижтимоий тармоқларнинг рақамли банкни ривожлантиришдаги ахамияти қуйдагилардан иборат:

1. Банк махсулотлари ва хизматлари тўғрисидаги маълумотларни тез тарқалишига олиб келади.

2. Банкнинг молиявий маслахатчи сифатида роли ортиб боради.

3. Ахолининг молиявий саводхонлигини тез ривожланади.

4. Ижтимоий тармоқларда фойдаланувчилар ўртасида ўзаро таклиф ва тавсияларга ишонч ортиб боради.

5. Ижтимоий тармоқда банк фойдаланувчилар билан хамкорликда хеч қандай коррупциясиз мулоқот қилишмайдони юзага келади. Улар билан фақат сотиш эмас балки таклиф ва тавсияларга асосланган муносабат ўрнатилади. Бунинг натижасида фойдаланувчилар – потенциал мижозлар ўртасида банкга нисбатан ишонч пайдо бўлади, банк промоуторлари сони ортади.

Рақамли технологиялар даврида мижозларни жалб қилиш ва банк имиджини оширишнинг энг самарали воситаси – бу банкнинг ижтимоий тармоқлардаги фаоллигини ошириш ва ривожлантиришидир.

Ўзбекистонда рақамли банк жорий қилишдаги муаммолар:

1. Жисмоний шахслар ва ЯТТлар учун ягона идентификация тизимининг мавжуд эмаслиги;

2. Банк махсулот ва хизматларини масофадан сотиш имконини беришга тўскинлик килувчи норматив хужжатларнинг мавжудлиги;

3. Бизнес жараёнларнинг тўлиқ автоматлашмаганлиги;

4. Скоринг тизимининг мавжуд эмаслиги;

5. Мажбурий ташқи тизимлар (НИКИ, гаров реести ва бошқалар) билан интеграция йўлга қўйилмаганлиги;

6. ЕОПЦ билан маълумотлар алмашишдаги муаммолар.

Рақамли банкингни жорий қилишда амалга ошириш лозим бўлган ишлар:

1. Чакана банк махсулот ва хизматларини стандартлаштириш. Барча худудларда ягона тариф сиёсатини юритиш.

2. Банкни ижтимоий тармоқлардаги фаоллигини ошириш.

3. Интернет маркетинг (SMM)командасини ташкил қилиш.

4. Банк сайтида белгиланган махсулот ва хизматлар учун онлайн заявкаларни амалиётга жорий қилиш.

5. Масофадан банк махсулотларини сотиш ва ривожлантириш командасини ташкил қилиш.

6. Мижозларни сегментларга ажратиш ва хизмат кўрсатиш моделини ишлаб чиқиш.

7. Масофавий сотиш каналлари: веб-сайт, мобиль банкинг, ижтимоий тармоқлар, колл центр функционалларини қайта кўриб чиқиш ва ривожлантириш.CRM билан интеграция қилиш.

8. Масофадан банк хизматларини кўрсатиш тизимлари (мобил ва интернет банкинг) тизимларини такомиллаштириш.

Хайдаров З. Ш. *– СамИСИ "Банк иши" кафедра доценти в.б., и.ф.н.*

БАНКЛАРАРО КРЕДИТ РЕСУРСЛАРИ БОЗОРИГА МАРКАЗИЙ БАНК ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИНГ ТАЪСИРИ ВА УНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Ўшбумақолада Ўзбекистон Марказий банк пул-кредит сиёсатининг банклараро кредит ресуслари бозорига таъсири ва уни ўзига хос хусусиятларини ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Пул-кредит сиёсати, банклараро кредит ресуслар бозори, фоиз ставкаси, мажбурий захира, ломбард кредити, ломбард фоиз ставкаси, дисконт кредити, дисконт фоиз ставкаси, овердрафт, оверднайт, муддатли кредит.

Аннотация: В сатье раскрыты специфические особенности влияния денежно-кредитной политики Централного банка Узбекистан на рынок межбанковский кредитных ресурсов.

Ключевые слова: Денежно-кредитная политика, рынок межбанковских кредитных ресурсов, процентная ставка, обязательные резервы, ломбардный кредит,ломбардный процетная ставка, дисконтный кредит, дисконтная процентная ставка, овердрафт, овернайт, срочные кредиты.

Annotation: The article reveals the specific features of the influence of the monetary policy of the Central bank of Uzbekistan on the market of interbank credit resources.

Keywords: Monetary policy, interbank credit resources market, interest rate, mandatory reserves, pawn loan, pawn interest rate, discount loan, discount interest rate, overdraft, overnight, term loans.

Банклараро бозорнинг ривожланиши вақтинчалик бўш турган пул маблағларини банклар ўртасида қайта тақсимланишига имконият туғдиради. Ундан банк ўзининг ликвидлигини таъминлаши учун турли хил муддатда маблағларни жалб этишлари мумкин, хусусан, бир кундан то бир неча ойгача бўлган муддатни ташкил этади. Бу маблағларни банклараро кредит ресурслари бозоридан қай даражада жалб қилиши иқтисодий конъюнктурага, банк

нуфузига ва банкларарo бозордаги бошқа тижорат банкларининг фаолияти билан боғлиқ. Банкларарo кредит ресурслари бозори мамлакатимизда ўз фаолиятини юритмоқда, унда банк ресурсларини сотиш ва сотиб олиш индикаторлари эълон қилинади ва қатнашиш ҳуқуқини олган банклар бўш турган банкнинг ресурсларини сотади, ўзининг мажбуриятларини бажариш учун етишмаган маблағларини бошқа банкларнинг маблағлари ҳисобидан жалб қилади.

Банклар ресурсларни сотишлари натижасида ўзига фоизли даромад олади, банк ресурсларга зарурий эҳтиёжлар сезганда банк уларни сотиб олиши ҳам мумкин. Бу жараён банкларарo бозордаги энг арзон ва қулай усуллардан бири ҳисобланади. Бунда банк ўзининг ресурсларини мижозлар учун жойлаштирмасдан, балки бошқа банкларга ўзининг бўш турган ресурсларини жойлаштириш сиёсатини олиб боради. Бу сиёсат уларнинг хатарлилик даражасини камайтириш сиёсатининг юритилаётганлигини кўрсатади.Бунинг сабаби банклар томонидан бошқа банкларга берилган ресурсларнинг хатари мижозларга берилган кредитларнинг хатаридан пастроқ бўлиши шуҳбасиз.

Банкларарo бозорнинг ривожланиш омили Марказий банкнинг қайта молиялаш тизими билан ўзаро боғлиқ. Банкларда ликвидли активлар билан таъминлаш манбаи Марказий банкнинг мақсадли кредитлаш ресурслари билан шаклланишидадир. Марказий банк тижорат банкларининг ликвидлилигига қайта молиялаш сиёсати орқали таъсир кўрсатиши маълум. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кузатилаётганда кўпгина давлатлар Марказий банкнинг ҳисоб ставкасини анча пасайтиришган ва улар арзон пуллар сиёсатини юритганлар. Масалан, бу шароитда АҚШ Федерал Захира Тизими томонидан ҳисоб ставкасини 1 фоиздан 0,25 фоизгача туширган. Бундай чоралар мамлакатнинг молиявий инқироздан чиқиб кетишига ва банкларнинг ликвидлилигини таъминлашга ўз самарасини бермай қолмайди.

Банкларарo кредит ресурслари бозори– бу кредит ресурсларини олди-сотди қилиш мақсадида ташкил этилган махсус марказлардир. Банкларарo кредит ресурслари бозори ссуда капиталлари бозори ҳам деб аталади. Банкларарo кредит ресурслари бозорида тижорат банкларининг биринчи қисми кредит ресурси сотувчи сифатида, иккинчи қисми эса, кредит ресурсини сотиб олувчи сифатида иштирок этади.

Банкларарo кредит ресурслари бозори икки сегментдан иборат: пул бозори;капитал бозори.

Пул бозорида қисқа муддатли, яъни муддати 12 ойгача бўлган депозитлар ва кредитларнинг фоиз ставкалари шаклланади.

Капитал бозорида ўрта ва узоқ муддатли депозитлар ва кредитларнинг фоиз ставкалари шаклланади.

Банклар ресурсларини бошқа банклардан ссуда олиш, яъни банкларарo кредит ҳисобига ҳам кенгайтириш мумкин. Ортиқча кредит ресурсларинисотиш билан молиявий барқарор тижорат банклари шуғулланади. Бу ресурслар даромад келтириши учун банклар бу ресурсларни бошқа банкларга ойлаштиришга ҳаракат қиладилар. Банклар ресурсларини жойлаштириб, даромад олишдан ташқари, банк-кредитор учун банкнинг бошқа фаолиятлари бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш имкониятларига эга бўлади. Банклар учун ўз кредит ресурсларини хўжаликларга жойлаштиришдан кўра, банкларга жойлаштирган фойдалироқдир. Айниқса, ҳозирги шароитда кредитнинг қайтиши учун кафолат хўжалик корхоналаридан кўра банкларда каттароқдир. Банкларарo кредитнинг муддатлари ҳар хил. Ривожланган давлатлар тижорат банклари амалиётида бир, уч, олти ой муддатли банкларарo кредит бериш кўпрок ишлатилади. Яна шуни айтиб ўтиш жоизки, 1 кундан тортиб бир неча йил муддатга бериладиган банкларарo кредит бериш ҳам ривожланмокда.

Ҳозирги пайтда МДҲ давлатларида 3 ойдан 6 ой муддатгача банкларарo кредитдан фойдаланиш банклар фаолиятида кенг тарқалган. Банкларарo кредитнинг фоиз ставкаси, одатда, хўжаликларга бериладиган кредитлар фоиз ставкасидан паст бўлади ва Марказий банк томонидан бу ставкалар назорат қилинади. Ресурсларни жалб қилиш нуқтаи назаридан эса банк учун банкларарo кредит бошқа депозитларни жалб қилишдан кўра қимматроққа тушади. Банклар ресурсларини банкларарo кредитлар ҳисобига шакллантиришдан мақсади шуки, банклар ўз мижозларини кредитга бўлган эҳтиёжини қондиришдир ва кредит қўйилмаларини янада кенгайтириб фойда олишдир.

Банкларарo бозор молия бозорининг сегментларидан бири ҳисобланиб, банк инвестицияларини реал иқтисодиётга банк тизимида жамланган маблағларни тез ва самарали қайта тақсимлаш орқали жойлаштиришни таъминлайди. Банкларарo бозорнинг фаолият юритиши иқтисодиёт учун инвестиция бўйича маълум қарорларини қабул қилиш нуқтаи назаридан уларнинг умумий ҳажми ва самарадорлигига таъсир кўрсатади ва пировард натижада иқтисодий ўсишга эришишни таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Банкларарo бозор фаолиятида тартибга солинган тизимнинг мавжудлиги ҳарқандай замонавий банк тизимининг асосини ташкил этиб, банкларнинг зарурий маблағлардан фойдаланишларини енгиллаштиради, банк битимлари ҳажмини кўпайишини таъминлайди, қўшимча маблағларни ушлаб туриш заруриятини пасайтиради. Шунингдек банкларнинг ҳам ҳаражатлар эвазига янада самарали ишлашларига имконият яратиб беради. Яхши ишлайдиган банкларарo бозор нафақат банклар фаолиятини енгиллаштиради, балки бозор номутаносибликларининг вужудга келишини камайтиради.

Ҳар қандай банк тизимига ликвидликнинг тебраниши хос. Лекин яхши фаолият юритаётган банклараро бозор ликвидли маблағларнинг назарда тутилмаган истеъмоли натижасида вужудга келган нобарқарорликни камайтиради ва кутилмаган ҳолатларга нисбатан банк сектори барқарорлигини таъминлайди.

Миллий ссуда капиталлари бозори фаолиятининг узлуксизлиги ва унинг ликвидлиги кредит ресурслари таклифи ва уларга бўлган талаб ўртасидаги мувозанатнинг таъминланишига боғлиқ. Бу эса, кредит ресурсларига бўлган талабнинг ошиб кетиши натижасида юзага келадиган кредитлар фоиз ставкаларининг кескин кўтарилиши натижасида юзага келадиган бозор мувозанатининг бузилишига барҳам берадиган махсус заҳира фондини шакллантириш заруриятини юзага келтиради.

Миллий ссуда капиталлари бозори фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш Марказий банк томонидан РЕПО аукционлари орқали фоиз ставкаларининг ўзгаришини назорат қилиш заруриятини юзага келтиради. Бунда, Марказий банк миллий ссуда капиталлари бозорининг доимий ва тўлақонли аъзоси сифатида ўзининг кредит ресурсларини, бозордаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда, тўғри РЕПО ва тескари РЕПО шартлари бўйича жойлаштириши лозим.

Марказий банк ўзининг қайта молиялаш сиёсати орқали ҳам банклараро кредит ресурслари бозоридаги фоиз ставкаларининг даражаларига таъсир эта олади. Марказий банкнинг қайта молиялаш сиёсати Марказий банк томонидан тижорат банкларини кредитлаш билан боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуи бўлиб, ушбу сиёсат қуйидаги уч хил кредитлаш усулидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади:

Биринчидан. Тижорат банкларини Марказий банк томонидан, уларнинг балансидаги тратталарни қайта ҳисобга олиш йўли билан, кредитлаш усули.

Мазкур усулда берилган кредитлар ҳисоб ёки дисконт кредитлари ҳисобланади, уларнинг фоиз ставкаси эса, ҳисоб ёки дисконт ставкаси дейилади.

Марказий банк ҳар бир молиявий йил учун олдиндан тратталарни, яъни узатма тижорат векселларини ўзида қайта ҳисобга олиш контиентини белгилайди. Қайта ҳисобга олиш контиенти ҳажмини белгилашда пул массасининг ўсиш суръати, инфляция даражаси каби муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳисобга олинади.

Тратталарни қайта ҳисобга олиш контиентини мамлакатдаги тижорат банклари сонига бўлиш йўли билан ҳар бир банк учун белгиланадиган қайта ҳисобга олиш лимити суммаси аниқланади. Бу эса, лимитни аниқлашнинг

адолатли усули ҳисобланади. Чунки, ушбу усулда барча тижорат банкларига, уларнинг катта ёки кичиклигидан қатъий назар, бир хил лимит белгиланади. Аммо ушбу усулнинг камчилиги шундаки, бунда тижорат банклари активлари миқдори ўртасидаги фарқ натижасида юзага келадиган ликвидли маблағларга бўлган талаб ўртасидаги фарқ ҳисобга олинмайди.

Иккинчи. Тижорат банкларини Марказий банк томонидан, уларнинг балансидаги қимматли қоғозларни гаровга олиш йўли билан кредитлаш усули.Ушбу усулда берилган кредитлар ломбард кредитлари бўлиб, уларнинг фоиз ставкаси эса, ломбард ставкалари дейилади.

Учинчи. Тижорат банкларини Марказий банк томонидан тўғридан-тўғри кредитлаш усули.Мазкур усулда берилган кредитлар овердрафт, овернайт, кунлик ва муддатли кредитлар шаклида бўлади.

Марказий банкнинг овердрафт кредитлари тижорат банкларининг миллий валютадаги “Ностро” вакиллик ҳисоб рақамида юзага келган пул маблағлари етишмаслиги муаммосини ҳал қилиш мақсадида берилади.

Овернайт кредитлари бир суткага бериладиган кредитлар бўлиб, улар тижорат банкларида фавқулодда юзага келадиган жуда қисқа муддатли ликвидлилик муаммосини ҳал қилиш мақсадида берилади. Кунлик кредитлар бир операцион кун давомида берилади.

Дунёнинг бир қатор мамлакатларида (Швеция, Россия ва бошқ.) кунлик кредитлар Марказий банклар томонидан қимматли қоғозларни гаровга олган ҳолда фоизсиз берилади ва улар миллий тўлов тизимини қўллаб-қувватлаш мақсадида берилади*

Республикамизда банклараро кредитлар бозорининг ривожланмаганлиги Марказий банк қайта молиялаш сиёсатининг таъсирчанлиги, самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, банклараро кредитлар бозоридаги депозитлар ва кредитларнинг бозор баҳоси аниқланади ва кредит ресурсларига бўлган талаб ва таклифнинг амалдаги ҳолатини баҳолаш ва прогнозлаш имкони юзага келади; иккинчидан, талаб ва таклиф асосида шаклланган фоиз ставкасигина ссуда капиталлари ҳаракатини тартибга солишнинг бозор регулятори ҳисобланади.

Банклараро кредитлар бозори ривожланмаган шароитда Марказий банк томонидан тижорат банкларига бериладиган кредитларнинг миқдорини ошириш йўли билан миллий валютадаги пулларга бўлган талабга ва улар таклифига таъсир этишнинг аҳамияти ошади. Лекин бунинг учун, Марказий банк қайта молиялаш инструментларининг (ломбардли кредитлар, овернайт, муддатли кредитлар, дисконтли кредитлар, овердрафт) деярли барчасига эга бўлиши лозим. Акс ҳолда, Марказий банкнинг қайта молиялаш кредитлари ҳажмини ошириш имконияти чегараланиб қолади. Масалан, ҳозирги даврда

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг дисконтли кредитлари мавжуд эмас, ломбардли кредитлари миқдори кичик. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг дисконтли ва ломбардли кредитларга бўлган талабларини қондирилмай қолишига сабаб бўлади.

Марказий банк қайта молиялаш инструментларининг (ломбардли кредитлар, овернайт, муддатли кредитлар, дисконтли кредитлар, овердрафт) деярли барчасига эга бўлиши лозим. Акс ҳолда, Марказий банкнинг қайта молиялаш кредитлари ҳажмини ошириш имконияти чегараланиб қолади. Масалан, ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг дисконтли кредитлари мавжуд эмас, ломбардли кредитлари миқдори кичик. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг дисконтли ва ломбардли кредитларга бўлган талабларини қондирилмай қолишига сабаб бўлади.

Марказий банк молия бозоридаги операциялари орқали фоиз ставкасининг шаклланишига жадал таъсир кўрсатди. Хусусан, Марказий банкнинг фоиз ставкаларига таъсири банк тизимининг жорий ликвидлилигини тартибга солиш операцияларини амалга ошириш жараёнида намоён бўлди. Марказий банк ликвидликни таъминлаш операцияларини тижорат банклари билан битим(лар)да белгиланган фоиз ставкасида амалга оширди. Бу ҳолат, ўз навбатида, банк тизимидаги ресурслар қиймати ҳамда банкларнинг молиявий активлари билан операцияларига таъсир кўрсатади ва тизимида фоиз ставкалари тебранишлари интервалини юзага келтиради. Бу жараёнда Марказий банк аниқ тамойиллар ва муносабатларга таяниб, операциялар бўйича фоиз ставкаларини тартибга солади. Бу саъйи- ҳаракатлар тактик жиҳатдан пул-кредит сиёсатини асосий йўналишларда ҳамда банк тизими жорий ликвидлилигини тартибга солиш жараёнларида ўз аксини топади. Мазкур йўналишдаги иқтисодий жараёнлар динамикасини ўрганиш ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қатъий пул-кредит сиёсати 2021 йилда монетар омилларнинг инфляцияга таъсирини минимал даражага пасайтириб, айнан, шу давр учун дастлаб прогноз қилинган кўрсаткичларга эришилишида қулай шароитни яратиб берди. Миллий валютадаги активларнинг даромадлилигини сақлаб қолиш, реал фоиз ставкалари ижобийлигини таъминлаш ва иқтисодиётда пултаклифи суръатлари ўсишини олдини олиш мақсадида Марказий банк қайта молиялаш ставкаси 2022 йил 17 мартдан бошлаб 17 фоиз қилиб белгиланди.*

Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати биринчидан, валюта инструментлари бўйича даромадлиликни (тебраниш даражаси ва коридорини) ошириш, валюта операцияларининг пул бозорларидаги даромадлиги даражасининг ўрта муддатлардаги истиқболини аниқ белгилаш, худди шундай қисқа муддат оралиғида, шу жумладан, валюта курси ўзгаришлари рискини

баҳолаш, уни камайтиришга имкон беради, иккинчидан, миллий валютанинг қийматини фоиз ставкаси орқали тартибга солишга эришилади.

Марказий банк пул-кредит сиёсати орқали макродаражада энг муҳим ҳисобланган ҳамда ўзаро боғлиқ ва таъсирга эга бўлган қуйидаги: жамиятда жамғариш даражаси ва жамғаришга мойиллик; иқтисодиётга киритиладиган инвестициялар; инфляция даражаси; молиявий активларга бўлган талаб ва таклиф; капитал ҳаракати каби кўрсаткичларни мувофиқлаштиради.

Бу эса, ўз навбатида мамлакатдаги молиявий муносабатларнинг жадал суръатларда ривожланиши ва самарадорлиги ортишига замин яратади. Марказий банк пул-кредит сиёсати стратегиясига мувофиқ молия бозорида операцияларни амалга ошириб, нафақат фоиз ставкалари тебраниши интервалини шакллантиради, балки тижорат банклари молиявий ресурсларини самарали бошқаришига рағбат бериши, шу жумладан, ресурс базасини шакллантириш ва уларни жойлаштириш билан боғлиқ тезкор қарорларни қабул қилиш имкониятини юзага келтириши орқали иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш омиллари ҳам шаклланишига туртки беради. Ўзбекистонда пул-кредит сиёсати концепцияси негизида фоиз ставканинг оптимал бўлиши мамлакатдаги пул-кредит тизимининг барқарорлигини таъминлайди. Айнан ушбу мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилиши Марказий банк фоиз инструментлари самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиши пировардида пул-кредит операциялари бўйича “фоиз оралиғи” шакллантирилишига замин яратади.

Хулоса ва таклифлар. Ўзбекистонда пул-кредит сиёсати концепцияси негизида фоиз ставканинг оптимал бўлиши мамлакатдаги пул-кредит тизимининг барқарорлигини таъминлайди. Айнан ушбу мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилиши Марказий банк фоиз инструментлари самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиши пировардида пул-кредит операциялари бўйича “фоиз оралиғи” шакллантирилишига замин яратади.

Ходжимамедов Акмал Ашурович – *соискатель СамИЭС*

ПОНЯТИЕ И СУЩНОСТЬ БАНКОВСКИХ ИННОВАЦИЙ

Аннотация.В современном мире экономики очень важную роль в жизни банков играют инновации. В этой статье рассмотрено понятие «банковских инноваций» и его смысл. В результате исследования были изучены проблемы использования инноваций в банках, а также выявлены перспективные

направления их решения. Также сформированы предложения и рекомендации по совершенствованию банковских инноваций.

Ключевые слова: банк, банковские инновации, экономика, инновационный процесс.

Abstract. In the modern world of the economy, innovations play a very important role in the life of banks. This article discusses the concept of "bank innovation" and its meaning. As a result of the study, the problems of using innovations in banks were studied, and promising directions for their solution were identified. Proposals and recommendations for improving banking innovations were also formed.

Key words: bank, banking innovations, economics, innovation process.

Annotatsiya. Hozirgi zamon iqtisodiyotida innovatsiyalar banklar faoliyatida juda muhim rol o'ynaydi. Maqolada "bank innovatsiyasi" tushunchasi va uning ma'nosi muhokama qilingan. Izlanishlar natijasida banklarda innovatsiyalardan foydalanish muammolari o‘rganilib, ularni hal etishning istiqbolli yo‘nalishlari belgilab olingan. Shuningdek, bank innovatsiyalarini takomillashtirish bo‘yicha taklif va tavsiyalar keltirilgan.

Kalit so`zlar: bank, bank innovatsiyalari, iqtisodiyot, innovatsion jarayon.

Современный этап развития банковской системы Республики Узбекистан характеризуется высоким уровнем насыщенности рынка финансовыми продуктами и услугами и, как следствие, интенсивной конкуренцией между кредитными организациями. В таких условиях существенное конкурентное преимущество получают те кредитные организации, которые способны разрабатывать и внедрять новые технологии, модернизировать продуктовый ряд, разрабатывать альтернативные каналы обслуживания клиентов, то есть осуществлять инновационный процесс. В контексте этой ситуации важным представляется определить причины, по которым внедрение инноваций кредитными организациями может не принести желаемого результата, то есть обозначить ключевые для местного рынка факторы риска банковских инноваций.

В настоящее время не существует единого общепринятого определения понятия «банковских инноваций». В научной литературе считается, что банковскую (либо финансовую) инновацию можно рассматривать как в узком, так и широком смыслах. В первом случае инновация отождествляется с созданием ранее не существовавших (улучшенных) услуг либо продуктов. В широком смысле инновацию можно определить как «систему разноаспектных нововведений в любой сфере функционирования банка, обладающих определенным положительным экономико-стратегическим эффектом».

Учитывая разнообразие мнений экономистов, а также реалии банковской отрасли, мы приходим к выводу, что банковская инновация — это новая банковская услуга или продукт, технология распространения или новый или усовершенствованный процесс, который в той или иной форме увеличивает эффективность банка.

Банковские инновации – это новые или кардинально измененные банковские продукты, направленные на привлечение внимания клиентов и их освоение, новые банковские услуги и услуги более высокого качества, предлагаемые в сети Интернет, внедряемые в банковский процесс средства с использованием современных коммуникационных, организационных и информационных технологий. , позволяя банку прямо или косвенно получать экономический или социальный эффект.

Вопреки предложенному ранее пониманию сущности банковских инноваций, термины «операционные» и «транзакционные» исключены из определения, их использование, с одной стороны, нецелесообразно для изучения инновационных процессов в банковской сфере, с другой стороны, клиентоориентированная концепция его деятельности, в банковской технике как составной фактор используется оперативно. Безусловно, банковские инновации должны включать в себя банковские услуги, причем не только новые, но и уже предоставляемые, в случае, если способ их получения клиентами изменился, что привело к повышению качества их услуг (интернет-банкинг). Прибыль, указанная в определении, получена банком в качестве вознаграждения за риск осуществления инновационной деятельности, инновационная деятельность банка не может быть направлена на «помощь клиентам банка в получении прибыли», как это утверждают некоторые авторы ранее сформулированных определений исследуемой дефиниции.

Развитие экономики всегда основывалось на внедрении новых технологий, но долгое время этот процесс шел крайне медленно. В условиях современной технологической революции и, прежде всего, в новейшую эпоху, когда развитые страны движутся к постиндустриальному обществу, экономическое развитие приобрело новый характер экономического развития.

Определяющие его черты представляются следующими:

– во-первых, постановка инновационного процесса как процесса создания, распространения и использования инноваций в центр качественных, количественных и структурных изменений;

– во-вторых, превращение инновационного процесса в постоянно действующий фактор;

– в-третьих, скорость изменений беспрецедентно высокая.

Коммерческие банки должны разработать сценарий для ускоренного развития банковской системы и программу мер, способствующую:

– количественный и качественный рост основных показателей развития банковского сектора;

– повысить эффективность управления;

– реализации национальных проектов в сфере кредитования и др.

Поддерживая тезис о том, что “национальная банковская система – это атрибут государственности, необходимый элемент экономической независимости, политического суверенитета”, – можно выделить основные положения ускоренного развития национальной банковской системы Республики Узбекистан, которые, по нашему мнению, заключаются в следующем:

1) Национальная банковская система должна соответствовать не только социально-экономической политике государства, но и масштабам страны, потребностям регионов в обеспечении каждого человека, каждого предприятия финансовыми источниками, долгосрочными кредитами. зрелость и рост. Это согласуется с важнейшими задачами, которые программа ставит перед национальной банковской системой в области повышения эффективности финансового посредничества в нашей экономике, обеспечения предоставления финансовых услуг, банковских услуг в стране;

2) Для развития банковской системы необходимы четкие качественные изменения, в том числе повышение прозрачности, открытость для клиентов и инвесторов, внедрение передовых бизнес-моделей, новых банковских технологий и новых банковских продуктов. Это позволит вывести банковскую систему Узбекистана из отстающих от развивающихся стран на более высокий уровень развития по таким индикаторам, как: капитал банка по отношению к ВВП, активы банков по отношению к ВВП и кредиты банков по отношению к ВВП;

3) Для развития банковской системы необходимы четкие качественные изменения, в том числе повышение прозрачности, открытость для клиентов и инвесторов, внедрение передовых бизнес-моделей, новых банковских технологий и новых банковских продуктов.

Разработка и внедрение банковских инноваций для коммерческих банков стали уже привычной деятельностью коммерческих банков, в которой можно выделить четыре основных этапа:

1 этап. Собирать и обрабатывать информацию о состоянии рынка, анализировать данные о потенциальном спросе на новые банковские продукты и услуги.

2 этап. Разрабатывать инновационные стратегии кредитных организаций, концепции новых продуктов и технологий для вывода кредитных организаций на рынок банковских услуг (подготовка документов, разработка технологий проведения банковских операций, Обучение сотрудников, определение методов внедрения продуктов (услуг) в рыночную среду, путем тестирования качества продукции с клиентами.

3 этап. Организовывать продвижение инновационной продукции (услуг) и реализовывать продукцию (услуги) клиентам. Ключевыми факторами успеха на данном этапе являются: выбор правильной ценовой политики, определение каналов сбыта с учетом жизненного цикла банковского продукта (стадия внедрения, стадия зрелости, стадия спада).

4 этап. Оценить эффективность инновационных продуктов (услуг) и проанализировать выбранную инновационную стратегию.

Банковские инновации в зависимости от своего назначения приобретают новые характеристики. Это позволяет систематизировать категории классификаций банковских инноваций, выделяя среди них: технологические, научные, организационные, информационные, медийные, маркетинговые, социальные, психологические, сервисные и другие. Вся совокупность банковских продуктов и услуг, характеризующих инновации, обусловлена взаимодействием субъектов рынка, продвигающих, реализующих и потребляющих инновации, что еще раз подчеркивает их институциональную основу.

Ф.М.Даминов *- СамИСИ, катта ўқитувчи*

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШНИНГ СТРАТЕГИК МУАММОЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада олий таълим ташкилотлари ҳамда тижорат банклари ўртасидаги интеграцион жараёнларнинг стратегик хусусиятлари очиб берилган

Калит сўзлар: олий таълим, тижорат банклари, стратегик мақсадлар, интеграцион жараёнлар, тенденциялар.

Аннотация: в данной статье отражены стратегические аспекты интеграционных процессов деятельности коммерческих банков и учреждений высшего образования

Ключевые слова: высшее образование, коммерческие банки, стратегические цели, интеграционные процессы, тенденции

Тижорат банкларидаги интеграцион жараёнлар таҳлили соҳада кузатилаётган асосий тенденцияларга асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу мақсадда нуфузли халқаро аудиторлик компаниялари, тижорат банклари ва бошқа тадқиқот марказлари томонидан эълон қилинган прогнозларни таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

Deloitte Touche Tohmatsu Limited томонидан эълон қилинган "2022 banking and capital markets outlook:Scaling new heights with purpose" номли прогнозида қайд этилишича: "Пандемия банкларнинг барқарорлигини жиддий синовдан ўтказди. Синов банкларда исталган муаммони бартараф этиш мумкинлиги бўйича тўлиқ ишончни шаклланишига олиб келди... Янги стратегияларни ишлаб чиқишда банклар глобал молиявий тизим конфигурациясидаги ўзгаришларга эътибор қаратишлари лозим: рақамлаштириш жараёнларининг фаоллашуви, тармоқлар конвергенцияси, технологияларнинг бирлашуви, экотизимлар ўртасидаги алоқаларнинг кучайиши ва махсулотларни ишлаб чиқиш концепциясидаги ўзгаришлар... Айни пайтда банк раҳбарияти иш жойи ва ишни бажариш тартибини аниқлаб олиш муаммосига дуч келишмоқда. Вазиятни... мураккаблаштирувчи хусусиятлардан бири иқтидорлар (иқтидорли ходимлар) учун рақобат курашининг кескинлашуви ҳисобланади. Бир неча ўн йиллардан бири биринчи марта талаб даражаси катта бўлган лавозимлардаги ходимлар ўзларининг устуворлигини ҳис қилишди...рақамли трансформациялаш жараёнлари, одатда босқичма-босқич, локал ва фрагментар хусусиятга эга бўлиб қолмоқда, бу эса "технологик қопқонга" тушиб қолиш хавфини ошишига олиб келиши мумкин"[14].

S&P Global Market Intelligence нинг "The Big Picture: 2022 Banking Industry Outlook" прогнозида COVID-19 пандемияси банкларнинг аксарият мижозлари ўз бизнесини рақамли каналлар, жумладан финтех-компаниялар орқали амалга ошира бошлашганига эътибор қаратилган. Эътироф этилишича: "Молия муҳитида кескин рақобат кураши банкларни ўзларининг хизматлари ва махсулотларини модернизациялаш, банклар ва финтехкомпаниялар билан бирлашишга мажбур қилмоқда.... банклар учун жозибали бўлган иқтидор соҳибларига бўлган талаб ҳам ўзгаради. Анъанавий молиявий хизматлар

[14] Deloitte Touche Tohmatsu Limited. https://www2.deloitte.com/us/en/insights/industry/financial-services/financial-services-industry-outlooks/banking-industry-outlook.html

доирасидан чиққан ҳолда технологияларга ихтисослашган муҳит банк ходимлари заҳирасини шакллантиришда асосий манба бўлиб қолади”[15].

АҚШ банк тизими учун Fitch Ratings томонидан ўтказилган секторал таҳлилда банкларнинг фундаментал кўрсаткичлари 2022 йилга келиб, нормаллашиб бориши прогнозлаштирилган. 2022 йилдан бошлаб, кредитлаш ҳажми ошиб бориши, депозитлар ҳажмининг муътадил тарзда ўсиши ва банк секторидаги ликвидлилик даражасининг пасайишига олиб келиши кутилмоқда. Fitch нинг прогнозига кўра, 2022 йилда капиталнинг етарлилик коэффициентлар пандемиягача бўлган даврга тенглашади, шунингдек, банк секторида бирлашув жараёнлари юқори даражада қолади[16].

JPMorgan Chase & Co. нинг “Outlook 2022: Preparing for a vibrant cycle” номли прогнозида қайд этилишича: “Коронавирус пандемиясидан кейинги даврда (2021 йилда) жаҳон иқтисодиётининг тикланиши ҳисобига аксарият бозорлар юқори даромад келтирди. Шунга қарамасдан, сўнгги ойларда инвесторлар иқтисодий ўсиш ва бозор даромадларига оид потенциал рискларга эътиборни кучайтиришган. Инфляцион жараёнлар марказий банклар сиёсатига, шунингдек, таклифнинг етакли эмаслиги ишлаб чиқариш ҳажмига салбий таъсир ўтказмоқда, COVID-19 истеъмолчилар, корхоналар ва инвесторларда таҳликани юзага келтирмоқда... АҚШ ва Европа Иттифоқи қайтъий иқтисодий сиёсатни олиб боришдан воз кечишни режалаштирган... АҚШ конгресси ва Оқ уй пандемияга қарши чора-тадбирлар учун 4 трлн.доллар ажратишди ва яқин ўн йилликда яна триллионлар ажратишни режалаштирган... Инфляция билан курашиш учун Бразилиядан Янги Зеландиягача марказий банклар фоиз ставкаларини кўтаришди. Аммо Федерал резерв тизими ва Европа марказий банки... меҳнат бозоридаги тенденциялар пандемиягача бўлган даврдаги даражага тушгунга қадар... фоиз ставкаларини кўтармасликка қарор қилишган”[17].

Accenture компаниясининг “Banking Top 10 Trends for 2022” да банк секторидаги асосий тенденциялар сифатида: 1) Super-app лар рақамли дунё ва инсон ўртасидага муносабатларни шакллантириш асосий ўрин тутиши; 2)ESG банкинг аҳамиятининг ошиб бориши; 3) финтех- ва бигтех-компаниялардан ортда қолмаслик учун банкларда инновацион фаолиятга эътиборнинг кучайиши; 4) BNPL (Buy now pay later**)** рақамли технологиялардан фойдаланиш кўламининг ошиб бориши ҳисобига банкларда тариф сиёсатининг

[15]S&P Global Market Intelligencehttps://pages.marketintelligence.spglobal.com/Big-Picture-2022-Banking-Outlook-Request.html маълумотлари асосида
[16]Fitch Ratings https://www.fitchratings.com/research/banks/fitch-ratings-2022-outlook-us-banks-02-12-2021 маълумотлари асосида
[17]JPMorgan Chase & Co. Outlook 2022 Preparing for a vibrant cycle. https://privatebank.jpmorgan.com/gl/en/insights/investing/outlook

такомиллаштирилиши; 5) мижозлар билан муносабатларни ташкил этишда сунъий онг ролининг ошиб бориши; 6) CBDC (Central Bank Digital Currency) ни жорий этишдаги фаол чора-тадбирларнинг кўрилиши; 7) сунъий онг технологиялари инсон меҳнатининг нолга тенглаштириши мумкинлиги; 8) тўловларни амалга оширишда очиқ (ижтимоий) платформалардан фойдаланиш кўламининг кенгайиб бориши; 9) трансмиллий банклар томонидан маҳаллий финтех-компанияларни сотиб олиш жараёнларининг давом этиши; 10) пандемия банкларнинг энг муҳим активи бўлган ёш иқтидорларни етказиб бериш занжирининг бузилишига олиб келганлиги қайд этилган. Хулоса сифатида рақобат кучайиб боради ва ғолиблар иш берувчиларга айланади деган фикр билдирилган[18].

Амалга оширилаётган ўрганишлар, фикримизча, банклар томонидан бўлғуси ходимларга қўйилган талаблар ва олий таълим муассасалари томонидан таклиф этилаётган ўқув дастурларида (бакалавр даражасида) битирувчиларнинг билим ва кўникмаларига қўйилган мезонлар таҳили билан давом эттирилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Хусусан, АҚШнинг нуфузли банкларидан бири Morgan Stanley томонидан 2022 йилнинг февраль ойи учун Indeed сайтида жойлаштирилган инвестицион банкинг йўналиши бўйича аналитик ваканциясига доир талаблар қуйидагича белгиланган:

“Full-time (доимий асосда)... Муваффақиятли ўтган номзод минтақавий ва халқаро мижозлар билан компанияларни сотиб олиш, бирлаштириш, қўшма корхоналар ташкил этиш, корпоратив қайта таркиблаш, акционерлар билан муносабатларни ташкил этиш, капиталлаштириш, бўлиб юбориш, қарз маблағларини жалб этиш орқали сотиб олиш каби мураккаб битимлар бўйича ишлаш, шунингдек, стратегик масалалар бўйича маслаҳат хизматларини кўрсатади... ижодий фикрлаш рағбатлантирилади. Таҳлилий, адаптив (мослашувчан), мустақил фикрлаш, лидерлик, командада ишлай олиш, натижага йўналтирилган ходим каби компетенциялар қўллаб-қувватланади”[19].

Буюк Британиянинг University of London нинг “Programme Specification 2021–2022 Economics, Management, Finance and the Social Sciences (EMFSS) Banking and Finance BSc” да дастурдан муваффақиятли ўтган талабада шакллантириладиган компетенциялар жумласига: а) бир неча манбалар (электрон манбаларни ҳисобга олган ҳолда), тегишли илмий адабиётлардан маълумотларни излаш, топиш, таҳлил этиш ва тегишли хулосаларни шакллантириш, маълумот манбаларига ҳавола қилиш; б) берилган таклиф ва билдирилган мулоҳазаларни танқилий таҳлил этиш; ёзма равишда ўз

[18] Accenture. Banking Top 10 Trends for 2022https://www.accenture.com/us-en/insights/banking/top-10-trends-banking маълумотлари асосида

[19]https://www.indeed.com/q-2022-Investment-Banking-jobs.html?vjk=54f2fc9021ca2b56 маълумотлари асосида

фикрларини аниқ ифодалаш; в) информацион технологиялардан фойдаланиш (электрон жадваллар, матнли редакторлар, маълумотларнинг онлайн базалари); г) билдирилган ғояларни объектив кўриб чиқиш, маълумотлар билан ишлашда танқидий, баҳолаш ва аналитик ёндашувлардан фойдаланиш; д) ўз-ўзини ривожлантириш кўникмалари киритилган[20].

Амалга оширилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларни қайд этиш мумкин:

ижтимоий-иқтисодий тизим субъектлари ҳисобланувчи олий таълим муассасалари ва тижорат банклари хусусий стратегик мақсадларга эга. Фикримизча, ушбу стратегик мақсадлар олий таълим ва тижорат банклари олдига қўйилган устувор вазифаларга мос келади. Хусусан, олий таълим муассасалари талабаларни тегишли маълумотларга эга бўлган ва чуқур мотивацияланган фуқаро сифатида тарбияланган, танқидий фикрлаш, жамият муаммоларини таҳлил қилиш имкониятига, муаммоларни топиш ва уларни бартараф этиш кўникмасига эга бўлган, шунингдек, ижтимоий жавобгарликни ўз зиммасига оладиган шахс сифатида шаклланишга кўмак берувчи таълимни таъминлашлари шарт[21].

Тижорат банкларининг устувор вазифалари банк тушунчасидан келиб чиқади, яъни “банк ҳисобварақларини очиш ва юритиш, тўловларни амалга ошириш, омонатларга (депозитларга) пул маблағларини жалб этиш, ўз номидан кредитлар бериш бўйича банк фаолияти сифатида аниқланган операциялар мажмуини амалга оширувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс”дир[22]. Бундай ҳолатда стратегик вазифаларнинг уйғунлиги аниқ ихтисосликка эга бўлган олий таълим муассасалари, тижорат банклари ҳамда истиқболда қўлланилиши кутилаётган технологиялар бўйича мутахассисларни тайёрловчи олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилиши орқали таъминланиши мумкин бўлади. Аммо, мазкур жараённинг интегратори сифатида олий таълим муассасалари ёки тижорат банклари ёки Марказий банк ёки давлат бошқаруви органлари чиқадими ҳозирча ноаниқ.

[20] https://london.ac.uk/sites/default/files/programme-specifications/progspec-bsc-bankingfinance-2021-22.pdf маълумотлари асосида

[21] http://www.unesco.org/new/ru/unesco/resources/publications/unesdoc-database/ маълумотлари асосида

[22] Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.11.2019 й., 03/19/580/3994-сон; 07.01.2020 й., 03/20/600/0023-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-со

Nozimov Eldor Anvarovich – *SamISI "Investitsiya va innovatsiyalar" kafedrasi assistenti*

RAQAMLI IQTISODIYOTDA AXBOROTLAR XAVFSIZLIGINI TA'MINLASH

Annotatsiya. Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning hozirgi sharoitida axborot xavfsizligini ta'minlash umumjahon, davlat, iqtisodiy sub'ekt va shuningdek alohida shahs darajasida ham dolzarb muammolardan biri bo'lib qolmoqda. Raqamli texnologiyalarni barcha ijtimoiy-iqtisodiy sohalarga jadal kirib borishi bu muamoni yanada chuqurlashuviga olib kelishi rad etib bo'lmaydigan jarayondir. Buning natijasida axborot xavfsizligiga yangidan-yangi tahdid turlari va usullari paydo bo'lib bormoqda. Maqolada axborot xavfsizligi sohasidagi asosiy jahon tendentsiyalari tahlil qilingan, raqamli axborotlarni himoyalash muammolarini hal qilish yo'llari ko'rib chiqilgan.

Tayanch so'zlar: raqamli iqtisodiyot, axborot xavfsizligi, insident, kiberxafsizlik, defeys, yashirin mayner, tahdid, hujum.

Аннотация. В современных условиях развития цифровой экономики информационная безопасность остается одной из самых актуальных проблем на глобальном, государственном, экономическом и индивидуальном уровнях. Стремительное проникновение цифровых технологий во все социально-экономические сферы – несомненный процесс, который углубит эту проблему. В результате появляются новые виды и методы угроз информационной безопасности. В статье анализируются основные мировые тенденции в области информационной безопасности, и пути решения проблемы защиты цифровой информации.

Ключевые слова: цифровая экономика, информационная безопасность, инцидент, кибербезопасность, сбой, скрытый майнер, угроза, атака.

Abstract. In the modern conditions of the development of the digital economy, information security remains one of the most pressing problems at the global, state, economic and individual levels. The rapid penetration of digital technologies into all socio-economic spheres is an undeniable process that will exacerbate this problem. As a result, new types and methods of threats to information security appear. The article analyzes the main global trends in the field of information security, and also considers ways to solve the problem of protecting digital information.

Keywords: digital economy, information security, incident, cybersecurity, deface, hidden miner, threat, attack.

Globallashuv va integratsiya jarayonlari davrida barcha ijtimoiy-iqtisodiy sohalarga ilg‘or raqamli texnologiyalarni ishlab chiqish va joriy etish asosida raqamli iqtisodiyot shakllanmoqda. Katta ma’lumotlar tahlilini takomillashtirish, mobil qurilmalardan keng foydalanish, Internetni rivojlantirish, buyumlar Internetining paydo bo‘lishi, albatta, alohida mintaqalar va mamlakatlar darajasida ham, global miqyosda ham ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni hal qilishga mo‘ljallangan innovatsion elementlar hisoblanadi. Shuning bilan birga, bu texnologiyalarni rivojlantirishning hozirgi sharoitida sodir bo‘layotgan jarayonlarning tezlashuvi va murakkablashuvi iqtisodiy sub’ektlar oldiga axborot xavfsizligi to‘g‘risidagi muammolarni dolzarb qilib qo‘yadi. Fuqaro va tashkilotlarning shaxsiy ma’lumotlarini o‘g‘irlanishi nafaqat moddiy zarar etkazilishida, balki jamiyatda tutgan mavqeyi va tadbirkorlik obro‘siga ham jiddiy zarar etkazilishida ham namoyon bo‘ladi. Ta’kidlash joizki, axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish bilan birga kiberxavfsizlik tahdidlari ortib bormoqda va kiberxavfsizlikni ta’minlash global miqyosda asosiy muammolardan biri sifatida tan olingan.

Tadqiqotni olib borishda axborot-kommunikatsiya texnologiyalari asosida faoliyat yurtuvchi iqtisodiy sub’ektlar uchun axborot va kiberxavfsizlikning ta’siri, bu boradagi xorijiy va mahalliy olimlarning ishlari o’rganildi va tahlil qilindi.

Maqolada nazariy mushohada, tizimli yondashuv, kuzatish, umumlashtirish, tahlil, sintez kabi usullar samarali qo’llanildi, shuningdek real sektor korxonalari axborot va kiberxavfsizlikni ta’minlash muammolari va ularning echimlari borasida xulosa va takliflar shakllantirilgan.

Raqamli iqtisodiyotning hozirgi sharoitida har bir tashkilot quyidagi savollarni yechgan holda, o‘zida mavjud axborot xavfsizligi darajasini muntazam ravishda baholab turishi kerak bo‘ladi:

1. Axborotlar himoyasiga yo‘naltirilgan moliyaviy resurslar tashkilot xodimlar ta’minoti va raqamli texnologiyasi o‘rtasida qanchalik samarali taqsimlangan? Mavjud raqamli texnologiyalar to‘g‘risida xabardorlik darajasini oshirmasdan yangi xodimni ishga olish tashkilot axborot xavfsizligini oshirishning kam samarali usuli hisoblanadi. Shuningdek, raqamli texnologiyalar uzluksiz takomillashib bormoqda va bozorda raqobatbardoshlikni saqlash uchun ma’lumotlarni himoya qilish zamonaviy vositalari taqdim etayotgan barcha imkoniyatlardan foydalanish muhim ahamiyatga ega.

2. Axborot xavfsizligini ta’minlash bo‘yicha chora-tadbirlarning ahamiyati to‘g‘ri baholanyaptimi? Ma’lumotlarning axborot xavfsizligi darajasini aniqlash axborot xavfsizligini ta’minlash turli vositalarining qo‘shayotgan hissasini optimal baholashga yordam beradi.

3. Tashkilotda axborotni himoya qilish tizimida zamonaviy raqamli texnologiyalarni joriy etish uchun sharoit yaratilganmi? Yangi texnologiyadan foydalanishda uni samarali qo‘llanilishi uchun avval rejalashtirilishi va shart-sharoitlar yaratilishi zarur, bu nosozlik va xatoliklar sonini kamaytirib, texnologiyaning ishlash jarayonini yo‘lga qo‘yish xarajatlarini kamaytiradi.

4. Xizmat ko‘rsatish yoki ishlarni bajarish zanjirida axborot xavfsizligi qanchalik ratsional ta’minlanadi? Tashkilot ma’lumot almashadigan ko‘plab sheriklar bilan o‘zarohamkorlikda bo‘lganligi bois tashqi iqtisodiy sub’ektlarga axborot uzatish xavfsizligini tahlil qilish zarur bo‘ladi.

5. Tashkilot boshqaruvi axborot xavfsizligini ta’minlash bo‘yicha masalalari bilan samarali shug‘ullana oladimi? Xavfsizlik masalalarida chora-tadbirlarni amalga oshirishning muvaffaqiyati ko‘p jihatdan xodimlarning harakatlarini muvofiqlashtirishga bog‘liq bo‘lganligidan tashkilotni boshqarish axborot xavfsizligini shakllantirishning muhim elementi hisoblanadi.

Bizning fikrimizcha, tashkilotning axborot xavfsizligi darajasini oshirish paydo bo‘layotgan tahdidlarni ko‘p bosqichli tahlil qilish orqali ta’minlanishi mumkin:

1-**bosqich**: tahlilni amalga oshirish. Bu bosqichda paydo bo‘layotgan axborot tahdidlarini tahlil qilish asosida tashkilotda qabul qilingan ma’lumotlar xavfsizligini ta’minlash usullarini qayta ko‘rib chiqish zarurati aniqlanadi. Qoidaga ko‘ra, axborotni himoya qilish bo‘yicha qisman bajarilayotgan mavjud choralar aniqlanadi va ma’lumotlarni optimal himoya qilish bo‘yicha tashkilotning ichki standartlarini ishlab chiqish talab etiladi.

2-**bosqich**: jarayonlarni boshqarish. Axborot xavfsizligi alohida jarayonlarga ajratiladi, ularning har biri uchun mas’ullik taqsimlanadi.

3-bosqich: amalga oshirish va nazorat qilish. Biznes modelga birlashtirilgan axborot xavfsizligini ta’minlash jarayoni tashkilotning rivojlanish strategiyasiga moslashtiriladi, qabul qilingan chora-tadbirlar ijrosi ustidan nazorat olib boriladi va kiritilgan innovatsiyalar samaradorligi baholanadi.

4-bosqich: prognoz qilish. Axborot xavfsizligini ta’minlash bo‘yicha qabul qilingan tadbirlarni tahrir qilish, mumkin bo‘lgan tahdidlarni yanada to‘liq qamrab olish maqsadida takomillashgan raqamli texnologiyalar joriy etish zarurati aniqlanadi.

5-bosqich: optimallashtirish. Axborot xavfsizligini ta’minlash tizimi uzluksiz takomillashtirilib boriladi; ma’lumotlarni himoya qilish, tashkilot faoliyatining barcha yo‘nalishlariga integratsiya qilingan to‘liq avtomatlashtirilgan jarayonga aylanadi. Raqamli iqtisodiyotni shakllantirilishi sharoitida axborotlari xavfsizligini ta’minlash nafaqat alohida tashkilot darajasida, balki davlat darajasida ham ko‘rib chiqilishi zarur bo‘lgan masala hisoblanadi.

Hozirgi kunda O‘zbekistonda kiberxavfsizlikni ta’minlash bo‘yicha vazifa va muammolarga davlat darajasida alohida e’ibor qaratilmoqda, buni kiberfazodagi

tahdidlar, zaifliklar va hodisalarni aniqlash bo‘yicha olib borilmoqda. Jumladan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 21 noyabrdagi PQ-4024-son qaroriga asosan “Axborotlashtirish va telekommunikatsiyalar sohasida nazorat bo‘yicha davlat inspeksiyasi” tashkil etildi.

Iqtisodiyotning ko‘plab sohalarida amalga oshirilayotgan raqamli transformatsiya jarayonlarida iqtisodiy sub’ektlar faoliyatining ko‘lami kengayib borishi bilan birga kiberxavfsizlik, iqtisodiy xavsizlik va axborot xavfsiligi sohasida dunyoda avvallari mavjud bo‘lmagan butunlay yangi ko‘rinishdagi xatar va tahdidlarning paydo bo‘lishiga olib keladi. Jahon amaliyotidan ma’lumki, raqamli iqtisodiyotning to‘g‘ri shakllanishi va samaradorligi ko‘p jihatdan axborot xavfsizligini ta’minlashga bog‘liq. Raqamli ma’lumotlar xavfsizligiga tahdidlarning paydo bo‘lishi barcha - davlat, alohida tashkilot va fuqarolar darajalarida ham xavfsizlikni ta’minlashning asosiy yo‘nalishlaridan biriga aylanmoqda.Hozirgi kunda ma’lumotlarni saqlash tizimlariga hujumlar tobora murakkablashib, ko‘p uchraydigan salbiy holatga aylanib borayotganligi sababli mamlakat iqtisodiy barqarorligini saqlash va raqobatdoshlikni ta’minlashda axborot xavfsizligi masalalari ustuvor vazifa bo‘lishi zarur.

Yuqoridagilarni e’tiborga olgan holda, iqtisodiy tarmoq tashkilotlari web-sayti va korporativ tarmoqlarini axborot xavfsizligiga tahdidlarni bartaraf etish va himoya qilish maqsadida quyidagi tashkiliy va texnik choralarni ko‘rish kiberfazo va axborot tizimlariga uyushtiriladigan ichki hamda tashqi tahdidlarni oldini olish hamda oqibatlarini bartaraf etishga imkon beradi deb hisoblaymiz:

- kontentni boshqarish tizimida (CMS) kiritligan o‘zgarishlarni **doimiy ravishda yangilab borish**;

- **zahiraga nusxalash (Backup)**. Saytni zaxiraga nusxalashning mohiyati ma'lumotlar bazasi, sayt fayllari, pochta, FTP-akkauntlar va hostingning boshqa ko‘plab parametrlarini nusxalashdan iborat. Zaxiraga nusxalashni CMS saytga o‘rnatilgan vositalar, maxsus plagin, xosting provayderi taqdim etadigan vositalar yoki boshqa har qanday qulay usul yordamida amalga oshirish mumkin;

- **foydalanilmayotgan plaginlarni o‘chirib tashlash.** Har qanday yangi plagin yoki kengaytma tashqi hujum ehtimolini oshiradi. Shu munosabat bilan foydalanilmayotgan plaginlarni o‘chirib qo‘yish va olib tashlash va iloji bo‘lsa, har bir alohida holat uchun plaginni o‘rnatish o‘rniga o‘rnatilgan mexanizmlardan foydalanish tavsiya etiladi;

- **parol aytentifikatsyasini kuchaytirish**. CMSdagi ma'muriy akkaunti, servis-provayder web-saytidagi shaxsiy kabinet va serverdagi akkaunt uchun boshqa servis va saytlarda takrorlanmaydigan murakkab paroldan foydalanish qat’iyan tavsiya etiladi;

- **xavfsiz ma’murlashtirish.** CMSdagi ma’mur akkauntiga, servis-provayder web-saytidagi shaxsiy kabinetga va serverdagi hisob qaydnomasiga virus bazasi dolzarblashtirilgan antivirus dasturlari o‘rnatilgan qurilmalardan (kompyuterlar, planshetlar) kirish tavsiya etiladi;

- **xavfsizlik plaginlari.** Web-saytni turli hujumlardan himoya qilishni ta'minlash uchun zararli dasturlardan qidirish, o‘chirib tashlash va kelgusida zarar keltiruvchi dasturlardan himoya qilish funktsiyalariga ega xavfsizlik plaginlaridan foydalanish tavsiya etiladi;

- **web-sayt ekspertizasini yuritish.** Doimiy ravishda web-saytni axborot xavfsizligi talablariga muvofiqligi hamda zaif tomonlari bo‘yicha ekspertizasini olib borish;

- axborot xavfsizligiga ichki tahdidlarning bartaraf etish uchun kerakli dasturiy va texnik vositalarni, shuningdek, axborotni himoya qilish vositalarini o‘rnatish;

- axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va bevosita axborot tizimlari bilan ishlaydigan foydalanuvchilar (xodimlar)ning axborot xavfsizligini ta’minlash va malakasini oshirish;

- filiallararo ma'lumotlarni uzatish tarmog'i doirasida global Internet tarmog‘i orqali boshqa axborot tizimlari bilan o‘zaro hamkorlikda bo‘lgan axborot tizimlaridan foydalanmaslik.

Yuqorida sanab o‘tilgan va boshqa qo‘shimcha himoya choralarining qabul qilinishi istiqbolda tashkilotlar web-sayti, axborot tizimlari va resurslaridagi axborot xavfsizligiga tahdidlar xavfini sezilarli darajada kamaytiradi, bu o‘z navbatida yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan xurujlardan himoya qilishga va keyinchalik axborot xavfsizligi bilan bog‘liq insidentlarning sabablari va oqibatlarini bartaraf etishga imkon beradi.

Juraeva M. *– SamDAQI, assistent*
Annayeva Maftuna – *SamDAQI, mustaqil tacdiqotchi*

AHOLINI IPOTEKA KREDITLARI BILAN TA’MINLASH SAMARADORLIGI

So’ngi yillarda respublikamiz aholisi uchun namunaviy loyihalar asosida yakka tartibdagi va ko’p qavatli uy-joylar qurish bo‘yicha keng ko‘lamli ishlar amalga oshirilganligi ahamiyatlidir. Faqatgina 2016-2020-yillar davomida qishloq joylarda 1308 turar joy massivida umumiy maydoni 9 573 ming kvadrat metr bo‘lgan 69 557

ta shinam uy-joy qurildi. Qishloqlardagi 83,5 mingdan ortiq oilaning yashash sharoiti yaxshilandi.

Xususan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016 yil 22 noyabrdagi “2017-2020 yillarda shaharlarda arzon ko'p kvartirali uylarni qurish va rekonstruksiya qilish dasturini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi PQ-2660 sonli qaroriga asosan:

Aholini, shu jumladan yosh oilalarni, eskirgan uy-joylarda yashayotganlarni va uy-joy sharoitlarini yahshilashga muhtoj bo'lgan boshqa fuqarolarni arzon, qulay, zamonaviy uy-joylar bilan ta'minlash ishlari amalga oshirildi va bu ishlar davom etmoqda.



Respublikamiz tijorat banklari xususan “**Ipoteka bank**” tomonidan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 22 noyabrdagi PQ-2660 sonli qaroriga ijrosini taminlash maqsadida amalga oshirilayotgan ishlarnini natijalarini tahlil qilamiz.

Dast avval “Ipoteka bank”ning 2021-yil III chorak yakunlari bo’yicha asosiy ko’rasatgichlarini (*1-jadvalda keltirilgan*) ko’rib chiqamiz.

1-jadval

Ipoteka bankning asosiy ko'rsatkichlar[23]

Yo'naltirilgan soha (2021 yil III chorak yakuniga ko'ra)	Yo'naltirilgan mablag' (2021 yil III chorak yakuniga ko'ra)
Sanoat	5614,4 mlrd. so'm
Qishloq xo'jaligi	293,7 mlrd. so'm
Savdo va umumiy ovqatlanish	306,2 mlrd. so'm
Kommunal soha	139,6 mlrd. so'm
Qurilish	215,3 mlrd. so'm
Transport va aloqa	245,5 mlrd. so'm
Moddiy texnika ta'minotiga	25,2 mlrd. so'm
Boshqa maqsadlar	2797,5 mlrd. so'm

1-jadval malumotlaridan ko’rishimiz mumkinki eng katta ulish sanoatga to’g’ri kelsa, eng past ko’rsatkich moddiy texnik taminotga to’g’ri keladi. Shu o’rinda aytish joyizki qurilish uchun 215,3 mlrd so’mni tashkil etib umumiy ulushning qarib 2% tashkil etgan (1-diagramma)

[23]Ipoteka bank malumotlari asosida muallif tomonidan ishlab chiqildi

1-diagramma

Ipoteka bankning 2021-yildagi asosiy ko'rsatkichlari



Diagramma ma’lumotlaridan ko’rishimiz mumkinki eng katta ulish sanoat 58%,boshqa maqsadlar 29%, qishloq xo’jaligi 3%, savdo umumiy ovqatlanish 3%, transport va aloqa 3%, komunal soha 2%, va qurilishga 2% ni tashkil etgan.

2021-yil III chorak yakuni natijalari ko’ra “Ipotekabank” tomonidan kredit liniyalari bo’yicha ajratilgan kreditlar va ulushlarini quyidagi keltirilgan jadvaldan ko’rishimiz mumkin.

2-jadval

Ipoteka bank tomonidan 2021 yilda ajratilgan kreditlar miqdori[24]

Kredit turi	Summasi
Kichik biznes sub’ektlariga ajratilgan kreditlar	1,125 trln.
Kichik biznes sub’ektlariga ajratilgan mikro- kreditlar	257,9 mlrd.
Yosh oilalarga ajratilgan kreditlarning umumiy miqdori	156,8mlrd.
Yosh oilalarga ajratilgan mikro-kreditlar	16 mlrd,
Yosh oilalarga ajratilgan ipoteka kreditlari	131,7 mlrd.
Yosh oilalarga ajratilgan iste’mol kreditlari	91 mlrd.
Yosh oilalarga ajratilgan iste’mol kreditlari	124 mlrd.
Kasb-hunar kollejlari bitiruvchilarining tadbirkorlik loyihalariga berilgan kreditlar	27,7 mlrd.
Oilaviy tadbirkorlik va hunarmandchilikni rivojlantirishga ajratilgan mikrokreditlar	14,5 mlrd.
Xizmat ko’rsatish va servis sohalarini rivojlantirish uchun ajratilgan kreditlar	237,6 mlrd.
PQ-1047 sonli qarorga asosan oziq-ovqat tovarlari ishlab chiqarishga ajratilgan kreditlar	157,4 mlrd.

[24]Ipoteka bank malumotlari asosida muallif tomonidan ishlab chiqildi

PQ-1050 sonli qarorga asosan nooziq-ovqat tovarlari ishlab chiqarishga ajratilgan kreditlar	277,6 mlrd.

Jadval malumotlaridan ko’rishimiz mumkinki “Ipotekabank” tomonidan biz tahhil qilayotgan yo’nalish “Yosh oilalarga ajratilgan ipoteka kreditlari bo’yicha 131,7 mlrd so’m ajratilgan bolib bu Yosh oilalarga ajratilgan kreditlarning umumiy miqdori yaniy 156,8 mlrd so’mning qariyb 84% ni tashkil qiladi va jadvalda keltirilgan kreditlarning umumiy summasining qariyb 9% ni tashkilqiladi.

Jadvalda keltirilgan kreditla rsummasining foiz ko’rinishidagi ulushini quyidagi 2-diagramma orqali kuzatishimiz mumkin.

2-diagramma

Ipoteka bank tomonidan 2021-yilda ajratilgan kreditlarda yosh oilalarga uchun ipoteka kraditining ulishi (*foizlarda*)[25]



Diagramma ma’lumotlaridan ko’rishimiz mumkinki Ipoteka bank tomonidan ajratilgan kreditlar umimiy miqdorida 1493,325 mlrd so’mni tashkil qilib 100% ulishda yosh oilalar uchun ajratilgan ipoteka krediti ulishi 8,8% ni tashkil etib summasi 131,7 mlrd.so’mga teng.

Biz yuqorida “Ipoteka bank” tomonidan ajratilgan kreditlarniva ularning miqdo’rini (so’mda) ko’rib chiqqan bo’lsak endi bu kreditlarni bank tomonidan berilishida o’rnatilgan kredit stavkalari bilan o’raganib tahlil qilamiz, quyidagi keltirilgan 3-jadvalda “Ipoteka bank” tomonidan beriladigan kredit stavkalari keltirilgan

[25]Ipoteka bank malumotlari asosida muallif tomonidan ishlab chiqildi

3-jadval

2021-yilda Ipotekabankning kredit stavkalari bo'yicha ma'lumit (tarif)

№	Kredit nomi	Foizi
1.	Investision xarakterdagi kreditlar	Yillik 14 % dan plyus oylik 0,1-1%;
2.	Kapital qurilishni moliyulashtirishga yo'naltirilgan kreditlar	Yillik 14 % dan plyus oylik 0,1-1%;
3.	Xizmatlar sohasini rivojlantirishga yo'naltirilgan kreditlar	Yillik 14% dan plyus oylik 0,2-1%;
4.	Aylanma mablag'ni to'ldirishga yo'naltirilgan kreditlar	Yillik 14%dan plyus oylik 0,1-1%;
5.	Kichik biznes sub'ektlariga ajratilgan kreditlar	Yillik 14% dan plyus oylik 0,1-1%;
6.	Kasb hunar kollejlari bitiruvchilarining o'z bizneslarini yo'lga qo'yishlari uchun mikro-kreditlar	Markaziy bankning qayta moliyalash stavkasi asosida
7.	Yosh oilalarga o'z bizneslarini ochishlari uchun mikrokreditlar	Markaziy bankning qayta moliyalash stavkasi asosida
8.	Lizing amaliyotlari uchun	Yillik 14 % dan plyus oylik 0,35-1%;
9.	Qishloq xo'jalik texnikalarini sotib olish ushun yo'naltirilgan kreditlar	Yillik 14 % dan plyus oylik 0,1-1%;
10.	Baliqchilik tashkilotlariga ajratilgan kreditlar	Yillik 14 %
11.	Chorvachilik, parrandachilik, baliqchilik, asalarichilik xo'jaliklari uchun urug' va ko'chatlar sotib olish issiqxonalar qurish va intensiv bog'lar yuratish maqsadida yo'naltirilgan kreditlar	Yillik 14 % dan plyus oylik 0,1-1%;
12	Yosh oilalarga ajratiladigan ipoteka kredit stavkalari	Yillik 7%,

Jadval ma'lumotlarini tahlil qiladiganbo'lsak, bank tomonidano'rnatilgan kreditfoiz stavkalarida eng kamfoizliulishni yosh oilalaruchun ajratiladigan ipoteka kreditlari hisoblanadi. O'z o'rnida bu ham bank tomonidan yosh oilalarga qilinayotgan etiborga yaqqol misoldir.

Bank tomonidan uy-joyga muhtoj fuqarolar arzon xonadonlarga ega bo'lish bo'yicha quyidagi tartibda murojaat etishlari lozim:

Viloyatlarda shahar (Toshkent shahrida tuman) hokimliklarida tashkil etilgan hududiy komissiyasiga yozma ravishda ariza bilan murojaat etiladi.

Tashkil etilgan hududiy komissiya tomonidan fuqaroni uy-joyga muhtojligi bo'yicha mezonlardan kelib chiqqan holda o'rganib chiqiladi va ushbu fuqaroga qurilayotgan ko'p xonadonli uy-joydan xonadonlardan biri biriktiriladi.

Shu vaqtning o'zida xonadon qiymatining kamida 25 foiz miqdoridagi boshlang'ich badal mablag'lari fuqarolar tomonidan Ipoteka bank filiallarida shakllantirilishi lozim;



Ko'p kvartirali uy-joylar qurib bitkazilganidan so'ng, Ipoteka-bankning tegishli filiallariga ushbu biriktirilgan xonadonni sotib olish uchun ipoteka krediti ajratishni so'rab ariza bilan birgalikda quyidagi hujjatlar taqdim etiladi:

Qarz oluvchining (birgalikda qarz oluvchining) pasporti asl nushasi (bank tomonidan nusxalar olinadi);

- qarz oluvchi (birgalikda qarz oluvchi) tomonidan oxirgi 12 oyda olingan daromadlari to'g’risida ma'lumotnoma.

Ipoteka bank tomonidan quyidagi shartlarda imtiyozli ipoteka kreditlari ajratiladi:

- **Kredit muddati** - 20 yil
- **Imtiyozli davr** - 3 yil
- **Kredit uchun foiz to'lovlari** - dastlabki besh yilda yillik 7%, keyingi yillarda Markaziy bankning amaldagi qayta moliyalashtirish stavkasida.

Ipoteka krediti sotib olinadigan uy-joy qiymatining 75 foizi miqdorigacha beriladi.

Fuqaro kredit olish jarayonida quyidagi harajatlarni amalga oshiradi:

- uy-joy sotib olish bilan bog’liq hujjatlarni rasmiylashtirish bo'yicha xarajatlar;
- kreditning butun davrida sotib olingan uy-joyni sug’urta qilish bo'yicha xarajatlar.

Ipoteka bank tomonidan uy-joyga muhtoj deb topilgan fuqaroga biriktirilgan honadonni sotib olish uchun imtiyozli ipoteka krediti ajratiladi va ushbu ipoteka kreditini fuqaro tomonidan 20 yil davomida har oyda belgilangan to'lovlarni amalga oshirilishi lozim.

Imtiyozlar:

- Qarz oluvchini (oila a'zolar) kredit bo'yicha oylik to'lovlarni so'ndirish uchun yo'naltirgan daromadlari soliqqa tortilmaydi.

- Korxonalarning qaytib olmaslik sharti bilan o'z xodimlariga ipoteka kreditining boshlang’ich badalini to'lagan daromadi soliqqa tortilmaydi.
- Kredit hisobiga sotib olingan xonadon bo'yicha kredit to'liq qaytgunga qadar mol-mulk solig’i to'lanmaydi.

Xulosa sifatida aytish mumkinki ko‘rilgan chora-tadbirlar va qilingan ishlar oilalarni zamonaviy, sifatli, shinam uy-joy bilan ta’minlashga, qishloqda yangi muhandislik-kommunikatsiya, ijtimoiy va bozor infratuzilmasini shakllantirishga ko‘maklashdi, qishloqlar va shaharlarning qiyofasini yangi darajaga ko‘tarish va shu asosda qishloq hamda shahar aholisining hayot darajasini yaxshilash va dunyoqarashini o‘zgartirish imkonini berdi. Shu bilan birga, ushbu sohani o‘rganish aholining real ehtiyojlari va xarid qobiliyatini, shuningdek milliy mentalitetni va qishloq vashahar joylarda yashash sharoitlarining xususiyatlarini to‘liq hisobga olib qurilish samaradorligini oshirishga yo‘naltirilgan prinsipial jihatdan yangi yondashuvlarni ishlab chiqish zarurligini ko‘rsatdi.

Бектемиров А. *– СамИСИ, «Инвестиция ва инновациялар» кафедраси мудири, проф. в.б. и.ф.д. (DcS),*
Маликова Д.М. *– СамИСИ, «Банк иши» кафедраси ассистенти,*
Пирназаров У.Н. *– СамИСИ магистранти*

БАНК КРЕДИТ ПОРТФЕЛИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: Мақолада банк кредит портфели тушунчаси, кредит портфели сифати, тижорат банкларининг кредит портфели таснифи, банк кредит портфелини шакллантириш ва уни бошқаришни такомиллаштириш бўйича таклифлар келтирилган.

Аннотация: В статье представлены понятие кредитного портфеля банка, качество кредитного портфеля, классификация кредитного портфеля коммерческих банков, формирование кредитного портфеля банка и предложения по совершенствованию управления им.

Калит сўзлар: тижорат банки, кредит портфели, кредит хатари, кредит портфели таснифи, диверсификация

Ключевые слова: коммерческий банк, кредитный портфель, кредитный риск, классификация кредитного портфеля, диверсификация

Тижорат банклари фаолиятининг баркарорлиги ва ракобатбардошлиги уларнинг ресурсларини тўғри ташкил қилиш ва улардан оқилона фойдаланишга боғлиқ.

Кредит ишлаб чиқариш ва инфратузилмани ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда зарур манба ҳисобланади. Бўш маблағларни жалб қилиб, уларни кредит сифатида тадбиркор ва инвесторларга тақдим этадиган тижорат банклари иқтисодий жараёнларда муҳим ўрин тутади.

Банкнинг кредит портфели – бу маълум бир санадаги банкнинг кредит актив операциялари бўйича асосий қарз қолдиқлари йиғиндисидир.

“Банклар бизнес-моделларининг корпоратив мижозларга хизмат кўрсатишга йўналтирилганлиги, нобанк молия ташкилотлари, инновациялар ва ахборот тизимларининг суст ривожланганлиги сабабли молиявий оммабопликнинг паст даражадалиги натижасида, бошқа мамлакатларда жисмоний шахслар ва корпоратив мижозларга ажратилган кредитлар бир меъёрда тақсимланган бир вақтда, мамлакатимизда жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар жами кредит портфели ҳажмининг 19 фоизини, корпоратив мижозларга ажратилган кредитлар эса 81 фоизни ташкил этмоқда.

Шу боис, кредитлашнинг ўсиш суръатлари мўътадиллигини таъминлаш ва кредит портфели сифатини яхшилаш”[26] Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб берилган.

Тижорат банклари томонидан мижозларга таклиф қилинаётган кредит турлари хилма-хилдир. Улар бир-биридан нафақат кредит шартлари, муддати ва кредит мақсади билан фарқланмасдан, балки давлат томонидан олиб борилаётган макроиқтисодий сиёсат, алоҳида олинган банкнинг миссияси, кредит сиёсати стратегияси, активлар портфели диверсификацияси, рискларни бошқариш сиёсати ва бошқа омиллар таъсирида шаклланади.

Банкларнинг кредит портфели кредитларнинг қуйидаги турларидан шакллантирилади:

- Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг алоҳида чора-тадбирлари ҳамда давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий дастурларини амалга оширилиши билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштириш учун бериладиган мақсадли кредитлар;
- банк кредитлари;
- синдициялашган кредитлар;

[26] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” ги ПФ-5992-сонли Фармони

• хорижий кредит линиялари ҳисобидан эркин айирбошланадиган валютада бериладиган кредитлар;

• банк кафолатлари.

Банклар одатда кредит портфелини бир қанча мезонларга кўра таснифлайди (1-чизма).



1-чизма. Тижорат банкларининг кредит портфели таснифланиши

Маълумки, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда тижорат банкларининг кредит сиёсатига, уларнинг кредит портфели ва унинг сифатига, ундан фойдаланиш даражасига катта эътибор берилади. Чунки, кредит портфелининг тўғри ташкил қилиниши банкларнинг самарали фаолият юритаётганлигидан далолат беради.

Тижорат банклари кредит портфелини самарали бошқаришда унинг сифати муҳим аҳамият касб этади. Банк кредит портфели сифати ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилашда қуйидаги вазифаларни бажариш талаб этилади:

• кредит хатари даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларни баҳолаш;

• ссудаларни хатар гуруҳлари бўйича таснифлаш;

• кредит хатарини прогноз қилиш мақсадида қарз олувчининг кредитга лаёқатлилик даражасини ва унинг молиявий аҳволи ўзгариши эҳтимолини аниқлаш;

• муаммоли ссудаларни олдиндан аниқлаш;

• яратилаётган заҳираларни етарлилигини баҳолаш ва уни ўз вақтида таъминлаб бориш;

• кредит қўйилмаларини диверсификация қилиш, уларнинг ликвидлилигини ва даромадлилигини таъминлаш;

• банкнинг кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни кредит портфелининг сифатли таҳлилига асосланган ҳолда юритиш.

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, фикримизча, банк кредит портфелини бошқаришни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Банкларнинг кредит портфели ўсишини оптималлаштириш ва кредитларнинг концентрациялашуви таваккалчиликларини камайтириш учун биринчи навбатда кредитларни тармоқ хусусиятига кўра диверсификация даражасини ошириш лозим. Кредит портфелини диверсификациялашдан мақсад кредит портфелини муайян нисбатларда иқтисодиётнинг турли соҳаларига тақсимлаш орқали кредитларни қайтариш бўйича хатарни камайтиришдан иборат, чунки кредит портфели ичида диверсификация кредитлар концентрацияси билан боғлиқ хатарларни камайтиради. Бунинг учун ҳар бир тижорат банкида кредитланаётган тармоқ корхоналарига нисбатан кредитлаш лимитлари жорий этилиши лозим. Кредитлаш лимитлари кредитларнинг асосий кисмини маълум тармоқда тўпланиб қолишига йўл қўймайди.

2. Республикамизнинг барча банкларида кредитлаш шаклларидан тўлақонли тарзда фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

3. Банк тизими йирик қарздорларининг қарз юкларини тартибга солиш керак.

4. Маълумки, қарз олувчилар томонидан мажбуриятларининг вақтида бажармасликлари ўз навбатида кредит портфелининг сифатига салбий таъсир кўрсатади. Шундай экан, қарз олувчиларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили услубларини такомиллаштириш зарур.

Тижорат банклари кредит портфелини бошқаришда юқоридагиларга амал қилиш, банкнинг кредит фаолияти самарадорлигини, ўз навбатида, банкнинг фойдасини ҳам оширади.

Ф.М.Даминов – *СамИСИ, катта ўқитувчи*

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИГА НИСБАТАН ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР ТАҲЛИЛИ

Аннотация: мазкур мақоладан интеграцион жараёнларга нисбатан назарий ёндашувлар таҳлили натижалари акс эттирилган

Калит сўзлар: иқтисодиёт, иқтисодиёт субъектлари, тижорат банклари, олий таълим ташкилотлари, интеграция, интеграцион моделлар

Аннотация: в данной нашли свое отражение результаты анализа научно теоритических основ интеграционных процессов

Ключевые слова: экономика, субъекты экономических отношений, коммерческие банки, учреждения высшего образования, интеграция, модели интеграции.

Сўнгги йиллар давомида жамият ҳаётининг барча соҳаларида турли шакл ва якуний натижага эга бўлган интеграцион жараёнлар кучайиб борди. Бу бир томондан глобал даражадаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳамкорлик алоқаларининг ошиб бориши, иккинчи томондан фаолиятнинг иқтисодий самарадорлига таъминлашда бошқа мамлакатлар ва алоҳида олинган хорижий фуқаролар имкониятларидан фойдаланишга эътибор қаратилиши, учинчи томондан трансакцион харажатларнинг маълум қисмининг бошқа иштирокчилар зиммасига ўтказишга интилиш тенденциянинг ривожланиши, тўртинчи томондан юзага келаётган муаммоларнинг бартараф этишда миллий имкониятларнинг чегараланиб қолиши ва бешинчи томондан ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тизим субъектлари манфаатларининг ўзаро мувофиқлик нуқталарининг кўпайиши билан изоҳланиши мумкин. Шу билан биргаликда технологик ишланмаларнинг кенг жорий этилиши, рақамлаштириш жараёнларининг глобал сиёсат даражасига чиқарилиши интеграцион жараёнлар шакллантираётган оқибатларнинг кенг тадқиқ этиш заруриятини юзага келтирди.

Қайд этиш лозимки, интеграцион жараёнларнинг моҳияти, роли, аҳамияти ва оқибатларига нисбатан кўплаб илмий ёндашувлар мавжуд. Ҳар бир илмий ёндашув интеграцияга институционал шакл, амалга оширилиш даражаси, босқичлари ва бошқа хусусиятларни эътиборга олган ҳолда шаклланган. Шу билан бир қаторда, маълум манбаларда интеграция жараён сифатида кўриб чиқилган бўлса, бошларида мавжуд ҳолат сифатида

ёндашилган. Интергацияга нисбатан ёндашувларнинг турли туманлиги (иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, глобал, минтақавий, тамоқлараро ва бошқалар) ҳамда диссертация иши олдига қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда иқтисодий интеграциянинг моҳияти ва аҳамиятига нисбатан илмий назарий ёндашувларни таҳлил этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Иқтисодиёт субъектлари ўртасидаги интеграцион жараёнларнинг назарий хусусиятлари бир қатор олимларнинг илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топган. Хусусан, Е.М.Ласкина[27] интеграциялашган бирлашмаларни бошқариш масалаларини тадқиқ этиш асосида "...интеграцион трансформациянинг ўзига хос хусусиятлари биринчидан, интеграцион иқтисодиётнинг ўз-ўзини тартибга солувчи фаолият механизмининг шаклланиши, иккинчидан, минтақавий хўжаликларни мезоиқтисодий тартибга солиш инструментлари ва усулларининг сифат жиҳатдан ўзгариши ва учинчидан, интеграцион жараёнларнинг мухторий ва ўз-ўзи учун етарли бўлишида ифодаланади. Бу билан боғлиқ ҳолда минтақадаги интеграцион жараёнларнинг асосий шакли кластердир" деган хулосага келган.

Т.А.Андреева корхоналарда сифат менежменти ва стратегик бошқарувнинг интеграцияланган тизимларини ривожлантириш масалаларини тадқиқ этишда[28] қайд этишича: "Замонавий иқтисодиётда интеграция – асосий тенденциялардан бири. Интеграция турли хўжалик субъектлари ёки бошқарув тизими элементларига нисбатан қўлланилиши мумкин. Шундай қилиб, корхоналарни бирлаштириш жараёни сифатида интеграциянинг бош мақсади – шундай интеграцион тузилмани ташкил этишки, у нафақат фойда олиш ва корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, бозордаги ибарқарор ҳолатини ҳамда узоқ муддатли истиқболда ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятининг даромадлилигини кафолатлаши лозим".

Е.Ф.Герштейннинг таъкидлашича, "...иқтисодиётда интеграция унинг элементлари ўртасида ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрбошлаш ва истеъмол жараёнларида ўзаро мувофиқ фаолият юритишнинг янги шаклларининг пайдо бўлиши ҳамда тизимнинг яхлитлик хусусиятларининг кучайишида ўз ифодасини топади". Унинг фикрича, интеграциянинг моҳияти тизимнинг тарқоқ элементлари ўртасида ўзаро алоқадорликни ўрнатишдан иборат: "...мавжуд алоқаларни чуқурлаштириш, кучайтириш тизимлаштириш; алоқалар сонини кўпайтириш ва янги алоқаларни юзага келтириш; тизимда янги

[27]Е.М.Ласкина. Управление интеграционным иобразованиями в региональнойэкономической системе. Автореферат диссер.на соис.учен.степ.канд.экон.наук. Кострома. 2012

[28]Т.А.Андреева. Развитие интегрированной системы менеджмента качества и стратегического управления предприятий промышленности. Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. Саратов. 2016

интеграцион хусусиятларнинг пайдо бўлиши, корхоналар ўртасидаги алоқалардаги мувофиқлик; тизим таркибий тузилмасининг ўзгариши...”[29].

Худди юқоридаги каби бевосита тижорат банклари ва олий таълим муассасалари ўртасидаги интеграцион алоқаларнинг мазмуни ва моҳияти юзасидан ягона илмий ёндашув ҳозиргача ишлаб чиқилмаган. Жумладан, А.Р.Шагимуллиннинг “Олий таълим тизимида интеграцион жараёнларни бошқариш” номли илмий ишида: “Олий таълим тизимида интеграция – бу интеграцияланган тизим субъектлари ўртасида турли алоқаларни ўрнатиш, функциялар ва ролларни тақсимлашга қаратилган бошқарув жараёни бўлиб, ўзгараётган шароитга мослашиш, ривожланиш ва ўз-ўзини ривожлантириш хусусиятига эга: малакали мутахассисларни тайёрлаш соҳасида давлат ва жамиятнинг долзарб ва истиқболли талабларини қондиришга хизмат қилиш, шунингдек, шахснинг талаблари руёбга чиқаришга кўмак бериш хусусиятларига эга” деган хулосага келган[30].

Л.Р.Магомаеванинг “Рақамли иқтисодиёт шароитида банк инновациялари:назария ва амалиёт” номли илмий ишида [31] интеграцион жараёнларни тижорат банкларида кросс-канал инфратузилмасини ривожлантириш нуқтаи-назаридан таҳлил этилган. Хусусан қайд этилишича, “Банк фаолияти иштирокчилари ўртасидаги самарали, кўп томонли электрон муносабатларни ривожлантириш механизми информацион технологияларга асосланган банклар, банклар ва мижозлар, банклар ва тартибга солиш органлари ўртасида муносабатларни қамраб олувчи кросс-канал инфратузилмани шакллантириш нуқтаи-назаридан кўриб чиқиш зарур. Бу якунда ягона “рақамли банк экотизимини” шакллантиради. Кросс-канал асосида йиғилаётган маълумотлар бошқарув қарорларини қабул қилиш базаси сифатида кўриб чиқилиши лозим. Бундан ташқари мазкур маълумотлар банк инновацияларини жорий этиш доминантини аниқлашда ҳисобга олинадиган муҳим номоддий активдир”.

Т.Н.Ветрова “Банк фаолияти самарадорлигини ошириш йўналишлари ва баҳолаш мезонлари” номли илмий тадқиқот ишида интеграцион жараёнларни банк фаолияти самарадорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан кўриб чиққан. Унинг қайд этишича, “Олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида... банк фаолияти самарадорлиги барча манфаатдор томонларнинг талабларига мос бўлган молиявий-хўжалик фаолиятини олиб бориш натижасида белгиланган

[29] Герштейн, Е.Ф. Дифференциация и интеграция в промышленности: теория и практика развития: автореф. дис. … д-ра экон. Наук. Минск, 1993.

[30]Шагимуллин А.Р. Управление интеграционными процессами в системевысшего образования. Автореферат диссер.на соис.учен.степ.канд.экон.наук. Казань 2012

[31]Л.Р.Магомаева. Банковские инновации в условиях цифровой экономики: теория и практика. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Владикавказ. 2020

тижорат мақсадларига эришиш, барқарор ривожланишга қўшилган ҳисса, шунингдек, ижобий ва салбий экстериалийлар ҳамда замонавий банк бизнесидаги тенденцияларни ҳисобга олиш даражаси сифатида аниқланиши мумкин”[32].

Юқорида келтирилган илмий манбалар таҳлили интеграция, интеграцион жараёнларнинг юзага келиши ва уларнинг оқибатлари юзасидан ягона тўхтамга келинмаганлигидан далолат беради. Шу билан бир қаторда илмий манбаларда келтирилган хулоса ва таклифлар бир қатор муҳим саволларга жавоб топиш имкониятини бермайди. Жумладан:

1. Интеграцион жараёнларни амалга ошириш моделлари таркибида юқори самарали ва етарли даражада самарали бўлмаганлари мавжуд. Нима учун аксарият ҳолатларда айнан етарли даражада самарали бўлмаган моделлар танланади? Нима учун сенергетик самараси юқори бўлган моделлар эътибордан четда қолади? Нима учун инвестицион натижадорлик даражаси энг юқори бўлган таълим соҳасининг инвестицион жозибадорлиги етарли эмас?

2. Амалга оширилаётган интеграцион жараёнлар моддий бойликларни ишлаб чиқаришга нисбатан кўпроқ қайта тақсимлаш тизимларини, иқтисодиётда рақобат муҳитни эмас, балки монополияларнинг шаклланишини рағбатлантиради. Интеграцион жараёнларнинг қандай қоидалари моддий бойликларни ишлаб чиқиш, демакки, аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлашни қўллаб-қувватлайди, қайсилари эса йўқ? Интеграцион жараёнларнинг қандай моделлари мамлакат олдида турган мураккаб вазифаларни амалга оширишда энг юқори самара беради?

3. Аҳолининг турмуш даражасини белгилаб берувчи асосий кўрсаткичлардан бири бўлган моддий бойликларнинг етарлилик даражаси билан бир қаторда иқтисодий ривожланишнинг муҳим хусусиятларидан бири меҳнат унумдорлигининг тўхтовсиз ўсиб бориши ҳисобланади. А.Смитнинг сўзларига кўра, “...бой миллатлар хос бўлган хусусият меҳнатнинг унумдорлигидир”. Аммо нега меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи иқтисодиётдаги энг катта муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Меҳнат унумдорлигини юқори даражасига эришиш учун қандай соҳалар ўртасида чуқур интеграцион алоқаларни ўрнатиш зарур? Интеграцион алоқалар қандай шакл ва тартибда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ?

4. Таълим соҳасига инвестицияларни қандай тартибда ва қандай йўналишларда киритилиши лозим? Мазкур инвестициялар ва интеграцион жараёнлар ўртасидаги узвий алоқадорлик қандай тартибда шакллантирилиши лозим?

[32]Т.Н.Ветрова. Критерии оценки и направления повышения эффективности банковской деятельности. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва. 2019

5. Давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бозор муносабатлари асосида тубдан янги иқтисодий муносабатлар тизимига ўтиши, режалаштириш соҳасида йиғилган бой тажрибанинг эътибордан четда қолишига олиб келди. Бунинг натижасида бугунги кун ва ўтмиш ўртасида жиддий тафовут юзага келди. Ўз навбатида юз бераётган ўзгаришлар бугунги кун ва келажак ўртасида узилишларни пайдо қилиши мумкин. Мантиқан бундан келиб чиқадиган савол: Биз нималарни қўлдан чиқардик, нималарни қайта тиклашимиз керак ва улардан қандай фойдаланишимиз лозим бўлади.

Хамроев М.С. *- СамИСИ доцент в.б.,*
Ғаниев Шермуҳаммад *- СамИСИ магистранти*

КИЧИК ВА ЎРТА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ КРЕДИТ ОРҚАЛИ МОЛИЯВИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШНИНГ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИНИ ҚЎЛЛАШ

Аннотация: Мазкур мақолада бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда кичик бизнес аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол эҳтиёжларини таъминлаш шунингдек рақобатни ривожлантириш ва натижада маҳсулотлар ва хизматларнинг сифати ўсишини яхшилаш масалалари кўриб ўтилган, ҳамда ушбу тажрибаларни ресубликамизда қўллаш амалиёти ҳақида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: кичик бизнес, кредит, молиявий соғломлаштириш

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы занятости малого бизнеса в развитых странах с рыночной экономикой, потребности потребителей, а также развития конкуренции и, как следствие, роста качества продукции и услуг, а также практика применения этих практик в нашей стране. .

Ключевые слова: малый бизнес, кредит, финансовое оздоровление.

Annotation: This article discusses the employment of small businesses in developed countries with market economies, the needs of consumers, as well as the development of competition and, as a result, the growth of the quality of products and services, as well as the practice of applying these practices in our country.

Key words: small business, credit, financial recovery.

Кичик бизнес бозор иқтисодиётининг таркибий қисми ҳисобланади. У бозор хўжалик юритишининг бошланғич шаклини ташкил этади, кичик

ҳажмли ишлаб чиқаришда намоён бўлади ва ўзига хослиги ва ўзига хос функционал мақсади билан давлатлар учун алоҳида аҳамиятга эга.

Иқтисодий Энциклопедияда кичик бизнеснинг қуйидаги афзалликлари кенг эътироф етилган: ҳаракатчанлик, истеъмолчи талабидаги ўзгаришларга тезда мослашиш қобилияти, корхонанинг оқилона ташкилий тузилиши, кичик партиядаги янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш тезлиги, кичик ишлаб чиқариш харажатлари[33].

КЎБ - Европа иқтисодиётининг асосидир. Улар Европа Иттифоқидаги барча корхоналарнинг 99 фоизини ташкил қилади. Сўнгги беш йил ичида улар 85% иш жойларини яратдилар ва ЕИда хусусий секторда банд бўлганларнинг учдан икки қисмини таъминладилар. Европа Комиссияси кичик ва ўрта корхоналар ва тадбиркорликни иқтисодий ўсишни, инновацияларни, иш ўринларини яратиш ва ЕИда ижтимоий интеграцияни таъминлашнинг муҳим субъектлари деб билади. Европа Иттифоқи мамлакатлари иқтисодиёти бўйича кичик ва ўрта корхоналарни қамраб олиш қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:

1) Европа Иттифоқи давлатларининг кичик ва ўрта корхоналарида ишловчилар сони - 93 миллион киши;

2) шундан 67% нодавлат секторда, хусусан савдо соҳасида банддир;

3) қўшимча қийматнинг 57% кичик ва ўрта корхоналар ҳиссасига тўғри келади;

4) Иш билан таъминланганларнинг 80 фоизи кичик ва ўрта бизнесда ишламоқда (энг муҳим тармоқлар бизнес хизматлари, турар жой ва озиқ-овқат хизмати, қурилиш).

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича Европа Комиссиясининг вазифалари[34]:

1. Кичик бизнес тўғрисидаги қонун (СБА). Бу кичик ва ўрта бизнесга нисбатан Европа Иттифоқи сиёсати учун асосдир. У Европада тадбиркорликка ёндашувни яхшилашга, кичик ва ўрта корхоналар учун тартибга солиш ва сиёсий муҳитни соддалаштиришга ва уларнинг ривожланишидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган.

2. КЎБ субъектлари фаолияти ҳақида умумий маълумот. КЎБ субъектлари самарадорлигини таҳлил қилиш асосий воситалардан биридир. Комиссия ундан Кичик бизнес тўғрисидаги қонунни амалга оширишда мамлакатларнинг эришган ютуқларини кузатиш ва баҳолаш учун

[33] Мочерний С.В. Економічна енциклопедія: у 3-х т. Т. 1 / Ред. кол. С. В. Мочерний (відп. ред.) та ін. – К.: Видавничий центр «Академія», 2000. – 235 с.

[34] European Union. URL: https://europa.eu/european-union/business/finance-funding_en/

фойдаланади. Ушбу шарҳда Европа Иттифоқи ва бошқа шерик-давлатларда КЎБ фаолияти тўғрисида маълумотлар келтирилган.

3. Кичик ва ўрта корхоналар учун "яшил" тадбирлар режаси. У кичик ва ўрта бизнесга "яшил иқтисодиёт"га ўтишда ёрдам беришга қаратилган. Бу кичик ва ўрта бизнесга экологик муаммоларни бизнес имкониятларига айлантириш имконини беради.

4. КЎБ субъектларининг минтақавий сиёсати. КЎБ субъектларининг кенг базасини қўллаб-қувватлаш минтақанинг иқтисодий ривожланиши, унинг бойлиги ва барқарорлиги учун жуда муҳимдир. Комиссия таҳлилларни ўтказади, илғор тажрибалар, дастурлар ва сиёсий ташаббуслар тўғрисида маълумот тарқатади.

ЕИ томонидан молиялаштириш ҳар қандай ҳажмдаги ва сектордаги компаниялар учун, шу жумладан тадбиркорлар, бошланғич ташкилотлар, микрофирмалар, кичик, ўрта ва йирик корхоналар учун мавжуд. Молиялаштиришнинг кенг доираси қуйидагиларни ўз ичига олади: бизнес учун кредитлар, микромолиялаш, кафолатлар ва венчур капитал. Ҳар йили Европа Иттифоқи икки юз мингдан ортиқ корхоналарни қўллаб-қувватлайди (1-жадвал).

1-жадвал

Европа Иттифоқида КЎБ субъектларини қўллаб-қувватлаш учун дастурлар*

№ Т/р	**Дастур ёки фондниг номи**	**Кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг мазмуни**
1.	COSME - Кичик бизнес тўғрисидаги қонунни амалга ошириш учун дастур	2014 йилдан 2020 йилгача ишлайдиган ва 2.3 миллиард евро бюджетигаега бўлган Европа Иттифоқидаги кичик ва ўрта корхоналарнинг рақобатбардошлик дастури. COSME кичик ва ўрта бизнесни қуйидаги йўналишларда қўллаб-қувватлайди: - молиявий ресурслардан фойдаланиш; - байналмилаллаштириш ва бозорга киришгакўмаклашиш; - рақобатдошлик учун шарт-шароитлар яратиш; - тадбиркорлик маданиятини тарғиб қилиш
2.	InnovFin (Горизонт - 2020)	InnovFin орқали "Инноваторлар учуе Европа Иттифоқи Молияси" дастури туфайли, ЕИБ Гуруҳи (Европа инвестиция банки ва Европа инвестиция фонди) ҳар

		қандай ўлчамдаги ва ёшдаги компаниялар, ташкилотлар учун тадқиқот ва инновацияларга 25000 евродан бошлаб молиялаштиришни таъминлай олади. Ушбу шароитлар стартаплар, кичик ва ўрта корхоналар, илмий-тадқиқот институтлари, ташкилотлар, илмий-тадқиқот ишланмалари билан шуғулланадиган университетлар учун қўлланилади.
3.	Ижодий Европа	Фаолиятнинг маданий ва ижодий соҳаларида ишлайдиган кичик ва ўрта корхоналарга бериладиган кредитлар. Бундай фаолият маданий, бадиий ёки ижодий кўринишларни ўзида мужассам этган товарлар ва хизматларни яратиш, ишлаб чиқариш, тарқатиш ва сақлашни ўз ичига олади. Ушбу секторга архитектура, архив ва кутубхоналар, бадиий ҳунармандчилик, аудиовизуал (кино, телевидение, видео ўйинлар ва мултимедиа), маданий мерос, дизайн, фестиваллар, мусиқа, ижрочилик санъати, нашриёт, радио ва тасвирий санъат киради.
4.	Бандлик ва ижтимоий инновациялар дастури (EaSI)	EaSI фонди - 200 000 000 евро миқдоридаги кредит жамғармаси. У микромолия ташкилотлари ва ижтимоий корхоналар кредиторларига микрокредитлар ва ижтимоий корхоналарни, шу жумладан ўзини иш билан банд бўлганлар ва заиф одамлар ишлайдиган корхоналарни, шунингдек, ижтимоий корхоналарни кредитлашни кучайтириш учун кредитлар беради.

*муаллиф ишланмаси

Шундай қилиб, КЎБ ривожланиши учун шароитларни яхшилаш учун ушбу иқтисодий секторда халқаро кредитлаш тажрибасини қўллаш зарур. Банк тизимининг мақсадли комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришни кредитлар билан таъминлашда давлатнинг иштироки бозор иқтисодиёти субъектлари ўртасида тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, иқтисодиётнинг барча соҳаларида ишлаб чиқаришни ўсишини рағбатлантириш учун зарур шартдир. Таклиф этилаётган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши иқтисодиётнинг жозибадор соҳаларидан бири бўлган банклар ва КЎБ субъектлари ўртасида кредит муносабатлари даражасининг ўсишига ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Ш.М.Мирзиёев 2018 йил 29 июнда «ЎзбекистонРеспубликасинингсолиқ, сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тутрисида»ги ПФ- 5468-сонли Фармонида кўрсатиб ўтилган еттинчи тизимли муаммо «**Махаллий солиқ ва йигимларнинг маъмуриятчилиги механизмларининг самарасизлиги оқибатида уларнинг йигилувчанлик даражаси етарли эмаслиги, шунингдек, кўчмас мулк ва ер участкаларини тўлиқхисобга олиш ва қийматини объектив аниқлашнинг имкони мавжуд эмас»** лиги хисобланади.

Шунингдек солиқ хизмати органлари билан кадастр ташкилоти маълумотлар базасининг ўзаро тулиқ интеграциялашмаганлиги окибатида солиқ туловчиларнинг маълумотларида номувофиклик юзага келмокда. Кадастр дастурларида куйидаги камчиликлар куринмокда:

- кадастр рақами берилган объектнинг эгаси билан хакикатдаги эгасининг бошкалиги. Кадастр рақами терилганда мулк эгаси бошка шахс бўлиб чикади.

- битта мулк эгасининг номига бир нечта кадастр ракамлари бириктирилган.

- кадастр ташкилоти дастурга объект киритганда бу объект солиқ органи базасига маълумот киритилган куннинг узида куринмайди. Солиқ органи дастурига кириниши учун 1-3 кун ўтиши керак. Солиқ туловчини кадастр ташкилоти кадастр базасига киритгач солиқ тулашга келганда солиқ тулаш имкони мавжуд эмас.Сабабисолиқ туловчи солиқ органининг базасига кўринмайди. Солиқ тўловчи 3 кундан сўнг қайтиб келиши лозим.

Кадастр ташкилоти дастурининг тўғри шакллантирилмаганлиги солиқ ундиришда нокулайликларни, солиқ туловчилар сони ва базасини аниклаш

имконияти мураккаблаштирмоқда. Фукаролар солиқ тўлаш учун куп вакт сарфламокда. Бу халкаро солиқ тулаш учун кетадиган вакт меъёридан жуда юкори.

3-жадвал

Кўчмас мулк солиғининг элементлари

№	Солиқ элементлари	Изох
1	Солиқ туловчилари	Кўчмас мулк эгалари ва ижарачилар
2	Солиқ объекти	Ер ва мулклар (ер устидаги бино, иншоот ва бошкалар)
3	Солиқ базаси	Бозор қиймати ёки бахолаш органлари томонидан бозор якинлаштирилган бахоланган қиймат
4	Кўчмас мулк қийматини аниклаш усуллари	Даромад усули, харажат усули, таққослаш усули
5	Кўчмас мулкни бахоловчи органлар	Солиқ органлари, бахолаш органлари
6	Солиқ ставкаси	Катъий ва фоизларда
7	Имтиёз	Ижтимоий катлам доирасидаги ахолига берилади.
8	Солиқ тури	Махаллий

Ушбу жадвал маълумотларидан кўринадики, солиққа тортиш максадида кўчмас мулкни қийматини бозор бахоларида белгиланиши асосий солиқ базаси хисобланади.

Кўчмас мулкни кадастр ёки бозор нархига якин килиб белгиланиши мулкнинг рақобатбардошлигини ошириб, мулк эгасининг хукукларини ҳимоя қилишга хизмат килади. Кўчмас мулк қийматини аниклаш усулларининг турли хиллиги иккала томоннинг узаро манфаатларига хизмат килади.

Хулоса ва таклифлар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги“2022 -2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармонига асосан **«Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари»** деган тамойил асосида ислоҳотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Ҳаракатлар стратегияси ҳар бир соҳада улкан ислоҳотларни амалга ошириш билан бошланган бўлса, Тараққиёт стратегиясида эса мазкур ислоҳотлар узвийлиги таъминлангани ҳолда давом эттирилади, тўпланган катта тажриба ва имкониятлар асосида ислоҳотлар янада қатъийлик ва жадаллик билан такомиллаштирилиб борилади. Бунда натижадорлик коэффициенти ортиб, олиб бориладиган ислоҳотларнинг самарадорлиги ортади.

Хусусий мулк дахлсизлиги ва ҳимояси кафолатларини кучайтириш, мулкий, шу жумладан ер участкасига бўлган ҳуқуқларни сўзсиз таъминлаш борасида алохида мақсадлар белгилаб олинган.

Хозирги кунда жисмоний шахслар эгалигидаги мол-мулк ва ер

солиқларини хисобга олишда, белгиланган тартибда солиқлар хисобланишида, имтиёзлар куллашда ва бошка бир катор солиқ элементларини хисобга олишда такрорланишлар ва ер солиғи хисоблашнинг мураккаблиги мавжудлиги солиқ туловчилар учун кийинчилик ва муаммоларнит туғдирмокда.

Жумладан:

- бир объект учун иккита шахсий карточка юритилади;
- бир объект учун иккита хисоб ракамга тўловлар амалга оширилади;
- солиқ туловчилар битта объект учун иккита хисоб ракамга туловларни тулашлари лозим.

Юкоридагилардан келиб чикиб куйидагиларни таклиф киламиз:

1. Ривожланшган давлатлар тажрибасидан келиб чикиб, мол-мулк ва ер солиқларини бирлаштириб кўчмас мулк солиғини жорий этиш.

Бунинг натижасида солиқни хисоблаб чикариш механизми соддалашади, адолатлилик, шаффофлик принципи таъминланади. Солиқни хисобини юритиш, тўлаш жараёни соддалашиб унинг харажатлари камаяди.

2. Дастурий махсулотда ишлаш тезлиги ошади.

3. Жисмоний шахсларга тегишли булган 7 млн дан ортик шахсий карточка камаяди.

4. Жисмоний шахсларга тегишли булган мол-мулк ёки ер солиғидан карздорлик мавжуд ортиқча тўловлар хисобидан камаяди.

5. Солиқни тўлаш механизми соддалашади.

Э.Н.Ходжаев *- СамИСИ профессори,*
З.Жўраев *- СамИСИ магистранти*

ҲИМОЯГА МУҲТОЖ АҲОЛИ ҚАТЛАМЛАРИГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ИЖТИМОИЙ МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАРНИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Мақолада аҳолини ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш каби масалалар ёритилган

Калит сўзлар: ижтимоий таъминот, имтиёзлар, компенсациялар, нафақалар

Аннотация: В статье рассматриваются такие вопросы, как финансирование расходов на социальную защиту, оказание услуг социальной защиты

Ключевые слова: социальное обеспечение, пособия, компенсации, пенсии.

Annotation: The article deals with such issues as financing the costs of social protection, the provision of social protection services

Key words: social security, benefits, compensations, pensions.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқ харажатлар доирасига пул маблағлари билан давлат томонидан яшаш ва ҳаётий фаолияти учун барча шарт-шароитларни яратишга мақсадли хизматларни кафолатлашни таъминлаш тизимига ижтимоий-молиявий хизматлар кўрсатиш деб эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий молиявий хизматда икки асосий йўналишни ажратиб кўрсатиш мумкин: аҳолини ижтимоий таъминлаш ва давлат ижтимоий кафолатларни таъминлаш. Аҳолига ижтимоий таъминот хизматларига пенсия таъминоти (ушбу таркибда етакчи уринни эгаллайди), нафақалар билан таъминлаш, аҳолининг айрим табақалари учун белгиланган имтиёзлар ва компенсациялар тизми ва ижтимоий хизмат кўрсатишни ўз ичига олади.[42]

Иккинчи йўналиш эса жамиятнинг бир меъёрда ривожланишини, яъни соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва соғломлаштириш, шунингдек, турар жойга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш билан боғлиқ хизматларни қамраб олади.

Аҳолини ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш қуйидагиларни қарам олади:

- жамият аъзоларига кун кечириш учун зарур эҳтиёжнинг энг кам миқдорини таъминлаш ва муҳтожларга моддий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ молиявий хизматлар;

- турмуш даражасини оширишга қаратилган хизматлар кўрсатиш;

- фуқароларнинг ўзлари учун қонунга зид келмайдиган ҳар қандай йўллар билан тирикчилик воситаларини ҳеч бир тўсиқсиз ишлаб топишлари учун имкон берадиган шарт-шароитлар яратиш, бунда жамият имкониятлари ва ўзига хос миллий анъаналарни ҳисобга олиш билан боғлиқ хизматлар;

- ёлланиб ишлаётганларга қулай шароитларни таъминлаш, уларни саноат ишлаб чиқаришининг салбий таъсир кўрсатишидан ҳимоя қилиш билан боғлиқ ижтимоий хизматлар кўрсатиш;

- жамият аъзоларининг экологик хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш.

[42]Зайналов Д.Р. Проблемы инновации, направленной на поддержку социальной защиты и стимулирование работников. – Самарканд: Сам ИЭС, 2008. -20 с.

Қуйидаги 1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ҳукуматимиз томонидан ҳар йили икки мартадан кам бўлмаган ҳолатда, энг кам ойлик иш ҳақи, ёшга доир пенсиялар, болаликдан ногиронларга бериладиган ҳамда ижтимоий нафақалар миқдорлари ошириб келинмоқда. Ушбу сиёсатнинг ўзи ҳам аҳолига кўрсатиладиган молиявий хизматларни тўлақонли адо этилаётганини англатади, десак хато бўлмайди.

2014 йил 10 декабрдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори энг кам иш ҳақи миқдори 49735 сўм ташкил этган бўлса ушбу кўрсаткич 2019 йил 1 августидан аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини қатъий ошириб бориш, аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларни янада ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароитларни яратиш ҳамда республика фуқароларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори кўрсаткичи жорий этилди ва 634880 сўмни ташкил этди.

Тараққий этган мамлакатларда, шунингдек Ўзбекистонда ҳам ижтимоий хизматлар тизимининг асосий йўналиши бўлиб пенсия таъминоти билан боғлиқ хизматлар ҳисоланади. Дунёнинг кўпчилик мамлакатларида пенсия тўловлари ҳам асосан меҳнаткашларнинг иш ҳақларидан ажратмалар ёрдамида шакллантириладиган пенсия жамғармалари кўрсатаётган хизматлар ҳисобидан амалга оширилиб келинмоқда. Республикамиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар таркибида давлат пенсия ва нафақаларни тақдим этиш хизматлари муҳим урин эгаллайди. Мамлакатимизда қариганида касаллигида, меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотганида боқувчисидан маҳрум бўлганида моддий таъминлаш ҳуқуқи Республика Конституциясига мувофиқ ижтимоий таъминотнинг турли шакллари билан кафолатланганлиги боис ҳам уларга турли ижтимоий фондлардан кўрсатиладиган молиявий хизматларни янада ривожлантириш зарур бўлади.

Шу ўринда айтиш мумкинки, ижтимоий таъминот хизматлари ҳар қандай мамлакат ижтимоий-иқтисодий ўсишида муҳим аҳамият касб этади. Иккиланмасдан қайд этиш лозимки, молиявий хизматлар ва унинг самараси мамлакат ривожланишини, аҳолининг турмуш даражасини ва савиясини таъминлашда ҳал қилувчи ўрин тутади.

1-жадвал

Ўзбекистон белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи, пенсия ва нафақалар миқдори, сўмда*

Сана	Энг кам ойлик иш ҳақи	Ёшга доир пенсия	Болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа	Зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа
01.08.2010	45215	88845	88845	54265
01.12.2010	49735	97285	97285	59690
01.08.2011	57200	111875	111875	68645
01.12.2011	62920	123060	123060	75510
10.08.2012	72355	141520	141520	86835
01.12.2012	79590	155670	155670	95520
15.08.2013	91530	179020	179020	109850
15.12.2013	96105	187970	187970	115340
01.09.2014	107635	210525	210525	129180
15.12.2014	118400	231575	231575	142100
01.09.2015	130240	254730	254730	156310
01.10.2016	149775	292940	292940	179755
01.12.2017	172240	336880	336880	206720
15.07.2018	184300	360460	360460	221190
01.11.2018	202730	396500	396500	243300
01.08.2019	634880	436150	436150	267650*

* Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2019 йил 12 июлдаги ПФ-5765-сон Фармонига асосан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (634880 сўм), базавий ҳисоблаш миқдори (223000 сўм), пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори (223000 сўм) жорий этилган.

Мамлакатимиз ижтимоий молиявий хизматларни тақдим этишни ислоҳ қилиш сиёсати изчиллик билан амалга ошириш жамият тараққиётида ва янгиланиш жараёнида энг муҳим бўғин, жамиятдаги демократик ўзгаришларнинг, иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг зарур шарти бўлиб ҳисобланиши лозим.

Бугунги кунда ижтимоий молиявий хизматларни турли йўналишларда тақдим этишда истеъмолчиларга (пенсионер, ногиронлар ва ҳ.з.) уларни хилма-хил талабини қондиришга қаратилган кўплаб молиявий хизмат турларини кўрсатиш зарурияти келмоқда. Шулардан бири молиявий агент хизматидир.

Кўпгина тараққий этган мамлакатларда бундай хизмат турлари фондларни хизмати ҳам деб юритилади.[43]

Молиявий агент аҳолини ижтимоий муҳтож қатламларига талаб этилган пул маблағларини етказиш ва бир вақтни ўзида уларга (уларни ҳоҳишига кўра) турли молиявий хизматларни тақдим этишлари мумкин бўлади. Ҳозирги кунда бундай хизмат турларини айрим ижтимоий муҳтож аҳолини қатламига почта ходимлари томонидан тақдим этилиб келинаётган булсада ҳам, улар томонидан кўрсатилган фаолият доираси чекланган бўлиб ҳисобланади. Улар ҳозирги кунда аҳолини қатламларига молиявий хизматларни тақдим этишда билим даражаси ёки малакаси етарли эмас.

Шундай қилиб аҳолини ижтимоий муҳтож қатламларига молиявий хизматларни кўрсатишни молиявий институтлар томонидан амалга оширилиши муҳимдир, яъни банклар, суғурта компаниялари, пенсия фондлари шулар жумласидандир.

Айтиш жоизки ҳозирги кунда фақат биргина пенсия ёшидаги ногирон томонидан 1 ойда 10 дан ортиқ хизмат турларига эҳтиёж юзага келмоқда. Улар бундай хизматлардан фойдаланишда 1 ойда 60 соатдан 100 соатгача вақт сарфлашларига тўғри келмоқда, тўғри айрим хизмат турларини телефон орқали ҳам амалга ошириш мумкин, яъни тез ёрдам, такси, таомлар ва шу кабилар. Аммо бундай хизмат турларидан фойдаланиш катта харажатларни талаб этади. Бизнинг тадқиқотларимиз шуни натижасида ҳисобланган маълумотларга таянадиган бўлсак, унда молия агенти томонидан кўрсатиладиган хизматлар, аҳолини ижтимоий муҳтож қатламини вақт сарфини 60-65% қисқартириши, пул маблағлар харажатларини 40-50%га тежаб қолиш имкониятини беради. Уларни вақтдан ва малағдан ютиши ва иқтисод қилиб қолиши маблағларни 1 йилда 1 маротаба 10 кунлик санаторияга бориб дам олишларига ёки даволаниш учун етарли бўлиб ҳисобланди.

Молиявий агент хизмати аҳолини ижтимоий муҳтож қатламини тўловга лаёқатлигини таҳлил қилиши, товар етказиб берувчиларни махсулотга тўловини гаров билан таминлаш, қарз бериш рискини қабул қилиш, қарз ундириш, турли ҳисоботларни улар талаби асосида юритиш каби ишларни амалга оширишларида бош қош бўлишлари мумкин бўлади.

Умуман олганда молиявий агент хизматини аҳолининг ижтимоий муҳтож қатламларига тақдим этиш улар учун қулай хизмат тури ҳисобланади.

Шунинг билан бирга, ушбу хизмат туридан барча корхоналар, молиявий институтлар ва бошқа хизмат кўрсатувчи корхоналар манфаатдор бўлишлари мумкин.

---

[43]Бекмуродов А. Тижорат банкларида факторинг хизмат кўрсатишининг устувор йўналишлари// Бозор, пул ва кредит. №7, 2013 йил. – 14 б.

Молиявий агент хизматининг яна бир афзалликларидан бири аҳолини ижтимоий муҳтож қатламларини хизмат кўрсатишда уларни кўп сонли ходимлар хизматларидан фойдаланиш заруриятига эҳтиёж тўғдирмайди.

Молиявий агент хизмати аҳолини ижтимоий муҳтож қатламинни пул маблағларини самарали сарфлаш, жамғариш, харажат қилишни кафолатлайди. Аҳолининг бундай қатламига хизмат кўрсатишда ноқонуний харакатларини юзага келтиришга йўл қуймади. Шу боис ҳам аҳолининг ижтимоий муҳтож қатламларига молиявий агент хизматини тақдим эттиришни қонунийлаштириш ва бундай масъулиятли ишни молия тизими ходимларига юклаш мақсадга мувофиқдир.

Ф.М.Даминов – *СамИСИ катта ўқитувчиси*

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ ТИЗИМИДА ИНТЕГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ТАҲЛИЛИ

Аннотация: мазкур мақолада жаҳон олий таълим тизимида кузатилаётган интеграцион жараёнларни ўрганиш натижалари ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: олий таълим, интеграцион жараёнлар, стратегик мақсадлар, рейтинг тизими

Аннотация: в данной статье отражены итоги анализа интеграционных процессов в мировой системе высшего образования

Ключевые слова: высшее образование, интеграционные процессы, стратегические цели, система рейтинга.

Бир қатор илмий манбаларда таълим интеграцияси доир масалалар уч даражага гуруҳланган тарзда кўриб чиқилиши тавсия этилади[44]:

- олий таълимнинг макродаражадаги интеграцияси. Макродажадаги таълим интеграцияси глобаллашув жараёнида юзага келган халқаро таълим майдони (майдонлари), халқаро ва миллий ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик натижаси, шунингдек, жаҳон олий таълими тизимидаги ўзгаришлар

[44]Хусусан, Renc-Roe J, Roxå T. The Internationalisation of a university as local practices: a case study. Education Inquiry. 2014; (1):127–148. DOI: 10.3402/edui.v5.24048.; Brooks JS, Normore AH. Educational leadership and globalization: literacy for a glocal perspective. Educational Policy. 2010; 24(1):52–82. DOI: 10.1177/0895904809354070. V.S. Laputsky/Integrative processes in education: new challenges for Belarus. Journal of the Belarusian State University. Sociology. 2020;4:112–119.

динамикаси сифатида талқин қилинади. Бундай ёндашувни таниқли олимлар Р. Робертсон, З. Бауман, Ш. Айзенштадт, Ж. Урри, Т. Рокс, Ж. Брукс, А. Норморларнинг илмий ишларида кўришимиз мумкин;

- олий таълимнинг мезодаражадаги интеграцияси. Ушбу даражада миллий таълим тизимининг баналминаллашувининг ташкилий жиҳатлари таҳлил этилади ва байналминаллашув субъектлари аниқланади. Интеграцион жараёнларнинг мазкур йўналиши М. Арчер, П. Бурдьё, Э. Гидденс каби олимларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган;

- олий таълимнинг микродаражадагн интеграцияси. Ушбу йўналишдаги тадқиқотлар интеграцион жараёнлар иштирокчилари (талабалар, профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар) томонидан тўпланган тажрибанинг эмперик таҳлилига асосланган. А. Шютц, П. Бергер, Т. Лукман ва бошқа олимлар ўз тадқиқотларини айнан шу тарзда амалга оширишган.

Олий таълим соҳасида интеграцион жараёнлар бўйича амалга оширилган тадқиқотлар аҳамиятли бўлишига қарамасдан, фикримизча, мазкур йўналишдаги муаммолар ва ривожланиш тенденциялари юзасидан тегишли хулосалар чиқариш учун етарли эмас. Бизнингча, олий таълим тизимидаги интеграцион жараёнлар динамикаси ва йўналишлари, шакллари ва юзага келиши шароитлари ва бошқа омилларолий таълим ташкилотларининг стратегик мақсадлари нуқтаи назаридан тадқиқ этилиши мақсадга мувофиқ. Чунки стратегик мақсадлар интеграцион жараёнларни юзага келтириши ёки келтирмаслиги мумкин. Бу қўйилган мақсадларнинг мазмун ва моҳиятига боғлиқ. Бундан келиб чиққан ҳолда олий таълим тизими томонидан ишлаб чиқилган стратегик мақсадларни таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

Фикримизча, умумий ҳолатда олий таълим ташкилотларининг стратегик мақсадлари таълим бўйича халқаро рейтингларнинг асосий кўрсаткичлари орқали ифодаланади.

QS Rankings маълумотларига кўра, 2022 йил рейтингида биринчи тўрт ўринни эгаллаган олий таълим ташкилотлари: Массачуес технология институти (2020 йилда 1-ўрин, 2021 йилда 1-ўрин, 2022 йилда 1-ўрин), Оксфорд университети (2020 йилда 4-ўрин, 2021 йилда 5-ўрин, 2022 йилда 2-ўрин), Стэндфорд университети (2020 йилда 2-ўрин, 2021 йилда 2-ўрин, 2022 йилда 3-ўрин), Кэмбриж университети (2020 йилда 7-ўрин, 2021 йилда 7-ўрин, 2022 йилда 4-ўрин). Мазкур рейтинг дастлабки 20 талигида Осиё минтақасидаги жойлашган олий таълим ташкилотларидан 4 таси киритилган: Сингапур

миллий университети (11-ўрин), Наньян технология институти (12-ўрин), Цинхуа университети (17-ўрин), Пекин университети (18-ўрин)[45].

Times Higher Education маълумотларига биноан, жаҳон олий таълим ташкилотларининг 2022 йилги рейтингида 1-ўрин Оксфорд университетига (2020 йилда 1-ўрин, 2021 йилда 1-ўрин), 2-ўрин Калифорния технология институтига (2020 йилда 2-ўрин, 2021 йилда 5-ўрин), 3-ўрин Гарвард университети (2020 йилда 7-ўрин, 2021 йилда 3-ўрин), 4-ўрин Стэнфорд университети (2020 йилда 4-ўрин, 2021 йилда 2-ўрин). Рейтингнинг биринчи 20 талигига киритилган Осиё минтақасида жойлашган олий таълим ташкилотларидан фақат иккитаси, яъни Пекин университети (2020 йилда 24-ўрин, 2021 йилда 23-ўрин, 2022 йилда 16-ўрин), Цинхуа университети (2020 йилда 23-ўрин, 2021 йилда 20-ўрин, 2022 йилда 17-ўрин) киритилган[46].

Academic Ranking of World Universities нинг 2021 якуни бўйича рэнкингида 1-ўрин Гарвард университетига (2020 йилда 1-ўрин), 2-ўрин Стэнфорд университетига (2020 йилда 2-ўрин), 3-ўрин Кэмбриж университетига (2020 йилда 3-ўрин), 4-ўрин Массачуес технология институтига (2020 йилда 4-ўрин). Осиё минтақасидан бирорта ҳам олий таълим ташкилоти биринчи 20 таликка киритилмаган[47].

2021 йил якунида олий таълим ташкилотлари учун 30 тадан ошиқ халқаро рейтинглари ва 60 тадан ошиқ миллий рейтинглар эълон қилинган. Хусусан, Nonprofit Colleges Online томонидан эълон қилинадиган “50 Richest universities in the world: university endowment rankings” да олий таълим ташкилотлари бюджетлари ҳажми бўйича тегишли ўринлаш берилади. 2021 йил якуни бўйича мазкур рейтингда 1-ўрин 41,9 млрд.долларлик бюджетга эга бўлган Гарвард университети, 2-ўрин Йель университети (31,1 млрд.доллар), 3-ўрин Стэнфорд университети (29 млрд.доллар), 4-ўрин Принстон университети (26 млрд.доллар), 5-ўринда қирол Абдуллоҳ номидаги илмий технологик университети (20 млрд.доллар) берилган [48] . Шунингдек, Round University Ranking томонидан эълон қилинадиган “World Reputation Rankings” да олий таълим ташкилотларининг обрў-эътибори рэнкинги[49], энг йирик олий таълим ташкилотлари рэнкинги (2021 йилда Ҳиндистондаги Indira Gandhi National Open University да 4 млн.талаба, Бангладешдаги National University да 2 млн.

[45] QS Quacquarelli Symonds Limited расмий сайти https://www.topuniversities.com/university-rankings/world-university-rankings/2022 маълумотлари асосида

[46]Times Higher Education.https://www.timeshighereducation.com/world-university-rankings/2022/world-ranking#!/page/0/length/25/sort_by/rank/sort_order/asc/cols/stats маълумотлари асосида

[47] Shanghai Ranking Consultancy https://www.shanghairanking.com/rankings/arwu/2021маълумотлариасосида

[48]Nonprofit Colleges Online расмий сайтиhttps://www.nonprofitcollegesonline.com/wealthiest-universities-in-the-world/ маълумотлари асосида

[49] Round University Ranking аналитик агентлиги https://roundranking.com/ranking/reputation-rankings.html#t-2021

талаба, Туркияда Anadolu University да 1,9 млн.талаба, Эрондаги Islamic Azad University да 1,5 млн.талаба таълим олган[50]).

Халқаро рейтинг ва рэнкингларда келтирилган маълумотлар асосида қуйидаги хулосаларни қайд этиш мумкин:

биринчидан, олий таълим ташкилотлари нуфузли халқаро рейтинглардаги ўз ўрнини эгаллаш ва уни мустаҳкамлаш учун юқори рейтинг бали бериладиган йўналишлардан бири бўлган илмий нашрларга устуворлик беришлари лозим бўлади. Буни стратегик мақсадлардан бири деб ҳисоблашимиз мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси" да назарда тутилган стратегик вазифалардан бири: "...республикадаги камида 10 та олий таълим муасса сасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш" ҳисобланади[51]. Фикримизча, стратегик мақсаднинг бундай ифодаланиши бир қатор муаммоларни юзага келтиради:

ортиқча "қоғозбозлик"нинг юзага келиши. Рейтингда иштирок этиш ва тегишли балл олиш мақсадида илмий ишларни фақат аниқ белгиланган нашрларда чоп этиш учун инглиз тилига ўгириш, талабларга мослаштириш (тадқиқотлар ва иқтибосларнинг энг муҳим мезонлари инглиз тилидаги нашрлардан олинади). Бу эса ортиқча меҳнат сарфи ва молиявий харажатларни талаб қилади;

рейтинг кўрсаткичларини яхшилишга устуворликнинг берилиши ривожланаётган (хусусан Ўзбекистон) олий таълим ташкилотларида таълим жараёни ва илмий-тадқиқотлар сифатига ижобий таъсир ўтказмайдиган (формал) нашрлар сонининг кўпайиши. Ва бунинг натижасида олий таълим соҳасида фаолият юритувчи тадқиқотчилар хулоса, таклиф ва тавсияларига бўлган ишончнинг пасайиб кетиши;

рейтинг кўрсаткичларини ҳисоблашда олий таълим ташкилотларининг таркибий тузилмасининг (таркибга кирувчи институтлар, факультетлар ва бошқа бўлинмалар шунингдек, фаолият юритувчи профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар сони) эътиборга олинмаслиги. Бунда ҳатто ҳарбир ходимга

[50] https://www.unipage.net/ru/universities_ranking маълумотлари асосида

[51] Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон; 30.04.2020 й., 06/20/5987/0521-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.11.2021 й., 06/21/3/1037-сон

тўғри келувчи илий нашрлар сони бўйича ҳам ўзаро мослик таъминланмасдан қолади (жумладан, ҳаммуаллифдаги нашрлар);

кўплаб олий таълим ташкилотлари ўз фаолиятини ташкил этишда жаҳоннинг юқори рейтингли университетлари ва институтларига “тақлид қилиш” (ўқув режалари, таълим технологиялари ва бошқалар бўйича) натижасида йиллар давомида шаклланган анъаналар ва йиғилган тажрибанинг йўқотилиши.

Ушбу муаммолар билан қаторда, олий таълим тизимида мақсаднинг бундай белгиланиши, фикримизча, олий таълим ва иқтисодиёт субъектларининг стратегик мақсадлари ўртасидаги номутаносибликни юзага келтиради.

иккинчидан, таълим сифатини баҳолашда қўлланиладиган мезонларнинг мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадлари ва белгиланган вазифалар, иқтисодиёт тармоқлари фаолиятининг узоқ муддатли прогнозлари параметрлари, техник ва технологик инновацияларнинг келажакдаги таъсири муаммоларидан фарқланиш юзага келган. Хусусан, Times Higher Education рейтингидаги таълим сифати бўйича ажратилган 30 балл қуйилаги мезонлар орқали ҳисобланади:

обрў-эътибор бўйича сўровнома (Reputation survey) 15 балл;

ходимлар ва талабалар ўртасидаги нисбат (Staff-to-student ratio) 4,5 балл;

докторантура ва бакалавриат ўртасидаги нисбат (Doctorate-to-bachelor’s ratio) 2,25 балл;

илмий даражасига эга бўлганлар ва академик персонал ўртасидаги нисбат (Doctorates-awarded-to-academic-staff ratio) 6 балл;

илмий-тадқиқотлар натижасида олинган даромад (Institutional income) 2,25 балл[52].

[52] Times Higher Education. https://www.timeshighereducation.com/world-university-rankings/2022/world-ranking#!/page/0/length/25/sort_by/rank/sort_order/asc/cols/statsмаълумотлариасосида

Д.Ю.Тулаев – Ўзбекинвест ЭИСК АЖ Самарканд
вилоят филиали директори,
М.Хамроев – СамИСИ доц.в.б.,
А.Мелиев – СамИСИ магистранти

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СУҒУРТА ФАОЛИЯТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: Ушбу мақолада суғурта хизматлари истеъмолчилари ва суғурта бизнесининг бошқа субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, суғурта саводхонлиги ва аҳолининг суғуртага бўлган ишончини ошириш, суғурта бозорининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, хусусан, узоқ муддатли суғурта суғуртасини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинади.

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы усиления защиты прав потребителей страховых услуг и иных субъектов страхового дела, повышения страховой грамотности и доверия населения к страхованию, обеспечения открытости и прозрачности страхового рынка, в частности развитие долгосрочной срочное страхование.

Ключевые слова: страхование, страхование жизни, накопительное страхование, инвестиционные фонды, гарантийный фонд.

Annotation: This article discusses the issues of strengthening the protection of the rights of consumers of insurance services and other subjects of the insurance business, increasing insurance literacy and public confidence in insurance, ensuring openness and transparency of the insurance market, in particular, the development of long-term insurance.

Key words: insurance, life insurance, endowment insurance, investment funds, guarantee fund.

Мамлакатни модернизация қилиш шароитида кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратишда суғурта фаолияти субъектларининг ўрни бениҳоя катта бўлмоғи лозим. Бошқачароқ таъриф берадиган бўлсак, иқтисодиётни янада эркинлаштириш жараёнини тегишли бозор инфратузилмаси, яъни банк-молия тизими, лизинг, аудиторлик, суғурта, инжиниринг ва бошқа тузилмаларни ривожлантирмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас.

Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимизда бугунги кунда 30 дан ортиқ суғурта компанияси фаолият юритмоқда. Соҳага оид қонунчиликнинг

такомиллашиб боришида йирик анжуманлар, кўргазмалар, ташкил этилаётган семинар ва ўқув машғулотларида бу борадаги ютуқ ҳамда камчиликлар таҳлил қилиб борилаётгани ҳам ёрдам бераётир. Уларда мамлакатимиз ва хорижлик мутахассислар соҳадаги янгиликлар, тармоқни ривожлантириш истиқболлари, мамлакатимиз иқтисодиётини сармоялашда суғурта бозорининг аҳамиятини кучайтириш масалалари бўйича тажриба ва фикр алмашмоқда, ҳаётни суғурталаш бозорини ривожлантириш, мамлакатимиздаги молия, тадбиркорлик ва банк фаолиятига оид таваккалчиликлар билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинмоқда.

Мамлакатимизда кечаётган ижобий ўзгаришлар суғурта бозори иштирокчилари фаолияти мисолида ҳам яққол намоён бўлаётгани бугун юртдошларимиз эътироф этишмоқда. Масалан, “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти тақдим қилган маълумотларга назар ташлайлик. Жамият тизимида суғурта даъволарни кўриб чиқишни такомиллаштириш ҳамда мижозларга етказилган зарарни тез муддатда тўлаб бериш самарадорлиги доимий равишда ошириб борилмоқда. 2017 йилда жами 96,7 миллиард сўмлик суғурта тўловлари амалга оширилган. Ялпи суғурта мукофотлари тушуми 133,8 миллиард сўмни ташкил этган. Шу жумладан, аҳоли суғуртаси тури бўйича 46,1 миллиард сўм, қишлоқ хўжалиги суғуртаси турлари бўйича 37 миллиард сўм суғурта мукофотлари тушумига эришилди [53] . Бундан ташқари, “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти маҳаллий суғурта бозорида қарийб барча суғурта компаниялари билан чиқувчи ва кирувчи қайта суғурта хизматларини кўрсатиш бўйича ҳамкорлик қилиб келмоқда. Халқаро алоқаларни ўрнатиш масалаларида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилган. Қайта суғурта фаолиятини янада ривожлантириш, уни жаҳон стандартларига мослаштириш каби масалаларда чет эл суғурта ва қайта суғурта компаниялари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилган. Жумладан, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Буюк Британия, Германия сингари ривожланган давлатлар қайта суғурта компаниялари ва брокерлари билан алоқалар бор.

Аҳоли соғлиғи ёки мол-мулкига бахтсиз ҳодиса оқибатида зарар етганда унга молиявий кўмак бериш ҳам суғурта компаниясининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Мижознинг суғурта ҳодисаси юзасидан мурожаатини имкон қадар тез кўриб чиқиб, суғурта қопламасини ўз вақтида тўлаб бериш эса суғурталовчининг нуфузини белгилаб беради.Жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компания¬си томонидан жами 2594 та суғурта даъвоси кўриб чиқилиб, 6 млрд. сўм суғурта қопламаси тўланганлигини кўриш мумкин. Шундан қарийб 4,6

[53] www.mf.uzЎзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий сайти маълумотлари асосида

млрд. сўми юридик шахсларга ажратилган бўлса, 1,4 млрд. сўми жисмоний шахслар улушига тўғри келади.2018 йилнинг ҳар ойида ўртача 864 та суғурта даъвоси кўриб чиқилиб, асосан, ипотека суғуртаси, транспорт воситаларининг ихтиёрий суғуртаси, мол-мулк суғуртаси, ихтиёрий тиббий суғурта, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномалари бўйича қопламалар тўланди. Амалга оширилган қопламаларнинг 72 фоизи ёки 4,3 млрд. сўми ихтиёрий, 28 фоизи ёки 1,7 млрд. сўми мажбурий суғурта турларидан иборат.Жорий йилнинг биргина март ойида содир бўлган суғурта ҳодисалари бўйича берилган даъво аризаларининг кўриб чиқилиши натижасида етказилган зарарларни қоплаш учун мижозларга 1 млрд. сўмдан ортиқ маблағ тўланган.[54] Агар уларни тармоқлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, нефтни қайта ишлаш соҳасида ихтиёрий транспорт воситаси суғуртаси бўйича 177 млн. сўм, темирйўл состави суғуртаси бўйича 156 млн. сўм қопламалар тўланганлигини кўриш мумкин.

Ҳозирги вақтда хизмат кўрсатиш сектори нафақат муайян давлат, балки бутун жаҳон иқтисодиётида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси бўйича бешта устувор йўналиш қабул қилинди. Ушбу ҳужжат аслида жамиятнинг барча жабҳаларида тизимли ислоҳотлар учун “йўл харитаси”га айланди. Бугунги кунда хизматлар ва хизматлар соҳаси халқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан биридир. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга ошириш, республикада хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни рағбатлантириш ҳисобига ижобий натижаларга эришилди.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг алоҳида аҳамиятга эга бўлиши ва Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш нуқтаи назаридан унинг ЯИМдаги улушини ошириш зарурати бир қатор шартлар билан белгиланади, жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасининг кенгайиши ва ривожланиши барқарор иқтисодий ўсиш ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради (айниқса, иқтисодиётнинг юқори технологияли тармоқларида хизматларнинг ўсиши).Ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 50,0 фоиздан ошади (Жаҳон банкининг 2017йил 1 январь ҳолатидаги ҳисоб-китобларига кўра, хизмат даромадлари жаҳон ялпи ички маҳсулотининг тахминан 71 фоизини ташкил қилади. Хизмат кўрсатиш

[54]www.mf.uzЎзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий сайти маълумотлари асосида

соҳасида етакчилик қилаётган мамлакатлар орасида Люксембург – 88,5фоиз, Кипр – 87,9 фоиз, Мальта – 85,7фоиз, Дания – 76,8 фоиз, Испания – 75,1 фоиз, Буюк Британия – 79,9 фоиз, Америка Қўшма Штатлари – 77,7фоиз)[55]

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш аҳоли бандлиги масалаларини миллий ва ҳудудий даражаларда ҳал этишга ёрдам беради. Меҳнат сиғими юқори минтақалар мавжудлиги (2017йил маълумотларига кўра, Андижон вилоятида республика аҳолисининг 9,4 фоизи, Наманганда – 8,3 фоизи, Фарғонада – 11,4 фоизи, Қашқадарёда – 9,8 фоизи истиқомат қилади) меҳнат ресурсларини самарали ишлатишни талаб қилади. Иш билан бандликнинг ўсиши хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларининг сони кўпайишини талаб қилади.Шу ўринда мамлакатимизда суғурта фаолияти талаб даражасида шаклланмагани, уни шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда илмий асосда ўрганиш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этадиган масала эканини таъкидлаш ўринли бўларди. Айниқса, иқтисодиёт субъектларининг эркинликлари кенгайиб бораётган, улар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)нинг янги турлари ўзлаштирилиши суғурта фаолиятида риск трансферининг илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш ва такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжни орттирмоқда. Суғурта ишини ривожлантиришда касаба уюшмалари ва суғурталовчилар уюшмалари, суғурта брокерлари, актуарийлари бирлашмалари муҳим ўрин тутади.

Бектемиров А.А. *– СамИСИ таянч докторанти*

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРДА ИШ ВАҚТИ ЙЎҚОТИЛИШИНИНГ САБАБЛАРИ ВА УЛАРНИ БАҲОЛАШ УСУЛИ

Аннотация: мақолада тадбиркорлик субъектларида форс-мажор ҳаолатларда ишчи-хизматчиларнинг асоссиз иш вақтларини йўқотишнинг олдини олиш бўйича илмий асосланган таклифлар берилган.

Калит сўзлар: форс-сажор ҳолатлар, иш кунини фотография қилиш, смена ичидаги йўқотишлар, тўлиқ сменали йўқотишлар, кадрлар қўнимсизлиги.

[55]Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2017 52-б.

Аннотация: в статье приведены научно обоснованные рекомендации по предотвращению необоснованной потери рабочего времени работников при возникновении форс-мажорного обстоятельства.

Ключевые слова: форс-мажор, фотография рабочего дня, внутрисменнқе потери, целосменнқе потери, текучесть кадров.

Abstract: The article provides scientifically based recommendations to prevent unjustified loss of working time of employees in case of force majeure in business entities.

Keywords: force majeure, work day photography, shift losses, full shift losses, staff turnover.

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти самарадорлигини таъминлашнинг омилларидан бири бу кичик бизнес корхоналарида фаолият кўрсатаётган ишчи ва хизматчиларнинг иш вақтларини асоссиз йўқотилишини камайтиришдан иборат. Ҳар бир корхона бу масалага алоҳида эътибор қаратади.

Иқтисодий адабиётларда тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш бўйича жуда кўплаб илмий таклифлар берилган бўлсада, айнан уларда фаолият кўрсатаётган ишчи-ходимларнинг иш вақтларидан самарали фойдаланиш масаласига, иш вақтларини сабабсиз йўқотиш ҳолатларининг вужудга келиш шарт-шароитлари, уларнинг олдини олиш масалаларига кам эътибор қаратилмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, тадбиркорлик субъекталарида фаолият кўрсатаётган ишчи-ходимларнинг иш вақтларини асоссиз йўқотишлари фавқулодда ва ташкилий ҳолатларда рўй берадиган рисклар натижасида вужудга келади. Бундай рискларга машина механизмларнинг тўсатдан бузилиши, турли авариялярнинг рўй бериши, керакли машиналарнинг бўлмай қолиши, оғир қўл мехнатининг мавжудлиги, санитар маиший хоналар етишмаслиги, санитар гигения шароитларининг қониқарсизлиги, жамоат овқатланиш хоналарининг етишмаслиги, жисмоний маданиятни ривожлантиришнинг паст даражаси, ишлаб чиқариш технологияларининг бузилиши, ишлаб чиқаришнинг механизациялашганлик даражаси пастлиги, хавфсиз ишлашга ўргатишдаги камчиликлар, ишчилардан ўз мутахассизлиги бўйича фойдаланмаслик, шахсий техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши оқибатида рўй берадиган рискларни киритишимиз мумкин. Бундай ҳолатда ишчи ва хизматчиларнинг иш вақтларини йўқотиш сабабларини қуйидагича таснифлаш мумкин (1-жадвал)

1-жадвал

Форс-мажор ҳолатларда иш вақти йўқотилишининг сабаблари таснифланиши

Иш вақтининг йўқотилиши	**Иш вақтининг йўқотилишининг сабаблари**
1	2
Смена ичидаги йўқотишлар	
Смена ичидаги бўш қолишлар (простойлар)	Электр энергиянинг тўсатдан узилиши
	Машина ва механизмларнинг тўсатдан бузилиши
	Тасодифий-ташкилий сабаблар
Ортиқча ишлар учун сарфланадиган иш вақтлари:	Лойиҳа хужжатларининг носозлиги
- ишдаги яроқсиз маҳсулотни созлашга	Иш жараёнида лойиҳанинг ўзгартирилиши
	Сифатсиз материаллардан фойдаланиш
	Ишни бажаришда технологиянинг бузилиши
	Ишчиларнинг айби билан
- бошқа унумсиз меҳнатга	Меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг пастлиги
Ишчи кадрлар қўнимсизлиги туфайли	Иш ҳақининг пастлиги
	Меҳнат интизмоининг бузилиши
Тўлиқ сменали йўқотишлар	
Тўлиқ сменали бўш қолишлар (простойлар)	Электр энергиянинг тўсатдан узилиши
	Машина ва механизмларнинг тўсатдан бузилиши
	Тасодифий-ташкилий сабаблар
	Атмосфера шароити туфайли
Ишлаб чиқариш жароҳати туфайли	Машина ва механизмларнинг носозлиги
	Ишлаб чиқариш технологисининг бузилиши
	Ишларнинг механизациялашганлик даражаси пастлиги

Бунда смена ичидаги бўш қолишлар корхонада иш кунини фотография қилиш (ИВФҚ) орқали аниқланади. Корхонанинг йиллик смена ичидаги иш вақтларини йўқотиш миқдорини қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин бўлади:

$$В_{си} = В_{си}^{1} * N * В_{ф} ,$$

бу ерда,

$В_{си}^{1}$ – бир ишчининг смена ичидаги бўш қолиш вақти, % да, ИВФҚ натижалари бўйича олинади;

N – корхонада ишлайдиган ишчиларнинг умумий сони, нафар;

$В_{ф}$– йиллик иш вақти фонди, кунларда.

Тўлиқ сменали иш вақтини йўқотишлар (B_c) корхона ҳисоботлари бўйича аниқланади.

Иш вақтини йўқотишнинг заҳира ҳосил қилувчи қисми қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$B_{ик}^{з} = \sum_{i=1}^{n}\sum_{j=1}^{m} Bij * Kij \qquad \text{ишчи кун,}$$

бунда:

B_{ij} – і-турдаги йўқотишнинг j-сабабга кўра йўқотилган ишчи кунлари сони;

K_{ij} – і-турдаги йўқотишнинг j-сабабга кўра йўқотилган ишчи кунлари миқдорини корхона томонидан йўқотиш мумкинлиги даражасини ифодаловчи коэффицент бўлиб, бунда n- иш вақтини йўқотиш турлари сони (n=1.2……,i), m-мос турлари бўйича иш вақтини йўқотиш турлари сони (m=1,2,……,j).

Иш вақтини асоссиз йўқотиш даражасини пасайтиришни ифодаловчи Kij коэфицент миқдори иккки ҳолга асосланади. Биринчиси K_{ij}- иш вақтини асоссиз йўқотиш даражасини тўлиқ бартараф қилиш, бунда K_{ij}=1 га тенг бўлади. Иккинчиси қисман бартараф қилиш, бунда K_{ij} нинг қиймати 0 билан 1 оралиғида бўлади, яъни **$0< K_{ij} <1$.**

Юқорида келтирилганларга биноан қаралаётган хўжалик субъекти бўйича иш вақтларининг асоссиз йўқотилиш миқдори аниқланади. Уларни бартараф қилиш учун баъзи тадбирлар дастурини тузиш талаб этилади. Масалан қўшимча электр таъминоти ускуналарини заҳиралаш, машина ва ускуналарнинг эҳтиёт қисмларини тайёрлаш, ишчиларга техника хавфсизлиги бўйича қўшимча тушунчалар (инструктаж) бериш ва ҳ.к. Бу корхона фаолиятида қўшимча унумдорликка эришиш имкониятини беради. Корхонанинг қўшимча унумдорлигини аниқлаш учун аввало бир ишчи кунига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳажмини аниқлаш зарур бўлдаи. Бу қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$V_y^1 = \frac{V}{N_{ик}}, \text{ сўм/ ишчи кун,}$$

бунда, V - бажарилган йиллик иш ҳажми, сўмда;

$N_{ик}$- корхонада фойдаланилган йиллик ишчи-кунлари сони.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланишда форс-мажор ҳолатларда иш вақти йўқотилишининг олдини олиш бўйича турли тадбирлар натижасида корхонанинг йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ҳажмини ошириш имкониятига эга бўламиз. Корхонада иш вақтларини йўқотишнинг олдини олишда K_{ij} нинг қийматидан фойдаланамиз. Бу коэффициент **0** билан **1** оралиғида бўлади, яъни **$0< K_{ij} <1$.** Унинг қиймати ишлаб чиқилган

тадбирларнинг самарадорлигига боғлиқ бўлиб, экспертлар ёрдамида аниқланиши мумкин. У ҳолда корхонанинг қўшимча ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ҳажми қуйидагига тенг бўлади:

$$\Delta V = B_{ик}^{з} * V_{у}^{1}$$, сўмда

Бу ифода орқали ишлаб чиқилган тадбирларнинг иқтисодий самарасини аниқлаш имконини беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юқорида берилаётган таклифлар асосида тадбиркорлик субъектларида ишчи-хизматчиларнинг иш вақтларини асоссиз йўқотишнинг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш корхонанинг иқтисодий кўрсаткичларини кескин кўтариш имкониятини беради.

Усмонов П.Ш. *- СамИСИ мустақил тадқиқотчиси*

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришнинг амалдаги ҳолати ва уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш молиявий стратегиянинг муҳим йўналиши эканлиги тадқиқ этилган.

Калит сўзлар:маҳаллий бюджет, даромадлар, харажатлар барқарорлиги, бюджет тушумлари, молиявий тақчиллик, харажатлар монандлиги.

Аннотация: В данной статье рассматривается текущее состояние формирования доходов местных бюджетов и то, как укрепление их финансовой устойчивости является важным аспектом финансовой стратегии.

Ключевые слова: местный бюджет, доходы, стабильность затрат, доходы бюджета, финансовый дефицит, монотонность затрат.

Abstract: This article examines the current state of local budget revenue generation and how strengthening their financial sustainability is an important aspect of financial strategy.

Keywords: local budget, revenues, cost stability, budget revenues, financial deficit, cost monotony.

Мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларининг ривожлантиришдаги ижобий ўзгаришлар ва солиқ қонунчилигини эркинлаштириш, солиқ тўловчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича

кўрилаётган тадбирлар солиқ базасини кенгайтириш ҳамда бюджетга қўшимча молиявий ресурсларни кўпайтириш имкониятларини бермоқди.

Амалдаги солиқ қонунчилигига кўра, республика бюджети даромадларини шакллантирувчи умумдавлат солиқларини тўловчи юридик ва жисмоний шахслар ўз навбатида маҳаллий бюджетлар даромадларини ташкил қилувчи маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ҳам тўловчилари ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикасининг бюджет қонунчилигига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадларига қуйидагилар киради:

-белгиланган нормативларга мувофиқ умумдавлат солиқларидан, шу жумладан: фойда солиғи; айланмадан солиқ; жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи; қўшилган қиймат солиғи; акциз солиғи; ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ; сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлардан ажратмалар;

-маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шу жумладан, мол-мулк солиғи; ер солиғи; айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш учун йиғим;

-юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушган қайтарилмайдиган пул тушумлари;

-бошқа даромадлар киради[56].

Бундан ташқари .... республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар таркибида назарда тутилган қуйидаги маблағлар биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун республика бюджетидан ажратиладиган маблағларни ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига бериладиган бюджетлараро трансфертларни кўпайтириш орқали Молия вазирлиги томонидан қайта тақсимланади[57].

Ўз навбатида, бошқа даромадларга, “давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга беришдан ва сотишдан олинган даромадлар, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига йўналтириладиган давлат божлари, йиғимлар, товон пуллари ва жарима санкциялари, эгасиз мол-мулкни, мерос ҳуқуқи бўйича давлат ихтиёрига ўтган

[56] Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 52-моддаси:

[57] Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги 589-сонли “2020 йил учун ўзбекистон республикасининг давлат бюджети тўғрисида”гиҚонун

мол-мулкни, хазиналарни реализация қилишдан тушган тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар”[58] киради.

Махаллий бюджет даромаларини ўзгариш даражаси йиллар давомида ўсишга эришган жумладан. 2017 йилга нисбатан 2018 йилда 1,65 баробарга ўсганини кўриш мумкин. 2017 йилга нисбатан 2019 йилда 1,65 баробарга ўзгармасдан турганини кўриш мумкин, бунга сабаб юртимизда кириб келган COVID-19 сабаб бўлганини кўриш мумкин.

Маҳаллий бюджетлар даромадлари ўзгариши динамикаси

(*млрд.сўмда)*[59]

Т/р	**Ҳудудлар номи**	**2017 й**	**2018 й**	**2019 й**	**2020 й**	**2021 й**
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	1292,2	2908,1	2953,3	2743,9	1614,2
2.	Андижон вилояти	1264,8	2262,5	2624,6	2105,9	2352,2
3.	Бухоро вилояти	1335,6	1731,2	2409,5	1782,9	1935,4
4.	Жиззах вилояти	715,4	1217,6	1240,9	1058,0	1212,9
5.	Қашқадарё вилояти	1786,6	2973,1	3783,9	2468,8	2570,3
6.	Навоий вилояти	745,3	1542,7	1877,8	1540,9	1535,8
7.	Наманган вилояти	1032,2	1760,4	2237,7	1763,0	1970,6
8	Самарқанд вилояти	1557,3	2568,3	2567,2	2385,6	2657,0
9.	Сурхондарё вилояти	1030,4	1794,5	1844,8	1605,7	1754,7
10.	Сирдарё вилояти	568,5	946,4	816,7	716,5	745,7
11.	Тошкент вилояти	1775,0	2518,6	3721,4	2395,5	3009,8
12.	Фарғона вилояти	2110,9	2405,7	3836,1	2677,3	2904,9
13.	Хоразм вилояти	881,4	1432,5	1467,3	1302,7	1442,7
14.	Тошкент шаҳри	2440,9	3579,7	3752,7	3156,3	4068,6
	Жами	**18536,5**	**29641,3**	**35133,9**	**27702,9**	**29774,8**

Жумладан 2017 йилга нисбатан 2020 йилда 1,53 баробарга тушганини кўриш мумкин бунинг асосий сабаби юртимизга кириб келган короновирус пандемияси бўлиб ҳисобланади. 2017 йилга нисбатан 2021 йилда 1,7 баробарга ўсганини кўриш мумкин. Маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустаҳкамлигини таъминлашда даромадларнинг барқарорлигини таъминлаш муҳим ахамиятга эгадир.

[58] Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 52-моддаси:

[59]“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. №4, август, 2021 йил. ISSN: 2181-1016

Шунингдек, “маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тасдиқланган нормативларга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджети, Тошкент шаҳри шаҳар бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ўртасида қайта тақсимланади”[60].

Амадиётда маҳаллий бюджет даромадлари асосан бевосита маҳаллий бюджетга тушувчи даромадлар ҳамда юқори ташкилотдан ажратма сифатида келадиган даромадлардан иборат бўлади.

Маҳаллий бюджетларнинг ўз даромадлари қанча кўпайса, маҳаллий ҳокимликларнинг бошқариш имкониятлари шунча барқарорлашади ва кенгаяди ва аксинча ҳудудлар иқтисодиёти қанча ривожланса маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ҳам шунча барқарорлашади.

Бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллий бюджетларга бўлган эътибор ортиб, уни ҳар томонлама қўллаб - қувватлаш имкониятлари кенгайиб борган сари, жойларда маҳаллий бюджетлар ҳисобидан бўладиган харажатларнинг ўсиб бориш ҳисобига маҳаллий бюджет даромадларини барқарорлигини таъминлашда муаммоларнинг кўлами кенгайиб бормоқда.

Маҳаллий бюджетлар харажатларини республика бюджетига ундирилган солиқлар ҳисобидан молиялаштириш усулининг кенг қўлланилганлиги, бевосита маҳаллий бюджетлар даромадлари ҳисобланган ер ва мол-мулк солиқларини ҳисоблаш ва ундириш механизмларини такомиллаштириш масалаларига етарлича эътибор берилмаганлигини, маҳаллий бюджетлар харажатлари асосан республика бюджетидан субсидиялаш орқали амалга ошириб келинганлигини кўрсатади. Бу эса ўз навбатида бевосита маҳаллий бюджетларга ундирилувчи маҳаллий солиқлар улушининг камайиб боришига сабаб бўлган.

Маҳаллий бюджетлар даромадини шакллантиришда маҳаллий солиқларнинг аҳамияти ва бу бўйича халқаро тажрибани таҳлил қилиш орқали қуйидаги илмий хулоса ва таклифларни келтиришимиз мумкин бўлади.

-маҳаллий ҳокимият органларига маҳаллий солиқлар бўйича даромадларни шакллантириш, маҳаллий бюджет харажатларини амалга оширишда маълум даражада эркинлик берилиши зарур. Бундай эркинлик берилиши ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

- халқаро амалиётда мамлакатлар миқёсида маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг таркиби турлича эканлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, солиқ солинадиган обектлар ва солиқ солинадиган базалар бўйича ҳам фарқлар

[60] Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 52-моддаси:

кузатилади. Халқаро тажрибани ўрганиш орқали миллий амалиётимиз учун фойдали жиҳатларини мослаштиришда юқорида таъкидланган омилларни инобатга олиш лозим. Акс ҳолда солиқ юки ошиши ва солиқ тўловчиларга салбий таъсир қилиши мумкин.

-маҳаллий солиқлар бўйича самарали механизмни шакллантиришда солиқ маданияти ва маҳаллий шарт-шароитларни ҳам инобатга олиш лозим, чунки бу солиқ ундирувчанлигига таъсир кўрсатадиган жиҳат ҳисобланади.

-халқаро амалиётда ривожланган мамлакатларда маҳаллий солиқларнинг давлат бюджетидаги улуши ривожланаётган мамлакатлардагига нисбатан кескин юқори бўлади. Бу орқали айтиш мумкинки, маҳаллий солиқларнинг давлат бюджетидаги улуши маълум даражада мамлакатнинг иқтисодий ривожланганлиги ва аҳолининг даромадлилик даражасини кўрсатиб беради.

Эрназаров Н.Э. *– СамИСИ мустақил тадқиқотчиси*

ЭГРИ СОЛИҚЛАР ТУРИ БЎЛГАН АКЦИЗ СОЛИҒИНИ УНДИРИШДАГИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Мақолада эгри солиқларнинг моҳияти ва хусусиятлари, мақсади, вазифалари ва муаммолари тадқиқ этилган. Мамлакатда акциз солиғини ундиришдаги ўзига хос хусусиятлари илмий асослаб берилган ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: солиқлар ва солиққа тортиш, эгри солиқлар, акциз солиғи, акцизости маҳсулотлар, акцизости товарларни солиққа тортиш амалиёти.

Аннотация: В статье рассматриваются сущность и признаки, назначение, задачи и проблемы косвенных налогов. Научно обоснованы особенности взимания акцизов в стране и разработаны рекомендации.

Ключевые слова: налоги и налогообложение, косвенные налоги, акцизный сбор, подакцизные товары, практика налогообложения подакцизных товаров.

Abstract: The article deals with the essence and characteristics, purpose, tasks and problems of indirect taxes. The peculiarities of the collection of excise taxes in the country are scientifically substantiated and recommendations are developed.

Key words: taxes and taxation, indirect taxes, excise tax, excisable goods, practice of taxation of excisable goods.

Эгри солиқлар даромадлар ҳаракати ва товарлар ва ишларнинг айланмаси вақтида ушлаб турилади. Ушбу солиқлар товарлар нархига ёки бажарилган ишлар, хизматлар учун тарифларга қўшимча тўлов шаклида мавжуд бўлиб, истеъмолчи томонидан тўланади.

Бугунги кунда солиқларнинг таснифи асосига қараб фарқ қилиши мумкин. Кўпинча солиқлар тўғри ва эгри(бевосита ва билвосита) солиқлар гуруҳига бўлинади, бу фарқ уларни тўлаш манбаи аниқ қаерда шаклланганига боғлиқдир.

Аслида, эгри солиқ ишлаб чиқарувчи томонидан сотилган товарлар ёки хизматларнинг таннархига киритган қўшимча тарифдир. Бироқ, харидор бу қўшимча тўловни тўлаши керак. Сотувчи шунчаки воситачи бўлиб, у маржани белгилайди ва ҳисоб-китоблар охирида уни бюджетга тўлайди.

Яна шуни айтиш мумкинки, истеъмол бўйича мажбуриятлар эгри солиқлар сифатида таснифланади. Яъни, бюджетга бундай тўловлар ўз эҳтиёжлари учун, яъни истеъмол эҳтиёжлари учун сотиб олинган объектлардан тўланади. Бундай мажбуриятлар истеъмол тўловлари деб ҳам аталади.

Эгри **солиқлар ичида акциз солиғининг таснифланиши:**

- индивидуал эгри солиқлар - бу акциз солиғи бўлиб, акциз солиғи алкоголли ичимликлар (шу жумладан маълум бир акцизости маҳсулотлар), сигареталар, бензин ва бошқа маҳсулотлардан олинади.

Акциз солиғи ижтимоий компонентга ҳам эга - ундан фойдаланиш аҳоли учун зарарли бўлган товарлар - алкогол ва сигаретлардан ундирилади. Акциз солиғи ставкаларни ошириш орқали давлат чекувчилар ва спиртли ичимликларни истеъмол қилувчилар сонини камайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Лицензияланган - ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш учун рухсатномалар бериш учун йиғим, масалан, алкогол ма=сулотлар савдоси билан шуғуланиш учун лицензия бериш.

Егри солиқ тур сифатидаакциз солиғи - давлат ўз бюджетига дистрибюторлар ёки ишлаб чиқарувчиларнинг талаб юқори бўлган акцизости товарларига нисбатан солиқ ставкасини ўрнатилади. Улар, шунингдек, ҳаддан ташқари истеъмол қилиш соғликка зарар этказиши мумкин бўлган акцизости товарлардан, масалан, алкогол ва тамаки маҳсулотларини сотишни чеклаш учун ундирилади. Улар баъзи ҳашаматли нарсаларга ҳам тегишлидир.

Умумжаҳон солиқлар - маҳсулот (хизмат) учун уни ишлаб чиқариш ва сотишнинг турли босқичларида белгиланган маржа асосида ундирилади. Алоҳида белгиланган ижтимоий аҳамиятга эга гуруҳлардан ташқари барча товарлар солиққа тортилади.

Амалдаги фискал қонунчиликка кўра, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг **40-боб**ида акциз солиғини қўллашнинг асосий нормаларини

белгиланган. Бундан ташыари Ўзбекистон Республикаси Президент Қарорлари, Фармонлари ва Вазирлар Махкамаси тегишли Қарорлари билан айнан шу акциз солиғининг бюджетга тўлашнинг ҳуқуқий асослари ҳисобланади.

Эгри солиқлар тури бўлган акциз солиғи тўғри солиқлардан фарқли ўлароқ, товарлар, хизматлар, ишларни сотиш билан боғликдир. Унинг манбаи истеъмолчи амалга оширадиган бошқа тўловнинг бир қисмидир. Ишлаб чиқарувчи маҳсулот таннархга маълум устама қўяди, у таннарх нархи ва фойда улушига қўшимча равишда солиқ тўлаш учун бир қисмини ҳам ўз ичига олади.

Шундай қилиб, эгри солиқ - бу нарх ёки тарифга киритилган қўшимча тўлов шаклида реализация ыилинган товарлар, хизматлар ёки ишларни бажариш учун олинадиган тўловдир.

Акциз солиғи тўловчи корхонанинг эгаси - ма=сулот ишлаб чиқарувчи ёки хизматлар кўрсатиш ташкилотчиси ҳисобланади, лекин солиқ истеъмолчилар маблағлари ҳисобидан шакллантирилади, яъни аслида тўловчи товар ёки хизматларнинг харидори ҳисобланади.

Эгри солиқлар тури бўлган акциз солиғи қуйидаги хусусиятларга эга:

-тўлиқ ёки қисман киритиш - ма=сулот нархига тўлиқ солиқни ҳам, унинг маълум қисмини ҳам ўз ичига олиши мумкин;

тадбиркорлик масъулияти- аслида тадбиркор давлат ва солиқни ҳақиқий тўловчи ўртасида воситачи бўлиб, лекин солиқни ўз вақтида ёки тўлиқ ундирмаган ҳолда тўлаш талаб қилинади;

яқинлик - истеъмолчи давлатга маҳсулот ёки хизмат нархининг қанча миқдорини тўлашини аниқ билмаслиги;

мустаҳкамлик - бундай солиқни тўламаслик мумкин эмас, чунки истеъмолчи маҳсулот ёки хизмат учун тўловни амалга ошириш орқали автоматик равишда унга пул беради;

тартибсизлик - бундай солиқлар нотекис тақсимланади, улар асосан талаб юыори булган товар ва хизматларга киритилади.

Мамлакатимизда акцизлар - бу маълум бир товарлар гуруҳи учун ўлчов бирлиги учун белгиланган нархга юқори фоизли устама ёки баъзида миқдор кўринишида белгиланган. Бу фақат айрим турдаги товарлар ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларга нисбатан қўлланиладиган мажбуриятдир. Масалан, акцизости товарлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 289-моддасига мувофиққуйидагилардан иборатдир:

-фильтрли, фильтрсиз сигареталар, папирослар, сигариллалар (сигаритлар), биди, кретек;

-чилим учун тамаки;

-чайналадиган, ҳидланадиган, шимиладиган тамаки;

-қиздириладиган тамаки таёқчаси, қиздириладиган тамакили капсула ва таркибида тамаки бўлган ўхшаш тамойил билан фойдаланиладиган бошқа маҳсулотлар;

-таркибида никотин мавжуд бўлган суюқлик (картриджларда, резервуарларда ва электрон сигаретлар);

-озиқ-овқат хом ашёсидан ректификацияланган этил спирти ва этил спиртининг бошланғич фракцияси;

-ароқ, коньяк ва бошқа алкоголь маҳсулотлари ҳажмий улушда спирт 40 фоиздан кўп бўлган ароқ, коньяк ва бошқа алкоголь маҳсулотлари;

-табиий равишда ачитилган табиий винолар;

-пиво;

-нефть маҳсулотлари(хар бир тури бўйича);

-полиэтилен гранулалар;

-ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сотиладиган суюлтирилган газ, шу жумладан экспорт;

-мобиль алоқа хизматлари;

-хушбўйлаштирувчи ёки ранг берувчи қўшимчаларсиз оқ шакар.

Амалда бугунги кунда солиқ амалиётида ягона акциз ставкаси йўқ, чунки қиймат ўрнатилган алоҳида. Яъни, акциз тўланадиган маҳсулотларнинг ҳар бир гуруҳи учун алоҳида. Бундан ташқари, қийматлар Солиқ кодексининг 292-моддасига мувофиқ солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби белгиланган бўлиб, акциз солиғини солиқ ҳисоботи солиқ бўйича ҳисобда турилган жойдаги солиқ органларига ҳар ойда, солиқ давридан кейинги ойнинг ўнинчи кунидан кечиктирмай тақдим этилиши белгиланган. Солиққа тортиладиган базани ошириш билан акциз солиғининг бюджет даромадларини оширишга эришиш мумкин бўлади. Бу мақсадни амалга оширишда буганги кунда мавжуд солиқ базасини ошириш учун акциз солиғи жорий этилмаган товарларга нисбатан

Хулоса бизнингча, энергетик ичимликларга, газланган ва таркибида шакар миқдори юқори бўлган алкогольсиз салқин ичимликларга, чипсга, атроф-муҳитга зарар етказувчи полиэтилен маҳсулотларига акциз солиғи жорий этиш орқали уларнинг сотувини камайтириш баробарида бюджетга қўшимча даромадларни ошириш имконияти яратилади. Бунинг натижасида аҳолини, айниқса даромад даражаси юқори бўлмаган қатламини ушбу инсон соғлиғига зарарли бўлган озиқ-овқатлар истеьмол қилишини кескин камайтирилишига ҳамда бюджетга қўшимча маблағ жалб қилишга имконият яратилади.

Келдиев Ф.Б.- *СамДАҚИ магистри,*
Асқаров Б. - *СамДАҚИ магистри*

ДАРОМАД ЁНДОШУВИ АСОСИДА ПУЛ ОҚИМЛАРИНИ ДИСКОНТЛАШ УСУЛИ ЁРДАМИДА БИЗНЕС(КОРХОНА) НИНГ ҚИЙМАТИНИ БАХОЛАШНИНГ АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада даромад ёндошув асосида пул оқимларини дисконтлаш усули ёрдамида бизнес(корхона) қийматини аниқлашнинг назарий масалалари тадқиқ этилиб, аниқ бир амалий холат бўйича бизнес қийматини даромад ёндошувидан фойдаланилиб пул оқимларини дисконтлаш усули асосида бахолаш кўрсатилган.

Калит сузлар: даромад ёндашуви, мулкнинг бозор қиймати, кўчмас мулк, кадастр қиймати, дисконтлаш, пул оқими, бизнес қиймати .

Пул оқимларини дисконтлаш усули ёрдамида ҳар қандай бизнес(корхона)ни бахолаш мумкин,бу усул бизнес(корхона)нинг аниқ бозор қийматини аниқлаб беради вабу усули муаян молиявий-хўжалик фаолиятига эга бўлган фирмалар бизнеси қийматини бахолашда ўзини оқлаган усул бўлиб ҳисобланилади.

Бу усулнинг қўлланилиши иқтисодий ўсишдаги ялпи харажатлар ва даромадлари мавжуд бўлган салоҳиятли корхонани бахолаш учун тўлиқ асосланилган.

Кейинги хисоб-китоблар учун хусусий капитал учун пул оқимлари танлаб олинди.

Пул оқимларининг истиқболини белгилаш фойда ва зарар хақидаги хисоботдан бошланилиб, охирги мақсад якуний соф фойдани аниқлаб олиш билан якунланилади.

Соф фойдадан пул оқимларига ўтиш мазкур модел доирасида хусусий капитал учун қуйидаги тартибда амалга оширилади:

$$\textbf{ДП = ЧП + АМ ± ДЗ ± ОК ± КВ,}$$

бу ерда: ЧП – соф фойда;

АМ – хисобот давридаги амартизация ажратмаларининг миқдори;

ДЗ – ўзоқ муддатли қарздорликнингўсиш/камайиш;

ОК – айланма капиталнингўсиши/камайиши;

КБ – капитал қўйилмалар.

Корхонанинг истиқболдаги фаолият муддатини икки даврга бўлиш мақсадга мувофиқ: истиқболдаги ва истиқболдан сўнгги давр. Истиқболдаги

давр сифатида фирманинг ўсиш суръати давом этаётган, меъёрлашмаган давр олинади (фараз қилинадиким, истиқболдан сўнгги давр бир меъёда ўсиш суръати таъминланади). Истиқболдаги даврни 3 йил деб қабул қиламиз, яъни 2021 йилгача.

Бундан узоқ муддатда истиқбол даврнинг кўзда тутилиши Ўзбекистон иқтисодиёти учун мураккаброқ бўлиб, тадбиркор фаолиятига қўйган инвестициясининг оқланиши(1-2, максимум 3 йилда) тарфдоридир.

Соф фойда:Соф фойданингмиқдори 1 074 357 мингсўм.

Амортизация ажратмаси:Хисобот даврининг бошида асосий воситаларнинг амартизацияси 362 000 минг сўмни ташкил этади, хисобот даврининг охирида 387 000 минг сўм.

Айланма капиталнингўсиши

$С_{ай}$ = қ. 290 – қ. 690 (ш.1)

$С_{ай.м.}$ = 9 046 427- 9 447 535 = - 401 108

$С_{ай.к.}$ = 16 528 375 - 16 541 533 = - 13 158

$С_{ай.}$= -13 158 – (- 40 1108) = 387 950

Шундай қилиб, пул оқимларини хисоблаш учун айланма капитанинг ўсишини 387 950 минг сўм деб қабул қиламиз.

Капитал қўйилмалар: хисоблашларни бажариш учун шакл №1 нинг 140 ва 250 қаторларидаги маълумотлардан фойдаланамиз.

Жадвал 1

Капитал қўйилмалар

Қатор коди	**Номланилиши**	**Хисобот даврининг бошида**	**Хисобот даврининг охирида**	**Ўзгариши (+/-)**
140	Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар	600	0	- 600
250	Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар	49 037	0	- 49 037
Жами капитал қўйилмалар				- 49 637

Шундай қилиб, пул оқимларини хисоблаш учун +49 637 минг сўм деб оламиз.

Пул оқимлари миқдорини қуйидагича хисоблаймиз:

ДП = 1 074 357 + 387 000 + 387 950+ 49 637 = 1 898 944 минг сўм

Яъни, хисобот даврида қурилиш фирмаси 1 074 357 минг сўм миқдорида фойда олган бўлиб ва 1 898 944 минг сўм миқдоридаги ижобий пул оқимларига эга бўлган.

Мазкур моделда дисконт ставкасини аниқлаш бахоланаётган бизнесга қўйилган мабағларнинг хавф-хатарларни эксперт бахолашга асосланилган коммулиятив қуриш усулидан фойдаланамиз.

Хусусий капитал учун дисконт ставкасини аниқлашда коммулятив усул асосида қуйидаги икки босқичда амалга оширилади:

I босқич – пул оқимларига мос келувчи хавф-хатарсиз ставка аниқланилади ;

II босқич – бахоланилаётган бизнес хавф-хатари учун қўшимча мукофот кўрсатгичлари аниқланилади.

Бахоланилаётган корхона учун дисконт ставкасини хисоблаш қуйидаги формула билан аниқланилади:

$$К = КТ + К2 + К3 + К4 + К5 + К6 + К7 ,$$

буерда, К – дисконт ставкси;

КТ – хавф-хатарсиз ставка;

К.1- К7 – бахоланалиётган корхона учун инвестициялаш учун қўшимча мукофот ставкалари.

Хавф-хатарсиз ставкани аниқлаш. Муқобил умум хавф-хатарсиз ставка бўлиб, тижорат банкларининг депозит хисоб рақамларинингфоиз ставкаси хисобланилади. Хавф-хатарсиз ставка сифатида корхона ва ташкилотларнинг 1 йилдан ортиқ муддатга депул оқимзитларга жалб қилинган маблағларининг ўртача тортилган фоиз ставкаси ҳисобланилади. Фараз қилайлик бундай ставканинг 2016 йилдаги ўртача миқдори 6,8 % ташкил этган.

Жадвал 2

Хавф-хатар омилларини бахолаш

Хавф-хатаромиллари	Мукофот, %	«Талъат техно», МЧЖ учун танланган мукофот%
Хавф-хатарсиздаромадмеъёри		6,8
Фирма ўлчами	0 - 5	1,7
Фаолиятинингдиверсификацияси	0 - 5	1,5
Харидорлардиверсификацияси	0 - 5	1,0
Бошқаришсифативаменежмент	0 - 5	1,5
Молиявийтаркиби	0 - 5	2,5
Фойдадаражасиваунинг истиқболи	0 - 5	2,0
Бошқахавф-хатарлар	0 - 5	0,5
Жами дисконт ставкаси		17

Бахолаётган тижорат корхонаси фаолиятининг тахлили асосида аниқланган хавф-хатар омилларини бахолаш қуйидагича амалга оширилди:

Фирма ўлчами. Бизнес қиймати бахоланаётган корхона кичик корхона бўлганлиги сабабли бундай корхоналарга мукофот ўртача ўқув-услубий адабиётларда 1,7% белгиланган, шунинг учун биз ҳам хавф-хатар учун мукофотни 1,7% деб белгиладик.

Молиявий таркиби. Агарда фирманинг кўрсатгичлари миқдори шунга ўхшаш фирмаларнинг ўртача кўрсатгичлари миқдоридан 2 марта кам бўлса, хавф-хатармукофоти 2 марта ўртачакўрчатгичдан кўп бўлиши назарда тутилган. Мазкур фирма таққосланилган фирмаларга нисбатан активлари ликвидлигининг пастлиги молиявий таркибда хавф-хатарнинг юқорилигини кўрсатади. Шунинг учун мазкур мукофотни 2,5% деб белгиладик.

Фаолиятининг диверсификацияси. Бахоланаётган фирма «Талъат техно» МЧЖ дивесификациялаш даражаси ўртача бўлганлиги сабабали , унга нисбатан мазкур мукофотни 1,5 % белгиладик.

Харидорлардиверсификацияси. Бизгамаълумки, кўпгина корхоналар олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг товар сотади ёки хизматлар кўрсатади. Шунингучун дебитор қарздорликнинг тахлили харидорларнинг диверсификацияланиши даражасини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, мазкур мукофотни 1,0% белгиладик.

Бошқариш сифати. Бошқариш сифати – мухум омил бўлиб, инвестициялаш қарорларини қабул қилишга бевосита таъси кўрсатади. Корхонанинг ўлчами кўпинча бошқа омилларга боғлиқ. Шунинг учун бошқариш сифатига мукофотни бошқа мукофотларнинг ўртача арифетиклиги асосида топишни мақул кўрдик.

(1%+2,5% + 2,5% + 1,5%) /3 = 1,5 %.

Фойда даражаси ва унинг истиқболи. Рентабеллик хавф-хатари ва даромадларнинг истиқболининг белгиланиши тушумнинг истиқболи қанчалилиги ва махсулотнинг рентабеллининг меъёрийлигига бевосита боғлиқ. Бахолаш муддатида бундай турдаги хавф-хатарлар ўртача миқдордан юқорилиги маълу бўлди ва бу бевосита қарз маблағларнинг миқдорига боғлиқ. Мазкур корхонанинг мажбуриятлар бўйича тўловлари фирма даромадини -2% га камайтиради. Шунинг учун мазкур мукофотни 2% га тенг деб олдик.

Бошқа хавф-хатарлар: 0,5%

Шундай қилиб, дисконтлаш ставкаси хавф-хатарсиз ставка ва хавф-хатарлар бўйича мукофотларнинг йиғиндиси сифатида аниқлаймиз. У қуйидагига тенг:

6,8% + 1,7% + 1,5% + 1,0% + 1,5% + 2,5% + 2,0% + 0,5%; = 17%

Хар бир истиқбол даври учун пул оқимлари миқдорини хисоблаш

Пул оқимларини хисоблаш усули бухгалтерия хисоби балансидаги даромадлар ва харажатлар бандлари бўйича тахлилга асосланилади.

ПУЛ ОҚИМ = Соф фойда + Тадқиқот даври учун хисобланган эскириш + Узоқ муддатли мажбуриятлар + Ўсиш (камайиш) Айланма капитал – Капитал қўйилмалар, (ҳамма вақт пул оқимларидан ажратишни талаб этадиган пул оқими) + ИЖФ.

«Талъат техно» МЧЖ йиллик балансларининг тахлили натижасининг кўрсатишича, пул оқимларининг ўсиш суръати 0,01 % ни ташкил этади. Албатта, 3 йил давомида пул оқимининг ўсишсуръати 3% ни ташкил этади (биз истиқбол йилни 3 йил деб танлаганмиз).

Корхонанинг пул оқимларини бизнес қийматини бахолаш учун ҳар бир истиқбол йилиучун, ҳамда биринчи истиқболдан кейинги йил учун ҳисоблаш кераквўлади.

Пул оқимларининг келгуси қийматини хисоблаш учун коэффицент олти омилли мураккаб фоизлар жадвалидан (4 та сатр) фойдаланилиб, бунда дисконт ставкаси 17% деб олинади.

Жадвал 3

Базис давридаги пул оқим	Истиқбол даври	Йилли кўсишсуръати 1%	Истиболдавридаги пул оқим	Қайта ҳисоблаш коэффицентии	Пул оқимнинг амалдаги қиймати ПВ
1	2	3	4	5	6
1898 944	Базис йили				
	1	0.01	1917933= 1898944 * 1,01	0,854701	1638741
	2	0.01	1937112= 1917933 * 1,01	0,730514	1414641
	3	0.01	1956483= 1937112 * 1,01	0,624371	1221186
	4	0.01	1976048= 1956483 * 1,01		

Истиқбол йилларидан кейинги давр учун корхона қийматининг миқдорини хисоблаш.

В = СФ (т+1) / (Рд – г),

буерда В – истиқбол йиллардан кейинги давр учун бизнеснинг қиймати;

14 667 104 – истиқболдан кейинги биринчи йил учун пул оқими;

Рд –дисконт ставкаси;

г – Пул оқимларининг ўзоқ муддатли ўсиш суръати

Рд - г = 17% – 3% = 14%

Уч йил давомида пул оқими амалдаги қийматининг суммаси:

СФ (т+1) = 1 638 741 + 1 414 641+ 1 221 186= 4 274 567 мингсўм.

Реверсия қиймати: **1976048 / 0,14 = 14 114 629 мин сўм**.

Реверсиянинг амалдаги қиймати:

14 114 629 * 0,736 528 =10 395 819 мингсўм.

«Талъат техно» МЧЖнинг бахолаш кунидаги жами қиймати:

4 274 567 + 10 395 819 = 14 670 386 мингсўм.

«Талъат техно» МЧЖнинг даромад ёндошуви асосида хисобланган қиймати **14 670 386 минг сўмни** ташкил этади.

Собиров И.Х.- *СамДАҚИ доценти в.б.,*
Носиров М.Н.-*магистр СамДАҚИ*

ТАҚҚОСЛАНМА ЁНДОШУВ АСОСИДА БИЗНЕС(КОРХОНА) ҚИЙМАТИНИ АНИҚЛАШНИНГ АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Ушбу маколада қиёсий ёндашув ўхшаш корхоналар ёки улардаги мулк улушларининг сотув нархлари таҳлили кўриб чиқилган.Қиёсийлик мезонлари таркиби баҳолаш шартлари ўрганилган. Бизнесни бахолаш бўйичамаълумотларга асосланиб, тегишли тавсиялар ишлаб чикилган.

Калит сузлар: таққосланма ёндашув, мулкнинг бозор қиймати, кўчмас мулк, кадастр қиймати, мультипиликатор,сотувлар ҳажми, активлар жами қиймати, бозорга оид капиталлаштиришсоф фойда.

Abstract: This article analyzes the economic consequences of expanding the revenue base of the state budget and the fact that property taxation plays an important role in increasing the competitiveness of property and creating a tax base.

Keywords: local tax, market value of property, real estate, cadastral value, personal card, tax items.

Қиёсий ёндашув ўхшаш корхоналар ёки улардаги мулк улушларининг сотув нархлари таҳлилига асосланади. Қиёсий ёндашув доирасида капитал бозори усулидан ва битимлар усулидан фойдаланганда баҳоловчи камида учта ўхшаш корхонани танлаб олиши лозим. Таққослаш учун ўхшаш корхоналарни танлашда қиёсийлик мезонлари таркиби баҳолаш шартлари ва зарурий ахборот мавжудлиги билан белгиланади.

Қуйидагилар баҳоловчи ҳисобга олиши лозим бўлган асосий мезонлар ҳисобланади:

баҳолаш объекти ва ўхшаш корхоналар бир тармоққа мансублиги;

миқдор жиҳатидан қиёсийлик, сотувлар ҳажми, активлар жами қиймати, бозорга оид капиталлаштириш ва бошқа кўрсаткичларда ифодаланиши мумкин;

даромадларнинг ўсиш суръатлари жиҳатидан қиёсийлик.

Баҳолаш объектининг бозор қийматини қиёсий ёндашув усуллари билан аниқлаш учун қуйидаги формула бўйича ҳисобланадиган мультипликаторлар қўлланилади:

$$M = \frac{H}{K}$$

бу ерда:

М – мультипликатор;

Н – ўхшаш корхонанинг сотув нархи (ёки қийматни белгиловчи ўзга асос);

К – корхона фаолиятини тавсифлайдиган молиявий, ишлаб чиқаришга оид ёки моддий кўрсаткич. Тегишинча, баҳолаш объектининг нархи молиявий кўрсаткични тегишли мультипликаторга кўпайтириш йўли билан аниқланиши мумкин:

$$\mathbf{H = M * K}$$

Мультипликаторлар умуман корхона бўйича ёки бир акцияга нисбатан ҳисобланиши мумкин.

Бизнесни баҳолашда мультипликаторларнинг қуйидаги асосий турларидан фойдаланилади:

нарх/даромад (фойда, пул оқими);

нарх/дивидендлар. Бу мультипликатор амалда тўланган дивидендлар асосида ёки бундай тўловларга хос бўлган ўхшаш корхоналар бўйича соф фойдага нисбатан фоиз ҳисобида ўлчанадиган эҳтимол тутилган дивиденд тўловлари асосида ҳисобланади;

нарх/реализациядан келган тушум;

нарх/ишлаб чиқариш физик ҳажми;

нарх/хусусий капитал (соф активлар)нинг баланс қиймати.

Баҳолаш объекти ва ўхшаш корхоналарнинг хусусиятларига қараб баҳоловчи бошқа турдаги мультипликаторларни қўллаши ҳам мумкин.

Баҳолаш объектини баҳолаш учун ўринли бўлган мультипликаторларнинг танланишини асослаш ва ҳисоблаш таомилининг тавсифи баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда келтирилиши лозим.

Баҳолаш объектининг бозор қиймати қиёсий ёндашув ёрдамида мультипликаторларнинг танланган қийматларини баҳолаш объектининг тегишли молиявий ёки бошқа кўрсаткичларига кўпайтириш орқали олинган натижаларни мувофиқлаштириш ва якуний тузатишлар киритиш йўли билан аниқланади:

агар қийматни белгиловчи асос сифатида инвестицияланган капитал қиймати олинган бўлса, узоқ муддатли қарзлар айириб ташланади;

хусусий айланма капиталнинг тақчиллиги айириб ташланади (ортиқча айланма капитал қўшилади);даромадни шакллантиришда ишга солинмаган активларнинг (агар улар мавжуд бўлса) бозор қиймати қўшилади;

одатдаги харидор учун жалб қилувчан бўлмаган ишлаб чиқариш диверсификацияси мавжуд бўлса, пул оқимртфелли чегирма айириб ташланади;

ёпиқ корхона акциялари фонд бозорида котировка қилинадиган ўхшаш корхоналар бўйича баҳоланган ҳолда, ликвидлик учун чегирма айириб ташланади;

мулкнинг баҳоланаётган улуши унинг ўхшашлари билан таққослаганда берадиган назорат қилиш имконияти даражасига қараб, назоратнинг йўқлиги учун чегирма айириб ташланади ёки назорат учун мукофот қўшилади.

«Қурилишресурс» МЧЖ қийматини таққосланма ёндошув асосида аниқлаш учун учта ўхшаш объект танлаб олинди, уларнинг ҳар бири бахоланаётган корхонага максимал яқиндир. Яъни - «Инфрастрой» МЧЖ, «Альтера» МЧЖ, «Стройсервис» МЧЖ.

Жадвал 1

Таққосланма ёндошувда ўхшаш объектлар классификацияси

Тавсифноманинг номланиши	1 ўхшаш	2 ўхшаш	3 ўхшаш	Бахоланаётганобъект
Корхонанингномланиши	МЧЖ «Инфрастрой»	МЧЖ «Альтера»	МЧЖ «Стройсервис»	МЧЖ «Қурилишресурс»
Тушум, мингсўм.	22500	18000	25300	24 875
Соф фойда, мингсўм	1450	1230	1690	1074
Жойлашиши	марказ	Марказ	Марказатрофи	Саноатзонаси
Бахолашмуддати	Декабрь 2020й.	Декабрь 2020й.	Декабрь 2020й.	Декабрь 2020й.

Корхонанингқий мати, мингсўм	13500	10700	15000	

Ҳар бир корхона учун қуйидаги формула ёрдамида мультипликаторни хисоблаймиз:

М = Q / СФ,

Буерда, М – мультипликатор,

Q – корхонақиймати,

СФ – соф фойда.

$М_1$ = 15 000 / 1 690 = 8,9

$М_2$ = 10 700 / 1 230 = 8,6

$М_3$ = 13 500 / 1 450 = 9,3

Ўртача арифметик мультипликаторнихисоблаймиз:

$$М = \frac{8,9 + 8.6 + 9.3}{} = 9.03$$

Корхона қийматини қуйидаги формула билан хисоблаймиз:

Нарх = ЧП * М

Нарх = 1 074 357 * 9,0 = 9 669 213 мингсўм.

Корхонанинг бозор қиймати таққосланма ёндошув бўйича 9 669 213 минг сўмни ташкил этди.

Саламов Ф.Ф. *– ассистент кафедры «Экономическая теория» СамИЭС*

ИНВЕСТИЦИОННЫЕ КРЕДИТЫ КАК ДОМИНИРУЮЩИЙ ИСТОЧНИК ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА

Аннотация. В статье затрагиваются актуальные вопросы инвестиционные кредиты как источник экономического роста

Ключевые слова: накопление, инвестиции, норма процента, спрос на инвестиции, система, синергетика.

Экономическое оценивание механизмов привлечения инвестиций на предприятие следует осуществлять на основе результата их применения. Это обусловлено тем, что именно ретроспективные или перспективные результаты применения определенного механизма определяют потребность предприятия в его использовании. Поэтому необходимо выявление и исследование движущих

сил, которые формируют результат использования механизмов привлечения инвестиций.

Поскольку механизм привлечения инвестиций функционирует на основе взаимодействия инвестора и предприятия-реципиента, то можно предположить, что их сотрудничество следует рассматривать, как определенную игру. Под этой игрой следует понимать их совместную деятельность, которая направлена на достижение определенного результата. Данный результат, в понимании инвестора и предприятия, будет отличаться. Так, для предприятия это будет привлечение максимально возможного объема инвестиций в течение минимально возможного периода времени и на выгодных для себя условиях. Для инвестора данный результат может рассматриваться с позиций выгоды, которую он получит от осуществления данных инвестиций. Поскольку поведение обоих субъектов будет взаимозависимым и возможно иррациональным (Т. Пламмер [205, ст. 17-18]), то вероятным является предположение, что результат «запуска» определенного механизма привлечения инвестиций будет зависеть от двух групп факторов: тех, что влияют на решения относительно инвестиций со стороны инвестора и тех факторов, которые влияют на решение определенного предприятия о начале сотрудничества с инвестором.

В рамках исследуемой проблематики стоит привести слова известного эксперта в области инвестиций, партнера УоренаБаффета в компании Berkshire, Чарльза Менгер: «Вся система инвестиционного менеджмента требует, чтобы люди делали вид будто они делают то чего делать не могут, и любили то, что на самом деле им не нравится. Это очень интересно, поскольку в органической форме инвестиционный менеджмент как бизнес абсолютно не приносит никакой добавленной стоимости своим клиентам. Так уж он устроен. Общие фонды назначают комиссию 2% в год, а после того брокеры рекомендуют инвесторам переходить из фонда в фонд требуя от инвестора еще 34% в год. Несчастный инвестор получает от «профессионалов» товар очень низкого качества. Я нахожу это отвратительным. Гораздо приятнее быть частью системы, которая приносит пользу тем, кто покупает ее товар».

Уоррен Баффет, который был активным противником увеличения количества посредников в инвестиционном процесса, как доказательство, приводит притчу «О семье Готроксов». Суть притчи заключается в том, что инвестиции без посредников на самом деле приносят тот же эффект, что и без них. Это обусловлено, тем что при условии использования профессиональных управляющих фондом, придется платить за успех, а следовательно, выигрыш от игры тот же что и без управляющих. Баффет также известен своим комментарием соотношение успешности акционеров и их бизнеса

«Большинство инвесторов в целом могут заработать не больше чем в совокупности их бизнес».

Эти и другие известные эксперты в области инвестиций убеждены, что динамика рынка определяется ожиданиями его участников, поэтому ее прогнозирования является весьма сложной задачей, поскольку участники рынка представляют теми кто определяет его динамику и делают прогноз данной динамики.

О субъективный характер прогнозирования динамики рынков уже упоминалось в трудах Дж. Сороса, Т. Пламмера, Дж. Мерфи и других. Причина по которой данный аспект является важным для определения факторов, влияющих на экономическое оценивание механизмов привлечения инвестиций, является то, что лицо, которое будет осуществлять их регулирование должно осознавать ответственность за принятие им определенного решения. Данное лицо должно понимать сложность соответствующих экономических систем, результат взаимодействия элементов которых она анализирует, поскольку влияние непредсказуемых временных факторов всегда присутствует. Известный экономический классик Дж. М. Кейнс убеждал:

«Опасно... использовать до будущего индуктивные умозаключения, основанные на прошлом опыте». Это влияние формирует предположение о том, что в инвестиционной деятельности не существует идеального решения, есть только альтернативные варианты, среди которых выбирают оптимальный.

Учитывая вышеизложенное, очевидным будет предположение, что аппарат управления инвестиционной деятельностью предприятия, а именно привлечение инвестиций должно быть четко привязанным к целям деятельности предприятия - реципиента. Если речь идет о машиностроительные предприятия, то привлечение инвестиций должно реализовываться с целью совершенствования производства, введение новых разработок, обучения персонала, освоения новых технологий. Привлеченный капитал не всегда целесообразно использовать для инвестиций на финансовом рынках, исключение составляют инвестиции в надежные ценные бумаги, такие как государственные облигаций внутреннего займа, казначейские обязательства и тому подобное. Это обусловлено такими причинами:

- отсутствие в развитого фондового рынка и сложная экономическая ситуация;

- отсутствие опыта эффективного управления активами на финансовых рынках;

- несовершенство отечественной законодательной базы;

- низкий уровень доверия к финансовым институтам, что предопределяет их сравнительно не высокую финансовую эффективность.

- другие причины.

Выводы: Исследовав сущность понятия механизмы привлечения инвестиций и определив характер их влияния на состояние предприятия, удалось предложить метод их экономического оценивания и определить целесообразность анализа возможностей по регулированию механизмов.

МУНДАРИЖА

I ШЎЪБА. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА МОЛИВИЙ БАРҚАРОРЛИГИ ТАЪМИНЛАШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ		
Абдуллаев А.Я., Маликова Д.М.	Эволюция научно-теоретических взглядов на экономическую безопасность коммерческих банков…….	5
Бектемиров А., Маликова Д.М., Аҳмедов Ҳ.Ф.	Тижорат банки фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари……...	8
Абдуллаев А.Я., Хужамуратов А.М.	Банк тизимида молиявий функцияларининг трансформацияси: муаммо ва ечимлар……..	11
Бектемиров А., Маликова Д.М., Каримов М.А.	Тижорат банкларида муаммоли кредитлар ва уларни бошқаришни такомиллаштириш……	15
Гайбуллаев Р.М.	Ислом банклари молияси хизматлари қадриятларимиз устунлиги дебочаси бўла оладими?.....	19
Собиров И.Х., Турсунов Ф.	Рақамли иқтисодиётга ўтишда тижорат банкларида тўлов тизимини такомиллаштириш йўллари…….	23
Гайбуллаев Р.М.	Ислом эътиқодларига асосланган одиллик ва хаққонийлик ислом банклари иш фаолиятининг асосий меъзони сифатида……...	28
Хайдаров З.Ш.	Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида Базель III халқаро талабларни жорий этиш жараёнини ўзига хос хусусиятлари ва унга таъсир этувчи омиллар……..	33
Гайбуллаев Р.М., Нуриддинов Ж.	Тижорат банкларида кредитлар бериш жараёнини такомиллаштириш…….	39
Собиров И.Х., Самандаров Ж.	Рақамли банкни ривожлантириш истиқболлари……	45
Хайдаров З.Ш.	Банклараро кредит ресурслари бозорига марказий банк пул-кредит сиёсатининг таъсири ва уни ўзига хос хусусиятлари……...	49
Ходжимамедов А.А.	Понятие и сущность банковских инноваций……	55
Даминов Ф.М.	Олий таълим ва тижорат банклари фаолиятини интеграциялашнинг стратегик муаммолари…….	59

Nozimov E.A.	Raqamli iqtisodiyotda axborotlar xavfsizligini ta’minlash……	64
Juraeva M., Annayeva M.	Aholini ipoteka kreditlari bilan ta’minlash samaradorligi……..	68
Бектемиров А., Маликова Д.М., Пирназаров У.Н.	Банк кредит портфелини шакллантириш ва уни бошқаришни такомиллаштириш йўллари…….	74
Даминов Ф.М.	Олий таълим ва тижорат банклари фаолиятини интеграциялаш жараёнларига нисбатан илмий-назарий ёндашувлар таҳлили……...	78
Хамроев М.С., Ғаниев Ш.	Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини кредит орқали молиявий соғломлаштиришнинг халқаро тажрибасини қўллаш……..	82
Ахтамова М.Э., Ходжаев Б.	Корпоративная культура и её роль в становлении АИКБ «Ипак Йули»……..	86
Махмудов Ж.Э.	Кичик бизнес субъектларида молиявий ресурсларни самарали бошқариш йўллари……	89
Эшонқулов А.Қ.	Хўжалик юритувчи субъектларда пул маблағлари оқимини самарали бошқариш…….	94
II ШЎЪБА. ИҚТИСОДИЁТ СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ		
Зайналов Ж.Р., Алиева С.С.	Финансово-социальные механизмы повышения уровня жизни населения……..	99
Абдуллаев А.Я.	Совершенстовавание системы финансирования реальных инвестиций в Узбекистане……..	104
Махмудходжаев А.Ю.	Финансирование из бюджета инвестиций в здравоохранение…….	107
Жанзаков Б.Қ.	Республикамизда миллий инновацион тизимни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари……..	111
Собиров И.Х., Аскаров Б.	Инновационных технологии строительной отрасли в Узбекистане……..	115
Тураев А.А.	Мамлакатимиз солиқ тизимида солиқ назоратининг ахамияти…….	118
Собиров И.Х., Носиров М.Н.	Солиқ солиш мақсадида кўчмас мулкни бозор қийматида баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари..	123
Ходжаев Э.Н., Жўраев З.	Ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига кўрсатилаётган ижтимоий молиявий хизматларни барқарорлигини ошириш сиёсатини такомиллаштириш……..	129
Даминов Ф.М.	Олий таълим ташкилотларининг стратегик режалаштириш тизимида интеграцион жараёнлар таҳлили……..	134

Тулаев Д.Ю., Хамроев М., Мелиев А.	Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда суғурта фаолиятининг аҳамияти……	139
Бектемиров А.А.	Тадбиркорлик субъектларида форс-мажор ҳолатларда иш вақти йўқотилишининг сабаблари ва уларни баҳолаш усули……	142
Усмонов П.Ш.	Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришнинг амалдаги ҳолати ва унинг хусусиятлари……..	146
Эрназаров Н.Э.	Эгри солиқлар тури бўлган акциз солиғини ундиришдаги ўзига хос хусусиятлари……	150
Келдиев Ф.Б., Асқаров Б.	Даромад ёндошуви асосида пул оқимларини дисконтлаш усули ёрдамида бизнес(корхона) нинг қийматини бахолашнинг амалий масалалари……	154
Собиров И.Х., Носиров М.Н.	Таққосланма ёндошув асосида бизнес(корхона) қийматини аниқлашнинг амалий масалалари……	159
Саламов Ф.Ф.	Инвестиционные кредиты как доминирующий источник экономического роста……..	162

“БАНК ИШИ” ВА “ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИННОВАЦИЯЛАР” КАФЕДРАЛАРИ

“Ўзбекистон банк соҳасидаги инновациялар: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари

2022 йил 9-10 апрель

(II – қисм)

2022 йил. Қоғоз бичими А5, 1/16
Офсет қоғози. “Times New Roman” гарнитураси
Босма табоғи 10,62
Буюртма № 099В, Адади 40 нусха

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
Босмахонасида чоп этилди
11.04.2022 й. LICENSE № 025316
REESTR № X-119112
Манзил: Шоҳрух кўчаси, 60-уй

